

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н.Т. ЎРМОНОВ**

**МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги  
ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 5A230108- Монополияга  
қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириши Магистратура  
мутахассислигигида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида  
тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ – «IQTISODIYOT» – 2019**

**УО‘К: 339.137.2**

**КВК:65.9(5O’zb)**

**О‘-56**

**Ўрмонов Н.Т. Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISODIYOT», 2019. - 261 бет.**

Қўлланмада монополистик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг норматив-хуқуқий, иқтисодий ва амалий асослари; миллий иқтисодиётда монополияга қарши давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва соғлом рақобат муҳити барқарорлигини таъминлаш шарт-шароитлари очиб берилган. Шунингдек, монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳориж тажрибасидан фойдаланиш хусусиятлари ёритилган. Қўлланма магистратуранинг 5A230108–“Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” мутахассислиги талабалари учун тавсия этилади.

В пособии изложены правовые, экономические и практические основы политики государственного регулирования monopolisticкой деятельности; раскрыта сущность государственной антимонопольной политики в народном хозяйстве и условия обеспечения здоровой конкурентной среды. Также освещается стратегия развития антимонопольного управления и особенности использования международного опыта. Пособие рекомендовано для магистрантов по специальности 5A230108 - Антимонопольное управление и развитие конкуренции.

The manual sets out the legal, economic and practical principles of the policy of state regulation of monopolistic activity; the essence of the state antitrust policy in the national economy and the conditions for ensuring a healthy competitive environment are disclosed. It also highlights the development strategy of antitrust management and features of using international experience. The manual is recommended for graduate students in specialty 5A230108 - Antitrust management and development of competition.

ISBN: 978-9943-05-691-6

**УО‘К: 339.137.2**

**КВК: 65.9(5O’zb)**

© «IQTISODIYOT», 2019.

© Ўрмонов Н.Т., 2019.

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	<b>8</b>
	<b>1-Модуль. ДАВЛАТНИНГ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ</b>	<b>10</b>
	<b>1-боб: “МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ</b>	<b>10</b>
<b>1.1.</b>	“Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари” курсига кириш.	<b>10</b>
<b>1.2.</b>	Фанинг моҳияти ва вазифалари, талабалар билиши лозим бўлган асосий тушунчалар.	<b>15</b>
<b>1.3.</b>	Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти.	<b>17</b>
<b>1.4.</b>	Монополияга қарши бошқарувнинг обьекти ва субъекти.	<b>24</b>
<b>1.5.</b>	Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими амалиётининг асосий жиҳатлари	<b>26</b>
	<b>2-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ</b>	<b>30</b>
<b>2.1</b>	Монополияга қарши бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари.	<b>30</b>
<b>2.2</b>	Ваколатли органлар фаолиятидаги ўзгаришлар	<b>36</b>
<b>2.3</b>	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва уни монополияга қарши бошқарув жараёнларини амалга оширишдаги вазифалари.	<b>39</b>
<b>2.4</b>	Монополияга қарши бошқарув органлари томонидан монопол корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш тартиби	<b>45</b>
<b>2.5</b>	Монополияга қарши қонун ҳужжатлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.	<b>53</b>
<b>2.6</b>	Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари.	<b>56</b>

	<b>3-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ РАҚОБАТ СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ</b>	<b>64</b>
<b>3.1</b>	Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлиги.	<b>64</b>
<b>3.2</b>	Монополияга қарши бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари.	<b>69</b>
<b>3.3</b>	Рақобат муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиш.	<b>74</b>
<b>3.4</b>	Давлатнинг монополияга қарши бошқарув воситалари.	<b>77</b>
<b>3.5</b>	Иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини ривожлантириш механизмлари.	<b>79</b>
	<b>4-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ</b>	<b>82</b>
<b>4.1</b>	Монополияга қарши бошқарув институтлари.	<b>82</b>
<b>4.2</b>	Монополияга қарши бошқарувда кадрлар сиёсати.	<b>84</b>
<b>4.3</b>	Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувнинг функционал асослари.	<b>97</b>
<b>4.4</b>	Монополияга қарши бошқарувнинг институционал жиҳатлари.	<b>102</b>
<b>4.5</b>	Давлат томонидан монополияга қарши бошқарув муносабатларини ривожлантириш йўллари.	<b>105</b>
<b>4.6</b>	Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида монополияга қарши бошқарувни юзага келиши.	<b>107</b>
	<b>5-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	<b>111</b>
<b>5.1</b>	Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг мақсад ва вазифалари.	<b>111</b>
<b>5.2</b>	Монополияга қарши бошқарувни амалга оширишда давлатнинг асосий устувор йўналишлари.	<b>112</b>
<b>5.3</b>	Монополияга қарши бошқарув тамойиллари.	<b>115</b>
<b>5.4</b>	Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан	<b>118</b>

	тартибга солиш босқичлари.	
5.5	Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали монополияни тартибга солиш воситалари.	120
	<b>2ҚИСМ</b>	
	<b>6-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ</b>	126
6.1	Монополияга қарши бошқарув тизими ва унинг хусусиятлари.	126
6.2	Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситалар.	133
6.3	Монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли.	136
6.4	Монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат муҳитини давлат томонидан қўллаб қувватланиши.	139
6.5	Монополияга қарши самарали бошқарувнинг асосий белгилари.	144
6.6	Давлат томонидан монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш йўллари.	146
	<b>7-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИ</b>	151
7.1	Монополияга қарши бошқарув функциялари.	151
7.2	Монополияга қарши бошқарув стратегияси ва уни ишлаб чиқиш зарурияти.	153
7.3	Монополияга қарши бошқарувни стратегик режалаштириш.	152
7.4	Бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни.	160
7.5	Монополияга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари.	165
7.6	Монополияга қарши бошқарув тактикаси.	169
	<b>2-модуль. Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш</b>	174
	<b>8-боб: МОНОПОЛ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ</b>	174

	<b>ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ</b>	
<b>8.1</b>	Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.	<b>174</b>
<b>8.2</b>	Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолияти.	<b>175</b>
<b>8.3</b>	Истевъмолчилар, давлат ва монопол субъектлар манфаатлари.	<b>176</b>
<b>8.4</b>	Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар.	<b>179</b>
<b>8.5</b>	Монопол субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари.	<b>184</b>
	<b>9-боб: МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ</b>	<b>187</b>
<b>9.1</b>	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш	<b>187</b>
<b>9.2</b>	Рақобат муҳитини изчил ривожлантириш тизими.	<b>188</b>
<b>9.3</b>	Монопол корхоналар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.	<b>192</b>
<b>9.4</b>	Нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик чоратадабирлари.	<b>194</b>
<b>9.5</b>	Республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.	<b>197</b>
	<b>10-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ</b>	<b>202</b>
<b>10.1</b>	Соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ахборотнинг ўрни.	<b>202</b>
<b>10.2</b>	Монополияга қарши бошқарув тизимида ахборот турлари.	<b>204</b>
<b>10.3</b>	Ахборотга бўлган эҳтиёж.	<b>206</b>
<b>10.4</b>	Монополияга қарши бошқарув жараёнида ахборотларни таҳлил этишда коммуникация тизими.	<b>209</b>
<b>10.5</b>	Монополияга қарши бошқарувда ахборот базаси.	<b>213</b>

	<b>11-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ</b>	<b>220</b>
<b>11.1</b>	Монополияга қарши бошқарув түғрисида турли қарашлар ва назариялар.	<b>220</b>
<b>11.2</b>	Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари.	<b>224</b>
<b>11.3</b>	Монополияга қарши бошқарувни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар.	<b>227</b>
<b>11.4</b>	Глобал Рақобатбардошлиқ индекси	<b>233</b>
<b>11.5</b>	Халқаро рейтингларда Ўзбекистон позициясини янада мустаҳкамланиши	<b>236</b>
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		<b>242</b>
Глоссарий		<b>250</b>

## **КИРИШ**

Ушбу фан монополияга қарши давлат сиёсатининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, унинг фаолиятини тартибга солишда давлатнинг аралашуви хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда долзарб ҳисобланади.

Шулар боис, барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётни монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш заруряти ортмоқда. Давлатнинг қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилишдан иборат тадбирлари иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор ислоҳотларини амалга оширишда, монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда мухим аҳамият касб этмоқда.

Монополияларни тартибга солиш сиёсати талабларига бўлажак мутахассисларнинг жавоб бера олишлари учун иқтисодий ўзгаришларини тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқара олишлари масаласи долзарб ҳисобланади.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Мақсад – талабаларга монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-хуқуқий асосларини, Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг асосий йўналишларини ўрганиш, рақобат муҳитини шакллантириш, бизнес муҳитини таъминлаш, монополияга қарши стратегияларни тўғри танлаш бўйича мутахассислик йўналишига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришdir.

Ушбу мақсадга эришиш учун қўлланма талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Қўлланма таркибидан “Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари; монополияга қарши бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари; монополияга қарши бошқарувнинг рақобат сиёсатини ривожлантиришдаги ўрни; монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал жиҳатлари; монополияга қарши бошқарувнинг асосий йўналишлари; монополияга қарши бошқарув тизими ривожланишнинг асосий белгилари; монополияга қарши бошқарув стратегияси; монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш; монопол корхоналар фаолиятини назорат қилиш; монополияга қарши самарали бошқарувда ахборот билан таъминлаш тизими; монополияга қарши бошқарувнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш каби мавзулар ўрин олган.

**1-боб: “МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ,  
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- 1.1. “Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари” курсига кириш.**
- 1.2. Фанинг мақсади ва вазифалари, талабалар билиши лозим бўлган асосий тушунчалар.**
- 1.3. Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий мөҳияти.**
- 1.4. Монополияга қарши бошқарувнинг обьекти ва субъекти.**
- 1.5. Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими ва унитартибга солиш амалиётининг асосий жиҳатлари**

**1.1. “Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари” курсига кириш**

Монополияга қарши бошқарув давлатнинг қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш, тартибга солиш кабилардан иборат тадбирлар тизимини қамраб олади. Иқтисодиёт оламининг жадаллашиб бораётган глобаллашув шароитида иқтисодчи-мутахассислар томонидан иқтисодий ўзгаришларни тўғри талқин қилиш ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқара олиши учун монополияга қарши бошқарув тизимининг институционал асосларини ўзлаштириш долзарб ҳисобланади.

Ушбу қўлланма монополияга қарши бошқарувининг ташкилий-иқтисодий асосларини яратиш ва тартибга солища, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашда, хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Миллий ва ҳорижий адабиётларнинг кўпчилигида “монополияга қарши бошқарув”, “монополияга қарши тартибга солиш”, “монополияга қарши сиёсат”, “антимонопол сиёсат”, “аксилмонопол сиёсат”

каби тушунчалар ўзаро ўриндош сифатида қўлланилаётгани маълум. Кўлланмада ҳам юқоридаги ёндошув қисман ёқланганини қайд этиш лозим. Шундай бўлсада, қуидагиларга тўхталиш лозим. Монополияга қарши тартибга солиш - бозор механизмининг нормал ишлашига таҳдид солувчи ҳаддан ташқари монополлашган бозорнинг олдини олишга ва бозор рақобати шароитларини таъминлашга қаратилган ва давлат томонидан амалга ошириладиган иқтисодий, маъмурий ва қонунчилик чоралар мажмуи.

Монополияга қарши тартибга солиш таркибиға концентрация ва ишлаб чиқаришни монополлаштириш даражасини тартибга солиш, корхоналар стратегияси ва тактикаси, ташқи иқтисодий фаолият, нарх ва солиқларни тартибга солиш киради<sup>1</sup>. Монополияга қарши сиёсат(инглизча: Anti-monopolic policy)- Давлатнинг монополияга қарши қонун ва адолатсиз рақобатни бостириш тўғрисидаги қонунларга асосланган иқтисодий сиёсати. Антимонопол сиёсат –давлат даражасида компанияларнинг монопол ҳукмронлигини чеклаш йўли билан соғлом рақобатни ҳимоя қилишга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси. Монополияга қарши сиёсат рақобатни ривожлантиришга, бозор муносабатлари иштирокчиларининг монополистик фаолиятига ва бозорда монополияларни шакллантиришга тўскىнлик қиласидиган шароитларни яратишга қаратилган. Рақобат қонуни ва(ёки) монополияга қарши қонунчилик - тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ва иқтисодий таъсирчан компаниялар шартномалари тузиш эркинлигини чеклашга қаратилган ҳукуқий норматив ҳужжатлар тўплами. Мазкур тўплам дунёning аксарият давлатларида антитрест қонунчилик деб ҳам юритилади. Сотувчи(харидор)нинг нархга таъсир қилиш қобилиятини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган йирик бирлашиш ва ҳаракатларни чеклайди. Кўпинча чекловлар картелларни ёки нархларни ушлаб туриш ва бозорларни туркумлашнинг турли механизmlарини яратишга таъсир қиласиди;

---

<sup>1</sup> [https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin\\_enc/20122](https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/20122)

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётдаги монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти ортмоқда. Яъни, монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг қоида ва хулосаларини пухта ўзлаштириш ҳамда ижодий ёндашувни талаб этади.

Аввало, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш зарурияти, торроқ айтганда монополияларни тартибга солиш зарурати бозор иқтисодиётининг: бозор ожизлиги туфайли мувозанатнинг бузилиши; аҳоли даромади дифференциацияси; атроф-муҳитнинг ифлосланиши; ташқи самара ва харажатлар каби камчиликларига боғлиқ.

Бозор ожизлиги - бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмаслигини кўрсатувчи тўрт турдаги самарасиз вазиятга ажратилади. Булар: 1. Ижтимоий неъмат; 2. Монополия; 3. Ассиметрик ахборот; 4. Ташқи самара<sup>2</sup>. Ушбу вазиятларда бозорга давлатнинг аралашуви ёхуд иқтисодиётни тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Давлат – жамиятдаги турли манфаатларни уйғунлаштиради ва ягона умуммиллий манфаатга бирлаштирувчи сиёсий ва жамоат ташкилотларидан ташкил топади.

Давлат сиёсати – бу макроиктисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига тааллукли йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган саъй- ҳаракатларидан иборат. Давлатнинг иқтисодий сиёсати – иқтисодиёт иштирокчиларининг йўл-йўриқлари ва қўллаган чора-тадбирлари сифатида намоён бўлади. Бу сиёсат миллий иқтисодиётга оид сиёсатdir. Давлат иқтисодиётнинг оддий иштирокчиси эмас, балки уни тартибга солиб турувчи куч ҳисобланади. Иқтисодиётга бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган, балки уларга шароит яратиб берадиган даражада аралашади. Давлатнинг ижтимоий сиёсати – бу инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларини юзага чиқариш, ҳимоя қилиш ва унинг камол топишига қаратилган сиёсатdir.

---

<sup>2</sup> Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т., Ходиев Б.Ю. Микроиктисодиёт. -Т.: Шарқ, 2001.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви – унда давлат умуммиллий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида миллий иқтисодиётни тартибга солиши тушунилади. Бунда бирлашган кишилар манфаатлари ифода этилиб, бу гурӯхий, яъни корпоратив манфаатларни ҳам назарда тутади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашув меъёри – давлатнинг фаолияти бозор механизмининг ишлашига халақит бермаслиги, аксинча, давлат бунга шароит яратиб бериши, зарур бўлганда, бозор механизми ишини тўлдириб туриши талаб қилинади. Давлат сиёсати миллий манфаатлар ва мақсадларни кўзлайди. Бунда: монополияга қарши сиёсат юритиш, ижтимоий суғурталаш, салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни чеклаш, ижобий ташқи самарага эга бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантириш каби дастаклар орқали ҳаракат қилинади.

Ижтимоий неъмат икки хил хусусиятга эга: истеъмол қилишда танланмаслик ва истеъмолдан ажратилмаслик. Таълим, тез ёрдам, армия ва милиция хизмати кабилар мазкур хусусиятларга эга бўлган ижтимоий неъматдир. Истеъмолда танланмаслик, неъматни бир киши томонидан истеъмол қилиниши бошқа бир кишининг ушбу неъмат истеъмолини камайтирмаслигини билдиради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим жиҳатлари – бу бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, монопол ва устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг нархлари (тарифлари) муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали мақроиқтисодий қўрсаткичларни оширишга қаратилганлигидир. Бу эса, давлат томонидан монопол мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ва албатта қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур сиёsat нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки институционал ривожланиш хусусиятига ҳам эга. Институционал ривожланиш эса, бозор иқтисодиётiga ўтиш ва унга мос келувчи бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, рақобат муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Шунингдек, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда мазкур субъектлар фаолиятининг таркиби ва чегараларини белгилаб берадиган, уларнинг бошқа субъектлар билан муносабатларига аниқлик киритадиган, рақобат сиёsatини амалга оширадиган институционал асосларни шакллантириш ҳамда бозор талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг аҳамияти катта. Бу масаладаги давлат томонидан монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш учун қатор ҳужжатлар имзоланган. 2012 йил январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ти Қонунда рақобатга қарши ҳаракатларни тақиқлашнинг ҳуқуқий нормалари белгиланган бўлиб, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини сустеъмол қилиш, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тузиш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари (ҳаракатлари) ҳамда инсофсиз рақобат тақиқланган. Бундан ташқари, танлов (тендер) ва биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштиришга доир ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишдаги монополияга қарши талаблар киритилиб, ушбу ҳаракатларни амалга оширишда монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш тартиби белгиланган.

ПФ-4947 билан имзоланган Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2018 йиллардаги Парламентга Мурожаатлари вамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиришда, хусусан монополистик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш борасида янги босқич бўлди.

## **1.2. Фаннинг мақсади ва вазифалари, талабалар билиши лозим бўлган асосий тушунчалар**

Фаннинг мақсади – талабалар дунёқарашида монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-хуқуқий асослари, Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг асосий йўналишларига доир ёндошувларни шакллантириш;

монополияларни тартибга солиш фаолиятини таҳлил қилишнинг мураккаб бўлган усуллари орқали турли рақобат жараёнларини, конъюнктуравий ўзгаришларни ёритиб бериш;

рақобат муҳитини шакллантириш, бизнес муҳитини таъминлаш, монополияга қарши стратегияларни тўғри танлаш бўйича мутахассислик хусусиятларига мос билим, кўникма ва малака орттиришдан иборат.

Ушбу мақсадни ўзлаштириш, назарий билимлар, амалий кўникмалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга пухта илмий-услубий ёндашувларга эга бўлиш борасидаги вазифалар ҳал этилади. Натижада талабалар:

- монополияга қарши бошқарувнинг назарий, хуқуқий, иқтисодий ва амалий асослари;

давлатнинг монополияга қарши бошқарув сиёсатини илмий билимлар асосида баҳолаш;

мамлакатимиз ва чет эл тажрибасидаги илғор усуллар ва воситалар;

монополияга қарши бошқарув масалаларни ижтимоий-иктисодий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишни билиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш имкониятлари ва миллий корхоналарни рақобатга бардош бера олиш усул ва йўллари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Шунингдек, Ўзбекистондаги мулкий муносабатлар, ижтимоий сиёsat, ташқи иқтисодий алоқалар, тадбиркорлик фаолияти, монопол субъектларни тартибга солища монополияга қарши бошқарувнинг асосий йўналишларини билиб, уларни муаммомли вазиятларни ҳал этишда татбиқ этиш салоҳиятига эга бўладилар.

Айни чоғда берилган яхлит билимлардаги таъриф ва изоҳларнинг тизимий таҳлилини амалга ошириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос томонларига таъсирий чораларни ишлаб чиқиш, монополияларни тартибга солиш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш, илғор усул ва воситалардан фойдалана олиш, монополияга қарши бошқарув жараёнининг боришини баҳолаш, натижаларни белгилаш, рақобат муҳитини такомиллаштириш борасидаги кўникмаларни мустаҳкамлашга муҳим хисса қўшади.

Иқтисодиётни модернизация қилишнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифаларидан бири бошланган ишларни изчил давом эттириш –кенгайтириш ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида истеъмол талабини, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обьектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришdir.

Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими ва уни тартибга солиш амалиётининг муҳим жиҳати тадбиркорлик фаолиятида бизнес муҳитини яратиш, рақобат сиёсатини олиб бориш билан белгиланади. Шу билан бирга монополияга қарши бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйилиши мамлакатда инвестицион муҳитни янада жозибадор бўлишига шароит яратади. Хусусий мулкчилик, жумладан турли мулк эгаларининг улушларидан ташкил топган акциядорлик жамиятлари ҳам рақобат муҳитини яратилиши натижасида иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳаракат қиласи.

Иқтисодиётда компанияларнинг монопол (хукмронлик) ҳолатининг тўртта варианти ажратилади: монополиянинг ўзи, олигополия (грекча oligos – озчилик + poleo), монопсония (грекча monos + opsonia – ўзиқ-овқат хариди) ва олигопсония (грекча oligos + opsonia). Бугунги кунга қадар монополия атамасининг мазмунини ифодалашда моҳиятан фарқланувчи икки ёндашувни кўриш мумкин: Биринчи ёндашув – монополияларни турли йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг сунъий бирлашмаси сифатида ифодалаш. Монополия атамасининг мазмунини ифодалашда иккинчи ёндашув – бу

монополияларга бозордаги иштирокчилар (сотувчи ёки харидорлар) сонининг чекланганлиги туфайли вужудга келган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва нархига таъсир ўтказиш имкониятини намоён этувчи бозор ҳолати сифатида қараш орқали тавсифланади. Бозор иқтисодиёти, монополия рақобатига қарши куч сифатида майдонга чиқади ва у ракобат таъсири шароитини ўзгартиради.

### **1.3. Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти**

Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўрганиш манбаларидан бири<sup>3</sup> 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар ҳисобланади. Ҳужжатда монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишга ўтиши учун шарт-шароит тайёрлаш эканлиги қуидагиларда асослаб берилган. Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини қўрсатди. Хусусан, бу борада кўплаб қўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали

<sup>3</sup> [2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида](#). Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. № ПФ-5544(21.09.2018)

мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти. Яъни, “Стратегиянинг асосий йўналишлари” деб номланган 3-бобнинг бешинчи банди “3.5. Рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш”га бағишлиланган ва қуидаги олтита вазифа белгиланган:

**1.** Корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш. (01.04.2019гача, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори)

**2.** Иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтишини рағбатлантирувчи рақобат бозорини шакллантириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш(01.01.2020, Иқтисодиётда рақобат мухитини ривожлантириш ва монополиядан чиқариш концепцияси)

**3.** Монополияга қарши сиёsatни, шу жумладан давлат-хусусий шериклигини жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, барча юридик ва жисмоний шахслар учун табиий монополиялар субъектларининг товарлар, ишлар ва хизматлардан чекловларсиз фойдаланишни таъминлаш, монополист-корхоналар маҳсулотларига баҳо белгилашнинг самарали механизмини жорий этиш(01.03.2019 гача, Норматив-хуқуқий хужжат)

**4.** Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг teng шартшароитларини яратиш ва ички бозор монополиялаштирилишининг олдини олиш(01.06.2019 гача, Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш)

**5.** 2021 йилга бориб давлат кадастри ишларини юритишни тўлиқ рақамлаштиришни таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштириш, (01.02.2019 гача, Чора-тадбирлар дастури)

**6.** 2025 йилга бориб энергиянинг қайта тикланадиган ва муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳиссасини 20 фоиздан кўпроқقا ошириш(01.07.2019 гача, Ташкилий-амалий комплекс чора-тадбирлар)

Мазкур хужжатдан сўнг №ПФ-5630; ПҚ-4126 каби норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Улар Мамлакатимизда ислоҳотлар таркибидаги Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини кенгроқ ва батафсил баён этишга хизмат қиласи.

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»даги 30-36-бандларда Рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни қискартириш тадбирлар ва уларни тадбирларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар қуидагилардан иборат.

1. Устав фондларида давлат улуши бўлган давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг принципларидан кенг фойдаланиш; иқтисодий фаолият кўрсаткичларидан келиб чиқиб, устав фондларида давлат улуши бўлган давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятлари фаолиятини баҳолашни жорий этиш (капитал маблағларнинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, хориж инвестициялари, янги технологияларни жалб қилиш ҳажми, молия ҳисботининг шаффофлиги ва бошқалар); акциядорларнинг хукуқлари, шу жумладан миноритар хукуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш.

2. Тармоқ хўжалик бирлашмалари кўринишида бўлган, кўп жиҳатдан тармоқ вазирликлари ва идоралари мақоми ва функцияларига эга, сақланиб қолган тармоқ монополиялари (квази вазирлик тузилмалари)ни тугатиш; давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш орқали самарасиз давлат монополия компанияларини хусусийлаштириш; давлат корхоналари, хўжалик бирлашма ва ассоциацияларининг хўжалик ва бошқарув функцияларини ажратиш.

3. Рақобат муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ва рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантиришда монополияга қарши сиёsat ролини ошириш; корхоналарнинг рақобатга қарши харакатларини аниқлаш; монополияга қарши бошқариш органларининг институционал ва кадрлар салоҳиятини ошириш, монополияга қарши баҳсларни профессионал муҳокама қилувчи кадрлар тайёрлаш; монополияга қарши тартибга солиш органлари фаолиятида эълон қилинган нархларга риоя қилиш устидан назорат функциясидан бозордаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда монопол мавқени эгаллаб турган ташкилотлар томонидан сустеъмолчиликка йўл қўймаслик орқали рақобат муҳитини ривожлантириш функциясига эътиборни қаратиш.

4. Ижтимоий сўровлар, иқтисодий тадқиқотлар, эксперт баҳолаш ва статистика ҳисоботи негизида мўлжалланган сифат ва миқдор индикаторлари асосида товар бозорларидағи рақобат муҳити ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларининг комплекс тизимини шакллантириш; Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашувчи ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш.

5. Кўчмас мулкнинг ягона электрон реестрини яратиш; ҳудудларнинг бош режасини эълон қилиш; ер ажратишнинг илғор механизмларини жорий этиш.

6. Ёқилғи-энергетика балансини қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган, иккиласми энергетика ресурсларини энергетик утилизация қилган ҳолда электр энергия ишлаб чиқариш қисмida диверсификациялаш; қуёш, шамол энергиялари, микро- ва кичик гидроэлектростанциялардан фойдаланишда апробациядан ўтган технологиялар асосида ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш; Қайта тикланадиган манбалардан энергия, бунинг учун ускуналар (қурилмалар) ишлаб чиқарувчиларни ҳамда инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш шароитлари ва механизмларини яратиш; Замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологияларни татбиқ қилиш асосида амалдаги қувватларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан

қайта жиҳозлашва янгиларини яратиш орқали чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини камайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармоннинг 3-иловасида Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари келтирилган. Кўрсаткичлар сони 81 тани ташкил этади ва еттига соҳани қамраб олган. Соҳаларнинг 4-5-лари “IV. Бозорларни ривожлантириш” ва “V. Бизнесни ривожлантириш” деб номланади. Бу соҳалар тўғрисида қуидагилар келтирилган:

<b>Ўзбекистоннинг бозорларни ривожлантириш соҳасидаги позицияси(2015) ва мақсади(2030)</b>					
<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткич / (ўзб / инглиз.)</b>	<b>Манба</b>	<b>2015</b>	<b>2030</b>	
31.	Кредит олишнинг оддийлиги/(Ease of getting credit)	«Бизнес юритиши», Жаҳон банки рейтинги	40	70,0	
32.	Хусусий секторга ички кредит бериш/(Domestic credit to private sector)	Жаҳон банки	-	22,0	
33.	Микромолия ташкилотларининг кредит портфели/(Micro finance institutions` gross loan portfolio)	Халқаро валютафонди	10,40	12,0	
34.	Миноритар инвесторлар ҳимоясининг оддийлиги/(Ease of protecting minority investors)	«Бизнес юритиши», Жаҳон банки рейтинги	50,8	80,0	
35.	Бозор капиталлашуви/(Market capitalization)	Жаҳон банки	2,38	24,0	
36.	Венчур капитал бўйича келишувлар/(Venture capital deals)	Халқаро валютафонди		30,0	
37.	Қўлланиладиган тариф ставкаси, ўртача	Жаҳон банки	82,9	96,67	

	кўрсаткич/(Applied tariff rate, weighted mean)			
38.	Маҳаллий ракобатнинг интенсивлиги/(Intensity of local competition)	Жаҳон иқтисодий форуми	-	75,0
39.	Ички бозор ҳажми/(Domestic market scale)	Халқаро валюта-фонди	-	500,0

**Ўзбекистоннинг Бизнесни ривожлантиришдаги позицияси (2015) ва мақсади (2030)**

т/р	Кўрсаткич /(ўзб / инглиз.)	Манба	2015	2030
40.	Илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик (Employment in knowledge-intensive services)	Халқаро меҳнат ташкилоти /	-	60,0
41.	Расмий ўқитишни тақлиф қилувчи фирмалар (Firms offering formal training)	Корхоналар тадқиқотлари .Жаҳон банки	9,89	56,0
42.	Бизнес-корхоналар томонидан қилинган тадқиқотлар ва ишлаб чиқишиларга ялпи ҳаражатлар (GERD performed by business enterprise)	ЮНЕСКО	-	16,5
43.	Бизнес-корхоналар томонидан бажарилган тадқиқотлар ва ишланмаларга ялпи ҳаражатлар (GERD financed by business enterprise)	ЮНЕСКО	-	60,0
44.	Олий маълумотли аёлларнинг	Халқаро меҳнат ташкилоти	-	50,0

	ишлиши / (Females employed with advanced degrees)			
45.	Университетлар ва соҳалар ўртасидаги илмий ҳамкорлик / (University/industry research collaboration)	Жаҳон иқтисодий форуми	-	50,0
46.	Кластерни ривожлантириш холати / (State of cluster development)	Жаҳон иқтисодий форуми	-	50,0
47.	Хорижда молиялаштириладиган тадқиқот ва ишланмаларнинг ялпи ҳаражатлари / (GERD financed by abroad)	ЮНЕСКО	-	19,0
48.	Кўшма корхона стратегик уюшмалар / (Joint venture strategic alliance deals)	Жаҳон иқтисодий форуми	8,29	12,5
49.	Икки идорага берилган патент буюртманомалари / (Patent families filed in two offices)	Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	2,28	40,0
50.	Интеллектуал мулк тўловлари / (Intellectual property payments)	Халқаро валюта фонди	-	30,0
51.	Юқори технологияли импорт / (High-tech imports)	Евростат (юқори технологияли соҳа ва билимлар)	-	43,0
52.	АКТ хизматлари импорти / (ICT services imports)	Жаҳон савдо ташкилоти	-	44,5
53.	Тўғридан-тўғрива хорижий инвестицияларнинг келиши / (Foreign investment net in flows)	Жаҳон савдо ташкилоти	44,93	50,0

54.	Бизнесда тадқиқотчилик истеъоди / (Research talent in business enterprise)	ЮНЕСКО	-	20,0
-----	--	--------	---	------

#### 1.4. Монополияга қарши бошқарувнинг обьекти ва субъекти

Аввало умумий таърифларга тўхталашиб:

**Субъект** –монополистик фаолиятни тартибга солиш салоҳиятига эга бўлган ваколатли ташкилий тузилма ёки шахс, давлат;

**Объект** – монополистик фаолиятни тартибга солиш моҳиятига эга бўлган ҳодиса, ҳаракат, фаолият, жараён ва муносабатлар туркуми тадқиқ этиладиган субъект;

**Предмет** – субъект томонидан монополистик фаолиятни тартибга солиш обьектидаги муаммо ва масалалар ечимини топиш, барқарор ва самарали хўжалик юритиш учун муайян мезон бўйича танланган ҳодиса, ҳаракат, фаолият, жараён ва муносабатлар туркуми.

Мазкур тушунчаларни тўлақонли тушуниш учун “Рақобат тўғрисидаги” қонунга мурожаат қилиш керак бўлади.

Монополияга қарши бошқарувнинг субъектини аниқлаш учун қонуннинг 9-моддасига мурожаат қилиш лозим. 9-моддага кўра, товар ва молия бозорларидағи рақобат соҳасидаги ваколатли орган сифатида 2017-2019 йил оралиғида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари фаолият қўрсатган. ПФ-5630 қабул қилингандан кейин<sup>4</sup> субъектлар фаолият функциялари ва вазифалари бўйича ажратилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва

---

<sup>4</sup> Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида № ПФ-5630, 14.01.2019

ривожлантириш маркази ва Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази негизида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасини ташкил этилди ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитасининг штат бирликлари, шунингдек монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш, товар хомашё биржаларини лицензиялаш бўйича вазифа, функция ва ваколатлари ўтказилди. Монополияга қарши орган товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини амалга оширади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил этилди ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш марказининг штат бирликлари, шунингдек давлатнинг, шу жумладан хориждаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (хусусан, давлат улушларини сотиш), давлат мулкларини ижарага бериш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш, давлат иштирокидаги иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш, мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш ва риэлторларни сертификатлаш бўйича вазифа, функция ва ваколатлари ўтказилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг штат бирликлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини

тарибга солиш, шунингдек корпоратив бошқарувни ривожлантириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лотереяларни ташкил этиш фаолияти бўйича вазифа, функция ва ваколатлари берилди.

Монополияга қарши бошқарувнинг объектини аниқлаш учун қонуннинг 3-моддасига мурожаат қилиш лозим. 3-моддага кўра, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Монополияга қарши бошқарувнинг объектини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси худудида ва (ёки) ундан ташқарида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикасидаги товар ва молия бозорларида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган харакатлари монополияга қарши бошқарувнинг предмети ҳисобланади.

Интеллектуал мулк обьектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар билан боғлиқ муносабатлар монополияга қарши бошқарувнинг предмети бўла омайди. Бироқ Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган харакатлар монополияга қарши бошқарувнинг предмети бўла олади. Шунингдек, Қонуннинг қоидалари табиий монополиялар субъектларига нисбатан бу қоидаларнинг қўлланилиши мазкур субъектларнинг ўзига хос вазифалари бажарилишини чеклаб қўймайдиган ҳолатларда татбиқ этилади.

## **1.5. Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими амалиётининг асосий жиҳатлари**

Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими амалиётининг асосий жиҳатларини белгилаш учун иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирларини асос қилиб олиш устувор ҳисобланади. Қабул қилинган давлат ҳужжати<sup>5</sup> таркибида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий

---

<sup>5</sup> Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 08.01.2019 йилдаги ПФ-5614-сон, № ПФ-5614 08.01.2019.

йўналишлари ва шу асосда “Йўл харитаси” тасдиқланган. “Йўл харитаси” Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Ҳужжатнинг асосий йўналишлари: мақроиктисодий барқарорликни сақлаб туриш; рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини тезлаштириш; фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш; кучли бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини кучайтириш ва атроф-муҳитдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Юқоридагиларнинг иккинчи йўналишида бевосита устун мавқе ва табиий монополия субъектлари учун молия ва товар бозорларидаги вазифалар белгиланган. Тўртинчи йўналиш бўйича давлатни ишлаб чиқарувчидан хусусий сектор шеригига айлантириш борасидаги вазифалар таркибида: иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш ва давлатнинг иқтисодий фаолиятини оптималлаштириш; давлат улушкига эга бўлган корхоналарни ислоҳ қилиш; ислоҳотларга ёндашувни мустаҳкамлашда маълумотлар ва ахборотлар сифатини ошириш кабилар белгиланган.

“Йўл харитаси”ни амалга оширишни таъминлаш бўйича Иқтисодий кенгаш ташкилий-мувофиқлаштириш ва таҳлилий функциялари билан, ҳамда унинг ҳузурида Халқаро эксперталар гурӯҳи ташкил этилди.

Дастурни амалга ошириш механизми қўйидагича. Масъул идора “Йўл харитаси”га киритилган масалалар юзасидан материаллар ва НҲҲлар лойихаларини олдиндан Иқтисодий кенгаш Котибиятига киритади. У ерда ҳужжатлар Иқтисодий кенгаш ва Халқаро эксперталар гурӯҳи аъзолари билан қайта ишланади. Шундан кейин Иқтисодий кенгаш муҳокамаси ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади.

Иқтисодий кенгаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиши, кенг муҳокама қилиши, тасдиқлаш ва уларни Президент Администрациясига киритишни таъминлайди.

Давлат раҳбари иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш учун қатор стратегиялар,

концепциялар ва “Йўл хариталари” ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди. Уларни Президент Администрациясига киритишнинг аниқ муддатлари белгиланди:

а) Стратегиялар:

давлат улушига эга бўлган корхоналарни ислоҳ қилиш бўйича(01.06.2019гача);

миллий рақамли иқтисодиётни ривожлантириш (Рақамли Ўзбекистон-2030) бўйича (01.12.2019гача);

таълимни ривожлантириш бўйича(01.03.2020гача);

сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш бўйича(01.09.2020гача);

б) Концепциялар:

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича(01.04.2019гача);

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича(01.10.2019гача);

монетар сиёsatни кучайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича(01.10.2019гача);

давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича(01.01.2020гача);

молиявий секторни янада ривожлантириш бўйича(01.06.2020гача);

в) «Йўл хариталари»:

инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича(01.04.2019гача);

ердан фойдаланишда мослашувчанлик ва шаффофликни ошириш бўйича(01.11.2019гача);

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича(01.09.2020гача).

## **1-боғни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**1.1.** “Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари” курси таркибини изоҳланг.

**1.2.** Фаннинг моҳияти ва вазифалари, талабалар билиши лозим бўлган асосий тушунчаларни шарҳланг.

**1.3.** Монополияга қарши бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий моҳиятидаги хусусиятлар нимадан иборат.

**1.4.** Монополияга қарши бошқарувнинг объекти ва субъектини ёритиб беринг.

**1.5.** Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув тизими амалиётининг асосий жиҳатларини ифодаланг.

**2-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

- 2.1 Монополияга қарши бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари.**
- 2.2 Ваколатли органлар фаолиятидаги ўзгаришлар**
- 2.3 Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва уни монополияга қарши бошқарув жараёнларини амалга оширишдаги вазифалари.**
- 2.4 Монополияга қарши бошқарув органлари томонидан монопол корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш тартиби.**
- 2.5 Монополияга қарши қонун ҳужжатлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.**
- 2.6 Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари.**

**2.1. Монополияга қарши бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари**

“Рақобат тўғрисида”(№ ЎРК-319. 06.01.2012)ги Қонун<sup>6</sup>да Монополияга қарши органнинг ваколатлари(4-боб, 21-модда) икки қисмда(бевосита ва билвосита) баён этилган. Бевосита ваколатлар ўн тўртта бўлиб, улар: рақобат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш; устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш; давлат реестрини юритиш; қонун ҳужжатларининг бузилишларини аниқлаш, ишлар кўзғатиш; қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва

---

<sup>6</sup> Манба: «Халқ сўзи», 2012 й., 5(5425)-сон; ЎР ҚХТ, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

бошқалардан иборат. Билвосита ваколатлар еттига бўлиб, улар рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида аризалар билан судга мурожаат қилишда намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида асос солинган монополияга қарши бошқарув органларининг вазифалари турли йилларда маъмурий жиҳатдан турли ташкилотлар таркибида амалга оширилди. Айниқса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегияси](#) ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар [концепциясида](#) белгиланган вазифаларга мувофиқ бир қатор давлат ташкилотлари ташкил этилди. Монополияга қарши бошқарув органларининг фаолиятининг энг сўнгги ҳолати учун қуидаги учта ҳужжат асос ҳисобланади. Булар:

**№1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони. ПФ-5630-сон Фармонга кўра, Институционал ва таркибий ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, капитал бозорининг ишончли ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсади белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра, Монополияга қарши курашиш қўмитасини ташкил этилди. Унга тутатиладиган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг штат бирликлари, шунингдек монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш, товар хом-ашё биржаларини лицензиялаш бўйича вазифа, функция ва ваколатлари ўтказилди.

Шунингдек, рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашишни тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб:

- бозорнинг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун teng имкониятларни тақдим қилиш, рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш ҳисобига уларга teng шартоитлар ва хўжалик фаолияти эркинлиги берилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сифатини ошириш, нархларнинг асоссиз ошиб кетишини чеклаш ва шу ҳисобидан ички талабни юқори даражада қондиришни таъминлаш учун шароит яратиш;

- товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги (фондидаги) давлат иштирокини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асосий вазифалари этиб:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени сустеъмол қилиши, «картель» битимлари ва тил биритириши, ноҳалол рақобатчилигини аниқлаш ва олдини олиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тарзда тартибга солиш;

бозор иштирокчилари, шу жумладан табиий монополия субъектларига юқори ликвидли товарлардан (ишлар, хизматлар) фойдаланишда teng шароитларни таъминлаш;

қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик белгиланди.

**№2.** “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарори.

ПҚ-4126-сон қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тасдиқланди.


**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш қўмитаси**

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари**

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати**

**ТУЗИЛМАСИ**



Рув ходимларининг умумий чекланган сони — 75 нафар.

**№3.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ( 402-сон 15.05.2019).

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон [Фармонини](#) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон [карорини](#) ижро этиш юзасидан қабул қилинган.

Қарорда:

1.Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги низом;

2.Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Иккинчи НИЗОМнинг иловасида “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом” ҳам келтириган.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги низом таркиби қуйидаги боблар ва параграфлардан иборат.

- 1) Умумий қоидалар(1-боб);**
- 2) Қўмитанинг тузилмаси (2-боб);**
- 3) Қўмитанинг вазифалари ва функциялари (3-боб);**
- 4) Қўмитанинг вазифалари ва функциялари (1-§);**
- 5) Қўмита марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари (2-§);**
- 6) Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари (3-§);**
- 7) Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги(4-боб);**
- 8) Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги(1-§);**
- 9) Қўмита марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги(2-§);**
- 10) Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги(3-§);**

- 11) Кўмита раҳбарларининг функционал мажбуриятлари (5-боб);**
- 12) Кўмита раҳбарларининг жавобгарлиги(6-боб);**
- 13) Кўмитанинг фаолиятини ташкил этиш(7-боб);**
- 14) Кўмитанинг раҳбарияти(1-§);**
- 15) Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби (2-§);**
- 16) Кўмитанинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби (3-§);**
- 17) Кўмитанинг ҳайъати, бошқа кенгашиш, маслаҳат ва эксперт органлари (4-§);**
- 18) Кўмита фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари (8-боб);**
- 19) Кўмита фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш(9-боб);**
- 20) Кўмитанинг ҳисобот бериши(10-боб);**
- 21) Якунловчи қоида(11-боб);**

Низомга қўра, қуйидагилар Кўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- 1. Товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;**
- 2. Товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил биректириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;**
- 3. Савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат қўмагини монополияга қарши тартибга солиш;**
- 4. Бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда teng шарт-шароитларни таъминлаш;**

**5.** Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик.

Юқоридаги асосий вазифалар Кўмита томонидан амалга ошириладиган функцияларни изоҳлаш пайтида бешта соҳа сифатида гурухланган. Бу борада тўртинчи бобда баён этилади.

## **2.2. Ваколатли органлар фаолиятидаги ўзгаришлар**

Мамлакатимизда “Рақобат тўғрисида”(№ ЎРҚ-319. 06.01.2012)ги Қонун<sup>7</sup> қабул қилингандан кейинги даврда соҳа учун ваколатли органлар фаолияти уч марта янгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг<sup>8</sup> фаолияти биринчи орган ҳисобланади.

Мамлакатимизда “Рақобат тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан кейинги даврда соҳа учун ваколатли бўлган органларнинг мазмуни ва моҳяти сақлангани ҳолда уларнинг ташкилий-хуқуқий шакли 3 марта ўзгарди.

Биринчи ўзгаришда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишга ҳамда рақобат сиёсатига доир қўйидаги хужжатлар қабул қилинди.

№ Пф-4483 Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,  
(13.11.2012) монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат  
қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

№ ВМ-322 Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,  
(14.11.2012) монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат  
қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

№ ВМ-374 Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,  
(30.12.2012) монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат

<sup>7</sup> Манба: «Халқ сўзи», 2012 й., 5(5425)-сон; ЎР ҚҲТ, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон [Фармони](#).

қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

№ ВМ-230 [Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартиба](#)  
(20.08.2013) [солишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)


№ ВМ-344 [Монополияга қарши курашни тартиба солиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида](#)

№ ВМ-225 Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўз навбатида биринчи ташкилий-хуқуқий ўзгаришнинг ташкилий тузилмалари ҳам янгиланди. Янгилangan тузилмаларнинг ташкилий кўринишлари қўйида келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси





Иккинчи ўзгаришда қуидаги хужжатлар қабул қилинди.

- № ПФ-5016 Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган (18.04.2017) корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида
- № ПҚ-2897 Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган (18.04.2017) корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида
- № ВМ-419 Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган (23.06.2017) корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Учинчи сўнгги ўзгаришда эса қуидаги хужжатлар қабул қилинди.

№ ПФ-5630 14.01.2019	<a href="#"><u>Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида</u></a>
№ ПҚ-4126 24.01.2019	<a href="#"><u>Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида</u></a>
№ ВМ-402 15.05.2019	<a href="#"><u>Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида</u></a>

Монополиялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг амалдаги ҳолатини 2019 йилдан кейинги учинчи сўнгги ўзгаришда қабул қилинган хужжатлар намоён этади.

### **2.3. Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва уни монополияга қарши бошқарув жараёнларини амалга оширишдаги вазифалари**

Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг тарихи 1999 йилдан бошланади. Яъни, Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 30 –

моддасига мувофиқ 1997 йилда Ўзбекистон аҳолисини сифатсиз маҳсулот ва хизматлардан ҳимоя қилишга ўз улушини қўшиш ва ўз имкониятларини бирлаштиришга қарор қилган бир қатор хамфикрлар ташабbusi билан пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамияти шаклида ташкил топди ва 1999 йили Республика истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамияти сифатида рўйхатдан ўтди. Бу вақтда республикамизнинг 7 та вилоятида худудий жамиятлар ташкил топди.



**O'ZBEKISTON ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI  
HIMOYA QILISH JAMIYATLARI FEDERATSIYASI**

2000 йил Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг навбатдан ташқари II съездидаги жамиятга Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси(қисқача – ЎИХҲҚЖФ) номи берилди. Бу вақтда 9 та вилоят ва Тошкент шаҳрида жамиятлар ташкил этилганди. Фаол истеъмолчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жамоат ташкилотига давлат тарафидан алоҳида эътибор берилиб, қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 28 ноябрдан «Истеъмолчилар ҳукуқларини Ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-қарорининг қабул қилиниши мазкур ижтимоий ҳаракат тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Шу билан бирга, мазкур қарор билан Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ташкилий тузилмаси, ҳамда Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси маъқулланди.

2003 йил 17 январдаги Федерациянинг ИИИ таъсис конференцияси Қорақалпоғистон Республикаси Федерацияси, Тошкент шаҳри ҳамда республиканинг 12 вилоятидаги худудий бирлашмаларни бирлаштириди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Истеъмолчилар Ҳукуқларини Ҳимоя Қилиш Жамиятлари Федерацияси(кейинги ўринларда – «Федерация» деб юритилади) Устави Тошкент шаҳрида 2010 йилда қабул қилинди.

Федерация Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ижтиомий ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояланиш даражасини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган бўлиб, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир. Унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси.

Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ижтиомий ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояланиш даражасини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишдан иборат.

Федерация Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-сонли қарори, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган.

Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ўз мулкига эга бўлади, ундан фойдаланади ва уни бошқаради, ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва номулкий ҳуқуқга эга бўлиш, мажбуриятларни бажариш, хўжалик, фуқаролик ва бошқа судларда даъвогар ва жавобгар бўлиб қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз бухгалтерия балансига, думалоқ муҳр ва тўртбурчак штампига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банкларида сўм ва валюта ҳисоб рақамларини

очиб фаолият кўрсатади. Федерация амалдаги қонунчилик асосида белгиланган ва ушбу Уставда кўрсатилган тартибда ўз ваколатхона ва филиалларини, шунингдек, устав мақсад вазифаларини амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик тузилмаларини очиш ҳукуқига эга. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари фаолиятининг асосий йўналишлари истеъмолчиларни қонуний ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ва қўйидагилардан иборат: ахоли ўртасида истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш; истеъмолчилар ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоратадбирларини амалга ошириш; ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш; ахолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш; истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кабилардан иборат.

Федерация ўз фаолиятининг белгиланган йўналишларини амалга ошириш учун қўйидаги фаолият турларини амалга оширади: истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳукуқий базасини ташкил этиш ва истеъмол бозорини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш йўли билан Федерация аъзолари бўлган истеъмолчиларнинг манфаатларини давлат, бошқарув, назорат ва суд органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш; истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш; семинарлар, давра сухбатлари ва учрашувлар ҳамда ахоли ўртасида оммавий тадбирларни ташкил этиш орқали истеъмолчиларнинг ҳукуқий билим савиясини ошириш; товар ва хизматларни тўғри танлаш учун зарур бўлган ҳаққоний ахборотлар билан

истеъмолчиларни таъминлаш; товар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини мустақил экспертизасини ташкил этиш; товар ва хизматларнинг нарх(тариф)лари, стандартлари, ҳамда сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини тартибга солиш дастурлари бўйича таклифлар тайёрлаш; қонунчиликда белгиланган тартибда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда савдо, маший, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш қоидалари талабларини таъминлаш мониторингларини, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузилиши бўйича мустақил экспертизаларни, қонунчиликда белгиланган тартибда, ўтказиш ва ҳуқуқлар бузилиши юзасидан маълумотномалар тузиш; тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларни ўрганиш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиш; истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчи (сотувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ўртасидаги ўзаро мунособатларни огоҳлантириш тамойилида тартибга солишни таъминлашнинг таъсирchan механизmlарини тадбиқ этиш; нотўғри рекламалардан аҳолини огоҳлантириш ҳамда уларни ҳимоя қилиш; Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган корхона ва ташкилотларга қонунчилик талабларини бузилишини бартараф этиш тўғрисида мурожаат этиш; товар (иш, хизмат)ларни сифатини ошириш ҳамда инсон ҳаёти, соғлиғига, мулкига ва атроф-муҳитга хавф түғдирувчи товар (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиш бўйича ваколатли давлат идоралари ва ташкилотларига таклифлар тайёрлаш ва киритиш; истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда ўрнатилган хавфсизлик талабларига мос бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича материалларни суд, прокуратура ва ваколатли давлат идораларига киритиш; истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари бўйича илмий тадқиқотлар, конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш; ўз аъзоларини ахборот таъминотини, улар ўртасида ўзаро ахборот алмашувини ташкил этиш ва улар фаолиятини

мувофиқлаштириш; тегишли рухсатномага (лицензияга) эга бўлгандан сўнг белгиланган тартибда матбаа-нашриёт фаолиятини, шунингдек, даврий нашрларни, илмий-оммавий қўлланмалар, плакатлар, буклетлар, шарҳлар ва бошқа нашрларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш; энг зукко ва иқтидорли истеъмолчиларни, энг яхши ташкилий ҳудудий тузилмани ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг энг яхши ишлаб чиқарувчиларини аниқлашга ва рағбатлантиришга йўналтирилган танловлар, викториналар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш; истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва унинг талабларини бажарилишини таъминлашда давлат бошқарув идоралари билан ҳамкорлик қилиш; халқаро жамоат, молиявий ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликда турли лойиха ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек истеъмолчиларнинг халқаро ташкилотларида иштирок этиш; ўз фаолият йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган Устав фаолияти доирасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш; мазкур Устав ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва қоидаларга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб килинадиган фаолият турлари махсус рухсатнома (лицензия) олингандан сунг амалга оширилади.

Маълумотларга кўра биргина 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалариға фуқаролар томонидан жами 6014 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 3 103 таси оғзаки, 2 221 таси ёзма, 690 таси эса электрон шаклда юборилган, деб Федерация матбуот хизмати хабар берди.

Соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларнинг 2165 таси (36,0 фоизи) савдо соҳасига, 732 таси (12,2 фоизи) газ таъминоти соҳасига, 918 таси (15,3 фоизи) электр таъминоти соҳасига, 353 таси (5,9 фоизи) сув таъминоти соҳасига, 240 таси (4 фоизи) коммунал хизмат

соҳасига, 103 таси (1,7 фоизи) соғлиқни сақлаш соҳасига, 400 таси (6,7 фоизи) хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасига, 167 таси (2,8 фоизи) транспорт соҳасига, 208 таси (3,5 фоизи) алоқа (ва интернет) соҳасига, 728 таси (12,1 фоизи) эса бошқа соҳаларга тўғри келмоқда.

Йил бошидан буён Федерацияга келиб тушган аризаларнинг 5 579 таси яъни, 92,8 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида истеъмолчилар фойдасига жами 6 947 247 006 (олти миллиард тўққиз юз қирқ етти миллион икки юз қирқ етти минг олти) сўм етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 376 580 006 (уч миллиард уч юз етмиш олти миллион беш юз саксон минг олти) сўмдан ортиқ маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилган.

#### **2.4. Монополияга қарши бошқарув органлари томонидан монопол корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш тартиби.**

Монополияга қарши бошқарув органлари томонидан монопол корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш борасидаги амалдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартағи 249-сон “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳисобланади.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-тарожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, монопол маҳсулотлар рўйхати ва турларини тубдан қисқартириш, монополияга қарши тартибга солишининг халқаро принципларига ўтишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан қуйидаги иккита Низом тасдиқланган:

1. Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;

2. Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхати

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ўрнатиш, тартибга соловчи коэффициент, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражаси ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) факат қуидаги белгилаб қўйилган товарлар (хизматлар) учун нисбатан амалга оширилади:

1. Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари;

2. Табиий монополия шароитларида ишлаб чиқариладиган товарлар (кўрсатиладиган хизматлар);

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини (тарифларини) тартибга солиш назарда тутилган товарлар (хизматлар).

Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом таркибида қуидаги боблар мавжуд.

1-боб. Умумий қоидалар;

2-боб. Товарнинг монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш учун маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш;

3-боб. Товарга монопол юқори нархни аниқлаш;

4-боб. Товарга монопол паст нархни аниқлаш;

5-боб. Монопол юқори ва монопол паст нархни қўллаш аниқланганда чоратадбирлар кўриш тартиби;

6-боб. Якунловчи қоидалар.

Низом Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда субъект деб аталади) томонидан сотиладиган, улар бўйича ушбу субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарларга (ишларга, хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархлар аниқланиши тартибини назарда тутади.

Бироқ Низом талаблари нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан татбиқ этилмайди. Товарнинг монопол юқори нархи, агар ушбу нарх: бундай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса; асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган товарнинг нархи ҳисобланади.

Агар товар нархи биржа савдолари якунлари бўйича шаклланган бўлса, бундай нарх монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди.

Товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир. Субъектларнинг улар бўйича мавқеи устун деб эътироф этилган товарларига монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартағи 249-сон “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридаги иловага мувофиқ амалга оширилади.

Товарнинг монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш учун маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади.

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи

субъектлар ҳар чоракда чорак биринчи ойининг 10-кунига қадар монополияга қарши органга Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарлариға қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Монополияга қарши орган субъектлар товарлариға нархларнинг ўзгариши динамикасини кузатиб бориш мақсадида муентазам равишида: ҳар чоракда субъектлар томонидан тақдим этилган Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларга қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотларни; статистика органлари маълумотларини; оммавий ахборот воситалари маълумотларини; белгиланган тартибда амалга ошириладиган назорат функциялари материалларини ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маълумотларини таҳлил қиласди.

Субъектлар товарлариға нархлар ўзгариши ҳолати аниқланганда ёки жисмоний ва юридик шахслардан монопол юқори ва монопол паст нархлар қўлланилганлиги ҳолати тўғрисида мурожаатлар тушган тақдирда монополияга қарши орган уч кун муддатда давлат органлариға, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга: товарларнинг ишлаб чиқарилиши, сотилиши, импорти ва экспорти ҳажми тўғрисидаги маълумотларни; нарх ўзгариши белгиларини аниқлаш, шунингдек, товарни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ зарур харажатлар ва фойдани аниқлаш учун зарур бўлган ҳисоб-китоб ва тасдиқловчи ҳужжатларни; товар бозорининг ўзига хослигидан келиб чиқиб бошқа ҳужжатларни олиш учун ёзма сўровлар юборади. Давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари монополияга қарши орган талабига кўра зарур ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда унга бепул тақдим этишлари шарт. Маълумотлар сўров олингандан кейин 15 кун мобайнида монополияга қарши органга тақдим этилади.

Монополияга қарши орган маълумот олингандан кейин бир ой мобайнида олинган маълумотларни ўрганиб чиқади ва улар натижаси бўйича

товарга монопол юқори нархлар белгиланганлиги белгилари аниқланади, бу: худди шу турдаги бошқа товар нархидан, шу жумладан, бозорнинг бошқа субъектларининг унинг ўрнини босувчи товарлардан анча юқори бўлган миқдорда нарх белгиланганлиги аниқланишида; товарга белгиланган нарх иқтисодий ва технологик омиллар билан тушунтириб бўлмайдиган 10 фоиздан зиёдга оширилишида; товар бозорида қиёсланадиган нархларнинг тегишли ўсиш суръатлари билан таққослаш бўйича товар нархининг 10 фоизга асоссиз оширилишида; товарнинг физик тавсифларини (товарнинг оғирлиги ёки бирлиги сони, сифатини ўзгартириш) сезиларли пасайтириш йўли билан товарга нархларни ошириш ёки саклаб қолишда; товар нархи асоссиз ўзгартирилишидан далолат берувчи бошқа хатти-харакатларда ифодаланади. Товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар қийматини қопламайдиган ва фойда олишни назарда тутмайдиган товарга нарх қўллаш, агар у: рақобатнинг чекланишига; рақобатчиларнинг бозордан сикиб чиқарилишига; рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган бошқа оқибатларга олиб келса, монопол паст нархни ўрнатиш белгиси ҳисобланади.

Субъект товарига нарх ўзгариши белгиларини ва ушбу ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун: субъектнинг молия-хўжалик фаолияти; товар таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари ва давр сарфлари ўзгариши; субъектнинг товарни сотишдан олган даромади ёки қўрган зарари; субъект ва бозорнинг бошқа иштирокчилари товарига нархларнинг ўзгариши динамикаси; субъект ва бозорнинг бошқа иштирокчилари ишлаб чиқариш, товар реализацияси ва бозордаги улуши ҳажмлари; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тахлил қилинади. Улар бўйича субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ зарур харажатлар ва фойдани аниқлашда: товар бирлигини ишлаб чиқаришга хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, моддий ресурслар сарфининг қўлланиладиган нормаларидан ва уларнинг йиллик нормаларидан келиб чиқиб тасдиқловчи ҳужжатларда (шартномалар, счёт-фактураларда) ва моддий ресурсларнинг физик ҳажмида назарда тутилган нархлардан келиб чиқиб

аниқланадиган таннархга кирадиган моддий сарф-харажатлар; ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган меҳнат шароити учун тўланадиган қўшимча ҳақ ва устамалар; субъектнинг ҳисоб сиёсатида назарда тутилган усулни қўллаган ҳолда аниқланадиган амортизация харажатлари; жалб этилган маблағларга хизмат кўрсатиш харажатлари; субъектнинг товарини ишлаб чиқариш ва сотишга бевосита тегишли бўлган бошқа харажатлар; корхонанинг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини таъминловчи фойда даражаси ҳисобга олинади. Фойда улар бўйича субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарни ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромад билан товарни ишлаб чиқариш ва сотиш зарур бўлган асосланган сарф-харажатлар, шунингдек, амалда тўланган солиқлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Субъектни ривожлантириш учун талаб этиладиган зарур фойда микдори ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарнинг хусусиятларини, товар бозорининг ўзига хослигини ва субъектнинг фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини акс эттириши, шунингдек: янги активларни яратишга, мавжуд активларни кенгайтириш, янгилаш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни; таваккалчиликлар даражасини (ишлаб чиқариш ёки истеъмолнинг мавсумий хусусияти, иқлим омилларига юқори боғлиқлик); қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни ҳисобга олиши керак.

Товар бирлигига субъектнинг зарур харажатлари ва фойдасини баҳолашда зарурат бўлганда ўхшаш харажатлар ва бозорнинг бошқа қатнашчилари фойдасининг қиёсий таҳлили усули қўлланилади. Таҳлил қилишда товар бозорида давлат томонидан тартибга солишнинг мавжудлиги, шунингдек, тегишли бозорда бирор-бир товарни ишлаб чиқариш, сотиш ёки харид қилишга давлатнинг мутлақ хуқуқи мавжудлиги эътиборга олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартағи 249-сон “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турларининг қуидаги рўйхати ҳам келтирилган.

1. «Ўздонмаҳсулот» АЖ корхоналари ишлаб чиқарадиган ун.
2. Қолипли нон (чакана нарх).
4. Ижтимоий муҳим дори воситалари ва тиббий буюмлар (махсус тасдиқланадиган рўйхат бўйича).
5. Турмушда истеъмол қилинадиган сиқилган газ ва «Ўзтрансгаз» АЖ ва/ёки унинг худудий бўлинмалари орқали сотиладиган табиий газ.
6. Аҳолига ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қуиши шахобчаларига сотиладиган автомобиль бензини (Аи-80 ва Аи-91 маркалари).
7. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бюджет ташкилотларига, давлат буортмаси бўйича пахта хомашёси ва дон етиширадиган фермер хўжаликлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга, майший чиқиндиларни тўплаш ва ташиш бўйича давлат корхоналарига сотиладиган, шунингдек, бошқа истеъмолчиларга чакана нархда сотиладиган дизель ёнилғиси.
8. Пахта маҳсулоти (пахта хомашёси, пахта толаси, техник уруғлик).
10. Этил спирти.
11. Дон (харид нархлари).
12. Минерал ўғитлар.
13. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аҳолига, бюджет ташкилотларига ва «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарига, шу жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармалари орқали сотиладиган кўмир.
14. «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсус ҳимоя даражасига эга бўлган қоғоздан тайёрланадиган маҳсулотлар (қимматли қоғозлар, паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва шу кабилар).
15. Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни ташиш хизматлари.

16. Шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчиларни ташиш хизматлари (йўналишли ва линияли таксилардан ташқари).

17. Телевизион, радио эшиттириш дастурларини узатиш, йўлдош алоқа орқали теле ва радио дастурларни қайта узатиш хизматлари, радиоалоқа хизматлари.

18. Грифланган пакетларни (жўнатмалар, посылкаларни) жўнатиш.

19. Маълумотларни халқаро етказиш хизматлари ва халқаро каналларнинг ижараси.

20. Хўжалик субъектларининг пул маблағлари инкасацияси ва пул маблағлари ва бошқа қимматликларни банклараро ташиш хизматлари.

21. «Ўзбекистон товар-хомашё биржаси» АЖ томонидан кўрсатиладиган биржа хизматлари (биржа битимлари, хисоб-клиринг ва ахборот операциялари, савдоларни ўтказиш ва шу кабилар). Ушбу рўйхатга: товарларнинг (хизматларнинг) истеъмолчилар ўртасида харидоргирлиги; товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) аниқ ташкилотларга юклангани; алоҳида товарларни ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилганидан иборат мезонларга жавоб берадиган товарлар (хизматлар) киритилган. Мазкур товарлар (хизматлар)нинг нархи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ тартибга солинади.

22. Умумий ўрта таълим муассасаларига тегишли умумтаълим фанлари бўйича дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этиш хизматлари (Халқ таълими вазирлигининг маҳсус тасдиқланадиган рўйхати бўйича).

23. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар(22 ва 23-бандлардаги рўйхат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 996-сонли қарорига асосан киритилган).

Вазирлар Маҳкамасининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш

тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қароридан кейинги мұхим ҳужжат ҳисобланади.

## **2.5 Монополияга қарши қонун ҳужжатлари, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузғанлик учун жавобгарлик.**

Амалга оширилган таҳлил якунлари бүйича монопол юқори ёки монопол паст нарх құлланилиши белгилари аниқланғанда монополияга қарши орган үрганиш якунланғандан кейин уч күн мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланған Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузғанлик учун иш құзғатиши ва уларни күриб чиқиши тартиби тұғрисидаги [низомга](#) мувофиқ чора-тадбирлар күради. Юқорида күрсатиб үтилған Низомга мувофиқ рақобат тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузған субъектта нисбатан құзғатыладиган иш монополияга қарши органның маҳсус комиссияси томонидан күриб чиқылади. Күриб чиқиши якунлари бүйича күрсатма беріш ёки хуқуқни бузиш мавжуд әмаслиги тұғрисида қарор қабул қилинади. Монопол юқори ёки монопол паст нарх аниқланғанда бундай нарх құлланилиши билан етказилған зиён (бой берилған фойда) хұжалик юритувчи субъектлар — рақобатчилар ёки истеъмолчилар (контрагентлар) томонидан суд тартибда ундирилиши мүмкін Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорининг шархига доир қуйидагиларни таъкидлаш мүмкін.

Ушбу қарор 2012 йилгача “Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлық фаолияти әркинлигининг кафолатлари ва реклама тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузғанлик учун иш құзғатиши ва уларни күриб чиқиши тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” деб номланған.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг мақсади Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлық фаолияти

эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан самарали назоратни таъминлашдан иборат бўлган.

Низом таркибига 38та банддан иборат қуидаги боблар киритилган:

- I. Умумий қоидалар;
- II. Қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш тартиби ;
- III. Қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби ;
- IV. Кўрсатмалар бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш тартиби ;
- V. Ажримлар, қарорлар ва кўрсатмалар мазмунига қўйиладиган талаблар ;
- VI. Қонун хужжатлари бузилганлиги учун молиявий санкцияларни қўлланиш тартиби ;
- VII. Монополияга қарши орган қарорлари (кўрсатмалари) юзасидан шикоят билдириш тартиби.

Қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги иш жисмоний шахсга, хўжалик юритувчи субъектга, давлат бошқаруви органига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органига нисбатан улар жойлашган жой бўйича тегишли монополияга қарши орган томонидан қўзғатилади. Қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш учун асос қуидагилар ҳисобланади: монополияга қарши орган томонидан белгиланган тартибда назорат функцияларининг амалга оширилиши, шунингдек ўрганиш давомида хуқуқни бузиш белгилари мавжудлигини кўрсатувчи етарлича маълумотларнинг бевосита аникланиши; давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва бошқа органлардан тушган ахборот, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, оммавий ахборот воситаларидаги хуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар. Ариза монополияга қарши органга қонун хужжатлари бузилганлиги ҳолатлари (белгилари)дан далолат берувчи хужжатлар илова қилинган ҳолда ёзма шаклда берилади.

Низомда «[Рақобат тўғрисида](#)», «[Табиий монополиялар тўғрисида](#)», «[Истеъмолчиларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида](#)», «[Реклама тўғрисида](#)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рақобат, табиий

монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларнинг «монополияга қарши орган» томонидан кўриб чиқилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари белгиланган.

Мухокама учун мавзу.“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида кредит олган фуқаронинг қорамоли касалликдан нобуд бўлди<sup>9</sup>

Шахрисабз шаҳар Уймовут маҳалласи, Чукур кўчаси 50-йда яшовчи фуқаро У.Қодиров туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилиб, 26 880 000 сўмга сотиб олинган зотли қорамолларнинг энг йириги касаллик туфайли нобуд бўлганлигини маълум қилган. Бу ҳақда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот хизмати хабар берди.

Аниқланишича, У.Қодиров “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида “Ипак йўли банки” Шахрисабз бўлимидан чорвачилик бўйича кредит олган ва “Шахрисабз томорқа хизмати” МЧЖ дан беш бош қорамол сотиб олган. Орадан икки кун ўтар-ўтмас қорамолларнинг энг йириги соғлом эмаслиги сабабли нобуд бўлган. Ветеринар врач томонидан молнинг ўлимига ундаги турли касалликлар сабаб эканлиги қайд этилган бўлсада, етказиб берувчи корхона томонидан У.Қодировга етказилган зарар қоплаб берилмаган.

Истеъмолчининг мурожаати Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори<sup>10</sup> билан тасдиқланган қоидалар талаблари ҳамда харидор ва маҳсулот етказиб берувчи корхона ўртасида тасдиқланган шартнома шартлари асосида ўрганилди. Ўрганиш жараёнида, У.Қодировга етказилган зарар тўлиқ қопланиб, бир бош соғлом қорамол олиб берилиши таъминланди. Истеъмолчига етказилган қарийб 6 миллион сўмлик зарар шу йўл билан қоплаб берилиши таъминланди.

<sup>9</sup><http://xs.uz/uzkr/post/har-bir-oila-tadbirkor-dasturi-asosida-kredit-olgan-fuqaroning-qoramoli-kasallikdan-nobud-boldi>

<sup>10</sup> [Ўзбекистон Республикасида чақана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида](#). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори(№ 75 13.02.2003)

## **2.6 Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари**

Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш чораларининг ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши бир неча босқичдан иборат. Бунда қуидаги ҳужжатларда киритилган тартиблар муҳим ўрин тутади.

№1.Маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиши механизмини такомиллаштириш мақсадидаги Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида”ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорида:

- 1.Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати;
- 2.Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати;
- 3.Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низом;
- 4.Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чоратадбирлари тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда Пахта толасини бозор талабларидан келиб чиқиб сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори билан белгилангандиги маълумот учун қабул қилинди.

**№2.** Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига кўра, «Рақобат тўғрисида» 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сон Қонунига мувофиқ «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорнинг [номидаги](#) ва бошқа тақорланишлардаги «монополияга қарши қонун ҳужжатларини» сўzlари «рақобат» сўзи билан алмаштирилди.

**№3.** 2018 йилга келиб, яъни, 2018 йил 1 январдан Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низом бекор қилинди. Мазкур низомнинг бекор қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сонли «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-тарожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асос ҳисобланди.

**№4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3386-сон [қарорига](#) мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополист корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилди.

Яъни, ПҚ-3386-сон(14.11.2017) қарорда товарлар ва хизматлар бозорларида самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда монополияни босқичмабосқич камайтириш, тақсимлаш тизими элементларини тугатиш, хўжалик

юритувчи барча субъектларнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланишида тенг шарт-шароитларни вужудга келтириш, ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида суистеъмолчиликлар ва талон-торожликларнинг олдини олиш, тагтамири билан тугатиш ҳамда уларни профилактика қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ва саноат базавий тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсади белгиланди.

**№5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида** (ПФ-5303-сон 16.01.2018).

Ушбу Фармонда мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартиба солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланган.

Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлиги ҳам таъкидланган.

Бу эса, бозорда айрим импорт қилувчиларнинг устун мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шароитлар яратилганлиги қўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имконияти чекланишига сабаб ҳисобланади.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаолигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обру́сига жиддий зиён етказади.

Мазкур Фармон юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадини назарда тутади.

**№6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида (ПҚ-3479-сон 17.01.2018). Ушбу Қарорда мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилаётгани таъкидланган.

**№7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон [Фармонига](#) мувофиқ мамлакатга озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айrim субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айrim маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам эканлиги ҳам таъкидланган.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлигига, айrim маҳсулот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келаётганлиги санаб ўтилган. Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охироқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келаётгани;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суистеъмолчиликлар учун шартшароит яратадигани;

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартибтаомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқарishни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётгани;

тўртингидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асосиз ўсишига шартшароит яратадигани;

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзишлиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқарish харажатларини кўпайтираётгани санаб ўтилган.

Умуман олганда, ПФ-5303-сон Фармон миллий иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқарish қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсади белгилаб қўйилди.

**№8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (ПФ-5564-сон 30.10.2018).**

Мазкур Фармон савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соглом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадини назарда тутади.

Шу билан бирга, товар бозорларининг ҳозирги ҳолати, улгуржи ва биржа савдосининг ривожланиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Савдо айланмасининг кенгайишига, ички бозорни ва ишлаб чиқарувчиларни зарур товарлар билан таъминлашга ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд, хусусан:

улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун яrim тайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, «бизнес учун — бизнес» (B2B) тамойили бўйича бошқа товарларни етказиб бериш тизими даражасининг пастлиги хўжалик юритувчи субъектлар транзакция харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келаётганлиги;

тадбиркорларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бозор нархларининг ноқулай ўзариши оқибатларидан муҳофаза қилиш имконини берувчи фьючерслар, ҳосила молиявий воситалар ва биржа товарлари савдоси бошқа замонавий механизмларининг суст жорий этилиши натижасида операциялар ҳажми ва савдога чиқариладиган товарлар турлари чекланётганлиги;

савдо субъектларининг устав капиталида давлат улушининг юқорилиги, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эскирган чекловларнинг сақланиб

қолинаётганлиги мазкур соҳаларда рақобат муҳитининг изчил ривожланишига тўсқинлик қилинаётганлиги;

товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, шу жумладан, хорижий истеъмолчиларни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган талаб юқори бўлган маҳсулотлар турлари ва ҳажмлари тўғрисида хабардор қилишга доир ишларнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги республика ичида, шунингдек, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш кооперациясининг ривожланишига тўсқинлик қилинаётганлиги санаб ўтилган.

**№9.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Солик ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида (ПФ-5755-сон 27.06.2019).

Ушбу Фармонда мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-куватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган соликقا тортиш ва божхона-тариф тизимини шакллантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларни такомиллаштириш назарда тутилган.

## **2-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**2.1** Монополияга қарши бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари таркибини изоҳланг.

**2.2** Ваколатли органлар фаолиятидаги ўзгаришлар ни шарҳланг.

**2.3** Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва уни монополияга қарши бошқарув жараёнларини амалга оширишдаги вазифаларининг хусусиятлари нимадан иборат.

**2.4** Монополияга қарши бошқарув органлари томонидан монопол корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш тартибини ёритиб беринг.

**2.5** Монополияга қарши қонун хужжатлари, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликни ифодаланг

**2.6** Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишни қучайтириш чоралари. тузилишидаги жиҳатлар нималардан иборат.

### **3-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ РАҚОБАТ СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

- 3.1 Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлиги.**
- 3.2 Монополияга қарши бошқарувнинг хуқуқий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари.**
- 3.3 Рақобат муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиш.**
- 3.4 Давлатнинг монополияга қарши бошқарув воситалари.**
- 3.5 Иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини ривожлантириш механизмлари.**

#### **3.1 Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлиги.**

Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлигини изоҳлашда миллий иқтисодиёт янги моделини шакллантиришга йўналтирилган Ҳаракатлар стратегиясининг моҳият ва мазмуни янги қадам бўлди. Чунончи, унинг учинчи босқичи бўлган 2019 йилда бажариладиган ишларнинг хусусиятлари 2018 йил 28 декабрда тақдим этилган Мурожаатноманинг<sup>11</sup> мақсад вазифаларида ўз аксини топди. Масалан, эътиборни Мурожаатномадаги қўйидаги фикрларга қаратайлик: «....Бизнинг мақсадимиз – ўтган бир йиллик тараққиёт йўлимизни холисона ва танқидий баҳолашдан иборат.... Барчамизга аёнки, ислоҳот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Замонавий, оқилона

<sup>11</sup> Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271–272(7229–7230)

бошқарув механизмини жорий этиш – олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир».

Албатта, Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан кейинги икки йил ичидағи давлатнинг иқтисодиётда иштирокини камайтириш борасидаги муолажалари таъбир жоиз бўлса, «интенсив институционал терапия» тарзида амалга оширилаётгани жиддий услубий аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, кенг кўламли монополияга қарши бошқарув сиёсатидаги барқарор муваффақият омили бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар мажмуасининг пухта тайёрланиши ҳамда изчил жорий этилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “[Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги](#) (№ ПФ-5630 14.01.2019) фармони билан иқтисодий ислоҳотлар занжирининг ташкилий-хуқуқий бўғинлари борасидаги қувонарли янгиликка имзо чекилди. Яъни, алоҳида ва мустақил монополияга қарши курашувчи идора ташкил этилди. Унга, «Давлат рақобат қўмитаси» негизидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» деган мақом берилди.

Ўз навбатида Қўмита фаолиятини жорий этиш мақсади “[Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги](#) (№ ПҚ-4126 24.01.2019) ҳамда “[Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги](#) (№ ВМ-402 15.05.2019) қарорлар билан мустаҳкамланди. Бу каби ислоҳот мамлакатда 2000 йилда ҳам амалга оширилган — Молия вазирлиги таркибидан мустақил «Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси» ажратилган эди. Бироқ ҳукуматнинг 2012 йилдаги қарори билан «Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси» ва «Давлат мулк қўмитаси» янги идорага — «Давлат рақобат қўмитаси»га айлантирилган.

Афсуски, 2012 йилдан кейинги «Давлат рақобат қўмитаси» фаолиятининг ҳисоботларида бевосита рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши йўналиш оз ўрин олган эди. Уларда асосан давлат активларини

хусусийлаштириш, сотиш, бошқариш, ночор корхоналар билан ишлаш ва ҳоказолар ёритилган. Яъни, айтиш мумкинки, 2012 йилда Давлат мулк қўмитаси Монополиядан чиқариш давлат қўмитасини «ютиб юборди». Бу эса мамлакатдаги рақобатни ҳимоя қилишга салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабдан, мустақил Антимонополия қўмитаси ташкил қилиниши кенг қамровли бозор ислоҳотларини амалга оширишда дадил қадам бўлди.

Аввало, Мурожаатномада баён этилган: “очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш” деб номланган иқтисодий ислоҳотлар негизидаги олтита мақсаднинг биринчиси монополияга қарши курашиш соҳасида олдимиизда турган вазифаларни белгилаб беради. Яъни, мазкур мақсад монополияга қарши курашишнинг нечоғлиқ зарурлигидан далолат беради.

Монополияга қарши курашиш фаолиятини янги юқори босқичга олиб чиқишида Мурожаатномада баён этилган қолган қўйидаги мақсадларнинг амалга оширилишини ҳам инобатга олиш талаб этиолади:

- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини қўпайтириш;
- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Монополияга қарши курашиш доирасида Мурожаатномадаги диққатга сазовор яна бир жиҳат молиявий ва реал секторларнинг соҳа ва тармоқларида шаклланган нокулай мураккаб ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитига оид далилий таҳлиллардир. Таҳлилларга кўра, йигирма етти йилдан буён давом этаётган мавжуд нокулай мураккаб давлат монополияси муҳитининг

асоратлари молиявий-иктисодий ислоҳотларда жадал давомийликка эришиш ҳамда замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш учун йўл берилмаётгани афсус билан айтиб ўтилган. Масалан: банк секторидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисмда:и, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли экани соғлом рақобатга тўсиқ бўлиш баробарида хизмат қўрсатиш сифатига ҳам салбий таъсир этмоқда. Мазкур вазиятга барҳам бериш ва банкмолия тизимини ривожлантириш зарурати Ҳукумат ва Марказий банкнинг халқаро молия институтлари кўмагида узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқишини тақозо этади. Бу билан банк сектори, фонд ва валюта бозорларидаги носоғлом вазиятни тубдан ислоҳ қилиш имконияти яратилади.

Хусусан, Мурожаатномадаги ўнта вазифанинг учинчисида тизимга хусусий ва хорижий капитал кириб келиши; давлат банклари улушининг босқичма-босқич камайиб бориши; тижорат банклари фаолияти, кредитлаш сифати ва маданияти ҳар томонлама ошишига хизмат қилиши, бир сўз билан айтганда соҳада рақобат муҳити учун шарт-шароит яхшиланиши нуқтаи назаридан аҳамиятли эканлиги ҳам таъкидланган.\_

Шу ўринда миллий адабиётимизда ишлатилаётган атамаларга тўхталайлик. Аввало, монополияга қарши курашиш дегаанда батамом ундан воз кечишни тушунмаслик керак. Бунда монополияни тартибга солиш доирасида қабул қилиш керак бўлади. Яъни монопол субъектнинг ўз салоҳиятидан нохолис, ноинсоф ҳолда фойдаланишни ва ижтимоий заарли оқибатлар келтириб чиқарувчи фаолиятларини бартараф этиш, олдини олиш бўйича чоратадбирлар мажмуаси назарда тутилади. Баъзида “антимонопол”, “аксилмонопол” каби изоҳлар билан ҳам баён этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат борки, “Рақобат сиёсати” ва “Антимонополия” ҳамда “Монополияга қарши курашиш” нинг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳисобланади. Шуни унутмаслик керакки, “Монополияга қарши курашиш” ҳам, “Монопсонияга қарши курашиш” ҳам, иқтисодий жараёнларнинг ижтимоий жараёнларга ҳавф солмаслигини талаб этади. Даромадлар орасидаги фарқ ижтимоий тангликларга сабаб бўлмаган ҳолда, Макроиктисодий мувозонат

шароитидаги барқарор тараққиётга эришишни тақозо этади.

Мамлакатимиздаги амалга оширилаётган ислоҳотларда юқоридаги атамаларнинг моҳият-мазмуни барқарориқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган ўзаро тенг кучли маънода кўлланилмоқда.

Яъни, классик иқтисодчилардан бўлган Адам Смит таърифидаги “кўринмас қўл” “ракобат”ни англатса, “Рақобат сиёсати” ва “Антимонополия” ҳамда “Монополияга қарши курашиш” кабилар эса, “кўринар қўл” ҳисобланади.

Масалани тарихий иқтисодиёт сахифаларидан варақлайлик. Адам Смитнинг «кўринмас қўл» назариясига асосан, инсон ўз табиатига кўра худбин ва манфаатпарастлигидан келиб чиқсан ҳолда, у ўз фойдасини кўзлаб фаолият юритса-да, беихтиёр жамиятга фойда келтиради. Ўз манфаатлари кўзланган, аммо пиравардида бутун жамиятга фойда бўлган саъй-ҳаракатлар иқтисодиётнинг «кўринмас қўли»дейилган. Энг қизиги —бу билан «жамиятни бойитяпман» деган фикр ўз табиатига кўра худбин ва манфаатпараст инсоннинг хаёлига ҳам келмаган. Лекин «кўринмас қўл» шундай натижаларга олиб келадики, бундан нафақат у одам — бутун жамият манфаат кўради. Иқтисодиёт назариясига кўра, бозорнинг бундай «кўринмас қўли» моддий ресурсларни тақсимлашда энг самарали инструмент ҳисобланади. Бироқ, турли хил ташқи сабабларга кўра, бу назария баъзида иш бермай қолади.

Бозорнинг «кўринмас қўли» ожиз бўлиб қолган пайтда, иқтисодиёт тамойилларидан бирига кўра, давлат иқтисодий ҳолатни яхшилаш имкониятини ишга солиши керак.

Миллий тажрибамиз учун бозор муносабатларини ночор ҳолатга келтирган давлат монополиясининг асоратлари билан бир қаторда бўлган бошқа ички омилларни мисол келтирайлик. Биринчи омил — монополия, картелларнинг бозор устидан хукмронлик ўрнатиш натижасида иқтисодий самарадорлик пасаяди. Бу ҳолатда давлат ўзининг бевосита аралашуви орқали бозордаги носоғлом ҳолатни яхшилаши мумкин. Иккинчи омил — кимёвий заводларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш ҳолатида давлат табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик воситасида вазиятни яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Давлатнинг бундай — бозордаги носоғлом рақобатни йўқ қилишга йўналтирилган ижобий аралашувини ҳаққоний равища «давлатнинг кўринар қўли» деб номлаш мумкин.

### **3.2. Монополияга қарши бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари.**

Монополияга қарши бошқарувни ташкилий-иқтисодий жиҳатларини ўзлаштиришнинг негизини товар ва молия бозорларида рақобат механизмининг барқарор ишлашига тўсқинлик қиласидан, чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган мулкий муносабатларни ифодаловчи ҳаракатлар ташкил этади.

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Рақобат тўғрисидаги қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб қуидаги тушнчаларнинг таърифи келтирилган:

**бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар** — ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни оловчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади;

**инсофсиз рақобат** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**иқтисодий концентрация** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги

рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

**иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш** — хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гурухига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

**камситувчи шартлар (шароитлар)** — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди;

**келишиб олинган ҳаракатлар** — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**келишув** — икки ва ундан ортиқ тарафларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, хужжатда ёки бир нечта хужжатда акс этган ёзма шаклдаги шартлашуви, шунингдек оғзаки шаклдаги шартлашуви;

**молия бозори** — банклар ҳамда бошқа кредит, сугурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қофозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

**нотўғри таққослаш** — рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айrim хўжалик юритувчи субъектга

афзаликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш;

**рақобат** — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шартшароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

**рақобатга қарши ҳаракатлар** — рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

**товар** — фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан ишлар ва хизматлар;

**товар бозори** — товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади;

**хўжалик юритувчи субъект** — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор.

Ташкилий-иктисодий муносабатлар ташкилий-хуқуқий муносабатларда ўз ифодасини топади. Миллий хўжалигимиздаги асосий ташкилий тузилмалар таркибида қуйидагилар фаолият кўрсатади:

[1. Акциядорлик жамиятлари](#)

[2. Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар](#)

[4. Хусусий корхоналар](#)

## 5. Якка тартибдаги тадбиркорлар (савдо, хизматлар ва хокозо)

### 6. Кичик корхоналар

### 7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

### 9. Оилавий тадбиркорлик

Шунингдек ҳориж амалиётида миллий амалиётдаги тузилмалар номидан фарқ қилувчи кенг тарқалган тузилмалар мавжуд. Ҳориждаги тадбиркорликнинг ташкилий ва иқтисодий шакллари, бир томондан, бизнесни бирлаштиришнинг ташкилий хусусиятларини, иккинчи томондан, бизнесни бирлаштиришда уларнинг иқтисодий муносабатларининг даражаси ва хусусиятларини англатади. Ушбу турдаги уюшмалар: картел синдикат трест концерн холдинг кабиларни ўз ичига олади.

**Картел--** 1. бу нархлар, бандлик, меҳнат шароитлари, сотиш бозорини белгилаш ва ҳоказоларни тартибга солиш мақсадида шартномавий асосда ва уларнинг ҳукукий мустақиллигига таъсир кўрсатмасдан бир хил корхоналарининг бирлашмаси. 2. монополистик бирлашма ёки битим шакли. Монопол тузилмаларнинг бошқа, барқарор шаклларидан (синдикатлар, трастлар, ташвишлар) фарқли ўлароқ, картелга киритилган ҳар бир корхона молиявий ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолади. Шартноманинг предмети бўлиши мумкин: нарх, таъсир доираси, сотиш шартлари, патентлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини тартибга солиш, маҳсулотни сотиш шартларини мувофиқлаштириш, ишчиларни ёллаш. У, қоида тариқасида, битта соҳада ишлайди. Бозор механизмларининг ишлашига тўсқинлик қилмоқда. Бир қатор картеллар тақиқланган мамлакатларда у монополияга қарши қонунларга бўйсунади; бошқа мамлакатларда, аксинча, картеллар яратилиши саноатни қайта қуриш, материаллар ва бутловчи буюмларни стандартлаштириш ва кичик фирмалар ўртасидаги рақобатни чеклаш мақсадида рағбатлантирилади.

**2. Синдикат –** 1. бу етказиб бериш ва маркетинг функциялари марказлаштирилган (карталарнинг бирлашмасининг ҳукукий мустақиллигини сақлаб турган ҳолда, лекин тижорат мустақиллигини йўқотган) картель

уюшмаси тури. 2.синдикат аъзолари учун ишлаб чиқариш ва ҳуқуқий мустақилликни сақлаб турганда нархларни белгилаш, хом ашё сотиб олиш, маҳсулотларни сотиш соҳасидаги рақобатни йўқ қилишга ва тижорат фаолияти шароитларини яхшилашга йўналтирилган бизнесни бирлаштириш шаклларидан бири. XIX-XX асрларда бозорни монополлаштириш мақсадида синдикатлар яратилди. Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар монополистик уюшмаларнинг барча шаклларига қарши қонунлар қабул қилдилар.

**3. Трест** –1. бу корхоналарни бирлаштириш шакли. олд кооситионмакчи Бир ёки бир нечта соҳалардаги корхоналар мулкка эгалик қилиш ва бошқаришнинг консолидацияси тўлиқ йўқолиши ёки мустақиллиги билан бирга келади (ишончли бошқарув ягона тузувчи бошқарув органи томонидан амалга оширилади). 2.монополистик уюшмаларнинг шаклларидан бири бўлиб, унинг доирасида иштирокчилар саноат, тижорат ва баъзан ҳуқуқий мустақилларини йўқотадилар. трестдаги ҳақиқий куч бошқарув кенгаши ёки асосий (ота-компания) қўлида тўпланган. XIX асрда энг кенг тарқалган. АҚШдаги биринчи трест (1879) - Рокфеллер Стандард Оил.

**4. Концерн** – 1. бу технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ёки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлмаган, лекин бош компания - назорат акцияларининг эгаси (филиаллар фаолиятини мувофиқлаштирадиган ва умумий бизнес функцияларини бажарувчи бош компания), маркетинг бошқалар каби ихтиёрий бирлашиш. 2.Уни бошқа бирлашмалар шаклларидан ажратиб турадиган турли соҳалардаги молиявий ва саноат групкалари. Масалан, Митсубиши концернига автомобилсозлик, электроника, кемасозлик ва бошқа соҳалардаги корхоналар киради. Одатда иштирокчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллиги сақланиб қолиши одатий ҳолдир, аммо ҳукмрон молиявий институтлар томонидан мувофиқлаштиришни ҳисобга олган ҳолда. Одатда, груп аъзолари нафақат иқтисодий потенциални, балки бозор стратегиясидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиради. Концерннинг асосий устунлиги бу молиявий ва бошқа ресурсларнинг концентрацияси.

**5. Холдинг** - назорат қилувчи улуш орқали бош компаниянинг раҳбарлиги остида ишлайдиган бир хил саноатдаги бир нечта корхоналарнинг етарлича мустаҳкам ассоциацияси.

**6. Уюшма** - бу маркетинг, илмий-техник ва ишлаб чиқариш муаммоларини биргаликда ҳал қилиш учун ихтисослашган корхоналарнинг ихтиёрий бирлашмасининг энгил шакли (корхонага киритилган ҳуқуқий мустақилликни сақлаб қолиш).

**7. Консорциум** - барча иштирокчилар ўртасида хатарларни тарқатадиган умумий иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун турли соҳалардаги бир нечта хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиши (корхона консорциум мақсадлари билан боғлиқ бўлган фаолиятдан ташқари мустақил бўлиб қолади).

**8. Молиявий-саноат гурӯҳи** илмий ва технологик тараққиётни жадаллаштириш ва харажатларни камайтириш орқали рақобатбардош маҳсулотларни кучайтириш учун саноат, банк, сурʼурта, савдо ва интеллектуал капиталнинг бирлашмаси.

### **3.3 Рақобат муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиш**

Рақобат муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланишда монополияга қарши бошқарувнинг заруратини изоҳлашда Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш Методикаси” ҳисобланади. Шунингдек, бунда илғор халқаро амалиётдан фойдаланилган ва Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ушбу методика Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорларни

қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик юзасидан юклатилган вазифаларни бажаришда қулайлик яратади.

Методикадан лойиҳалар ва амалдаги қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда товар ва молия бозорларида рақобатни бевосита ёки билвосита чеклайдиган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тегишли чоралар кўришда фойдаланилади.

Рақобатга таъсирини баҳолаш Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 2 та усулда, яъни, “ex-ante” – лойиҳаларни ва “ex-post” – амалдаги қонун хужжатларини рақобатга таъсирини баҳолаш тарзида амалга оширилади.

“Ex-ante” усули бўйича рақобатга таъсирини баҳолаш. Бунда, қўйидагиларни назарда тутувчи лойиҳалар Монополияга қарши курашиш қўмитасига мажбурий тарзда киритилади, яъни:

- а) янги чекловларни, рухсат бериш хусусиятига эга хужжатлар ва лицензиянинг янги турларини киритиш;
- б) лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга хужжатларни, шунингдек қўшимча техник тартибга солиш шартларини жорий этиш;
- в) товар ёки молия бозори иштирокчиларида ортиқча харажатларга олиб келиши мумкин бўлган талаблар (шартлар)ни киритиш;
- г) товар ёки молия бозори иштирокчиларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёз, кафолат ҳамда бошқа преференциялар белгилаш, шунингдек айрим товар ёки молия бозори иштирокчиларига эксклюзив ҳуқуқларни бериш;
- д) табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)лари нархи (тариф)ни ва бошқа тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) ошириш;
- е) истеъмолчилар ёки товар ва молия бозори иштирокчилари учун инфратузилма ва табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)ларидан фойдаланиш шартларини ўзгартириш;
- ж) табиий монополия субъектларини товар ва молия бозорларида иштироқини мавжудлиги;

3) давлат корхоналари ва табиий монополия субъектларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш;

и) товар ва молия бозорларида давлат иштироки ёки давлат органларининг исталган кўринишдаги ҳаракатларининг мавжудлиги;

к) товар ва молия бозори иштирокчиларининг исталган кўринишдаги ресурслар, жумладан хом ашё, материаллар, ишчи кучи ва молиявий ресурслардан фойдаланиш шартларининг ўзгариши.

Лойиҳанинг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича Қўмитанинг хulosаси лойиҳа ишлаб чиқувчи томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан Регламентга асосан Монополияга қарши курашиш қўмитаси хulosаси лойиҳа билан бирга ҳукуқий экспертизадан ўтказиши учун Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилганда унга Қўмита хulosаси мажбурий тартибда илова қилинади.

Қўмита хulosасида лойиҳани қабул қилиниши рақобат муҳитига салбий таъсири кўрсатилганда, ушбу ҳужжат лойиҳани қабул қилувчи томонидан уни қабул қиласлик учун асос сифатида қаралади.

“Ex-post” усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш. Бунда, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари йилига камида икки маротаба хатловдан ўтказилади.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси амалдаги қонун ҳужжатини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганда:

- юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда таклифлар киритади;

- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари юзасидан – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун хужжатларига мувофиқ тақдимнома киритади.

### **3.4 Давлатнинг монополияга қарши бошқарув воситалари.**

Давлатнинг монополияга қарши бошқарув воситаларини тавсифлашда<sup>12</sup>

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси(08.09.2017)даги йўналишларни таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошқаруви тизими니 тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишлиланган.

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизmlари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутади.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қискартириш ва бошқарувнинг бозор механизmlарини кенгайтириш ҳисобланади.

Тўртинчи йўналишда, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизmlарини такомиллаштириш назарда тутилган.

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган.

Ва ниҳоят, сўнгги олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизmlарини ўрнатиш белгиланган.

---

<sup>12</sup> [Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида](#)(№ ПФ-5185, 08.09.2017)

Бунда: “III. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш”-деб номланадиган учинчи йўналишга тўхталиш лозим. Мазкур йўналишда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

1. Энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2. Хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини

белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳукуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиши.

3. Иқтисодий фаолиятда, энг аввало, давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари ваколатларини, уларнинг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффоғлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиши.

4. Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини («Ўздавнефтгазинспекция», «Ўздавэнергоназорат» ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқаруви органлари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиши.

5. Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини (таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси) ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда бюджет харажатларини камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг хуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш.

6. Лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш. Айни вактда давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий суғурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш.

### **3.5. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат мухитини ривожлантириш механизmlари**

Мамлакатимизда иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат мухитини ривожлантириш механизmlари сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрида қабул қилинган Маъмурий ислоҳотлар концепциясида келтирилган қатор тизимли муаммо ва камчиликларни тавсифлаш талаб этилади. Концепцияда таъкидланишча: иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Улар таркибини қўйидагилар ташкил этади:

биринчидан, монополияга қарши бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш асослари тармоқларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, хўжалик юритувчи субъектларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, айрим монополияга қарши бошқарув органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий механизmlари етарли эмаслиги,

вазифаларнинг тақрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, монополияга қарши бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

тўртинчидан, монополияга қарши бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирамайди;

бешинчидан, монополияга қарши бошқарув органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

олтинчидан, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги худудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

еттинчидан, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориши имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

саккизинчидан, монополияга қарши бошқарув органлари томонидан бир нечта функцияларнинг қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

тўққизинчидан, истеъмолчилар хуқуқи ҳимояланишининг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда нархларнинг камайишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, монополияга қарши бошқарув органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

ўн биринчидан, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги рақобат мухитини ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда.

### **3-БОБНИ ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**3.1** Монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлигини изоҳланг.

**3.2** Монополияга қарши бошқарувнинг хуқукий ва ташкилий-иктисодий жиҳатларини шарҳланг.

**3.3** Рақобат муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиш хусусиятлари нимадан иборат.

**3.4** Давлатнинг монополияга қарши бошқарув воситаларини ёритиб беринг.

**3.5** Иктисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат мухитини ривожлантириш механизмларини ифодаланг.

## **4-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИХАТЛАРИ**

- 4.1 Монополияга қарши бошқарув институтлари.**
- 4.2 Монополияга қарши бошқарувда кадрлар сиёсати.**
- 4.3 Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувнинг функционал асослари.**
- 4.4 Монополияга қарши бошқарувнинг институционал жиҳатлари.**
- 4.5 Давлат томонидан монополияга қарши бошқарув муносабатларини ривожлантириш йўллари.**
- 4.6 Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида монополияга қарши бошқарувни юзага келиши.**

### **4.1. Монополияга қарши бошқарув институтлари**

Ривожланган мамлакатларнинг XX асрнинг бошларидауб амалий иқтисодий фаолиятида шаклдана бошлаган институционал иқтисодиёт, аср охирига келиб назария ва амалиётни боғловчи соҳа сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаганини таъкидлаш лозим.

Республикамизда кенг кўламли Монополияга қарши бошқарув сиёсатини акс эттирувчи изчил жорий этиладиган норматив-ҳукуқий ҳужжатларга эътибор қаратилмоқда<sup>13</sup>. Айнан норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тайёрланиши ва жорий этилишининг кейинги йиллар динамикасида институционал иқтисодиёт механизмига устувор эътибор қаратилмоқда. Ҳақиқатан ҳам амалий иқтисодиётнинг ҳукуқий механизм билан ўзаро боғлиқлиги кейинги пайтда мамлакатимизда устувор аҳамият касб этмоқда.

Институционал иқтисодиётнинг энг муҳим тушунчалари жумласига институт ва норма тушунчалари киради.

---

<sup>13</sup> [Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида](#). Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 08.08.2018 йилдаги ПФ-5505-сон, (№ ПФ-5505 08.08.2018)

“Институт”-- бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизимиdir

“Норма”- институционал мухитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.

Институционализм асосчиларидан бири Дуглас Норт институтлар таркибида уларни учта асосий қисмга ажратади: 1) Расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.); 2) Норасмий нормалар (анъана- лар, урф-одатлар); 3) Қоидаларга амал қилинишини таъминловчи тартибга солиш ва назорат қилиш идора ва муассасалари каби уч асосий қисмда изохланади.

Норма сўзининг тавсифи: иқтисодий муносабатлардаги муайян иш-харакатларни ташкил этиш (амалга ошириш)нинг тан олинган рухсат ёки тақиқ тариқасидаги тартиб қоидаси тарзида қўлланилади деб хуроса қилиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу унсур: тартибни сақлаш функциясига эга, ўзаро ҳамкорликлар тизимида мажбурий хатти-харакат бажарилишини талаб этади. Шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди. Шахслар хатти-харакатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик ҳамда муқаррарликни акс эттиради.

Т.Вебленнинг фикрича Институтлар тушунчасини икки босқичда таърифлаш мумкин:

1. Институтлар – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи ҳисобланади.

2. Институтлар – бу ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижаси бўлиб, улар ўтмиш шароитларига мослашган ва, ўз навбатида, ҳозирги вақт талабларига тўлиқ мослашмаган.

Иқтисодий амалиётда норма тушунчаси билан ёнма-ён равища норматив тушунчаси ҳам кенг кўлланилади.

Норматив тушунчасини муайян соҳа вакиллари фаолиятига дахлдор бўлган ўзаро алоқадор аниқ қоидаларнинг умумлаштирилган ҳолда расмий-лаштирилиши сифатида қайд этиш мумкин.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шундаки, 2016 йил 23 сентябрдан бошлаб «Lex.uz»га норматив-хуқуқий ҳужжат сифатидаги расмий манбаи мақоми берилиши билан бир қаторда 2019 йил 1 январдан эътиборан давлат органлари ва ташкилотларининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»га обуна бўлиш тугатилди.

Шунингдек, мазкур материалларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)) ўтказган ҳолда нашр этиш тизими тасдиқланди.

Дуглас Нортнинг юқоридаги ёндошувидан келиб чиқсан ҳолда Монополияга қарши бошқарув институтлари таркибини иккита асосий қисмга ажратиш мумкин:

- 1) Расмий қоидалар (қонунлар, фармонлар, қарорлар, маъмурий ҳужжатлар ва б.);
- 2) Қоидаларга амал қилинишини таъминловчи тартибга солиш ва назорат қилиш идора ва муассасалари.

## **4.2. Монополияга қарши бошқарувда кадрлар сиёсати**

Монополияга қарши бошқарувда кадрлар сиёсатини амалга оширишда Маъмурий ислоҳотлар концепцияси(08.09.2017) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишини тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармон устувор аҳамиятга эга.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси(08.09.2017)даги олтинчи йўналишда кадрлар сиёсатини амалга оширишдаги талаблар баён этилган<sup>14</sup> .

Бунда: “ VI. Профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.”-деб номланадиган йўналишда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

1. Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффофф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиши.

3. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиши, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиши.

4. Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистемолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш.

5. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш.

---

<sup>14</sup> [Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш түғрисида](#)(№ ПФ-5185, 08.09.2017)


6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш.

7. Иш вақти ва моддий-ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш.

2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармон ижросини таъминлаш мақсадида юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ПҚ-4126-сон қарор тасдиқланди. “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси(кейинги ўринларда—қўмита) фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорига кўра: Қўмита бошқарув ходимларининг чекланган сони 242 нафар, шу жумладан Қўмита марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 75 нафар этиб белгиланган.

#### Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати

##### ТУЗИЛМАСИ



рув ходимларининг умумий чекланган сони — 75 нафар.

Қўмитанинг раисига:

зарур ҳолларда, Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қўмитанинг худудий бошқармалари тузилмасини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Қўмита худудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Қўмита бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

Қўмита ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича мансаб маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш;

халқаро амалиётдан ва бозор шароитларидан келиб чиқкан ҳолда, Қўмитага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун контракт асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ”нинг 5-бобида Қўмита раҳбарларининг қўйидаги функционал мажбуриятлари келтирилди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари билан Қўмитага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Қўмита, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Қўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Қўмитанинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Қўмита фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Қўмита фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Қўмита ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Қўмита тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Қўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;

фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти деб аталади) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

«Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Кўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, хуқуқий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

Кўмита раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014

йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринbosарлари ва Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, Кўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Кўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринbosарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Кўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ Кўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Кўмита ва унинг худудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равиша шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Кўмита ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Кўмита номидан иштирок этиш;

Кўмита қўмитасининг ҳайъати мажлисларида раислик қилиш;

зарурият бўлганда Кўмитанинг, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Кўмита марказий аппаратининг, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари низомлари ва идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппарати ходимлари, Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Кўмита, Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўриш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг қўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар киритишни таъминлаш ва мукофотлашга тавсиялар бериш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига ходимларни моддий рағбатлантириш ва Кўмита тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш.

Куйидагилар Кўмита раиси ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Қўмитанинг ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Қўмита фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиласидиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг хужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Қўмитанинг ўзи назорат қиласидаган таркибий бўлинмалари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиласидаган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Қўмита раисига таклифлар киритиш;

норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик вазир томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиласадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиласадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

Кўмита ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа хукуқбузарликларинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

#### **4.3 Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувнинг функционал асослари**

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул килинган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ”нинг 3-бобининг 1-§да Монополияга қарши курашиш қўмитасининг вазифалари ва функциялари келтирилган. Қуйидагилар Кўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш;

бозор иштирокчиларига юкори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай харакатларни амалга оширишига йўл қўймаслик.

Кўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

*a) товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришининг ягона давлат сиёсатини амалга ошириши соҳасида:*

давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни ривожлантириш ва монополистик фаолиятни чеклаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва хуқуқни кўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи якка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши курашиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қиласди;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва эълон қиласди;

хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг харакатларидан (харакатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қиласди;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шартшароитларни таъминлаш бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қиласи;

*б) товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириши, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш соҳасида:*

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида хукуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни жорий этади;

устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) ҳаражатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юридик шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ хукуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

*в) савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиши соҳасида;*

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

товар-хомашё биржаларини лицензиялайди ҳамда улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиласи;

товар-хомашё биржаларининг лицензиялари реестрини юритади;

махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда товар-хомашё биржалари аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлади, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мониторинг олиб боради ва ушбу қоидаларга товар-хомашё биржалари томонидан риоя этилишини назорат қиласи;

ўз ваколатлари доирасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

г) бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишида тенг шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

юқори ликвидли монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қиласди;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиради;

табиий монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилиниши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва мажбурий тарзда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гурухи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларнинг асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қиласди;

д) қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаши, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишиига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар, шунингдек, бошқа хужжатларни уларнинг рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказади;

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган қонун хужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

Кўмита қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

#### **4.4. Монополияга қарши бошқарувнинг институционал жиҳатлари**

Монополияга қарши бошқарув институтлари таркиби Дуглас Нортнинг юқоридаги ёндошувидан келиб чиқсан ҳолда иккита асосий қисмга ажратилди:

- 1) Расмий қоидалар (қонунлар, фармонлар, қарорлар, маъмурий хужжатлар ва б.);
- 2) Қоидаларга амал қилинишини таъминловчи тартибга солиш ва назорат қилиш идора ва муассасалари.

Институтларниг биринчи қисмини ташкил этувчи Расмий қоидалар (қонунлар, фармонлар, қарорлар, маъмурий хужжатлар ва б.) таркиби билан ишлаш учун асосан WEB ресурсларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. LEX.uz-
2. Монополияга қарши бошқарув органининг веб сайти.
3. Соҳага даҳлдор бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг веб сайтлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарорида ўз аксини топган.

Асосий қонунлар таркиби:

1.Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 26 апрель, 221-І-сон.

2.Реклама тўғрисида. 1998 йил 25 декабрь, 723-І-сон.

3.Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида. (янги таҳрири). ЎРҚ-375-сон 12.09.2014.

4.Рақобат тўғрисида. 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон.

5.Табиий монополиялар тўғрисида (янги таҳрири). 1999 йил 19 август, 815-І-сон.

6.Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида. 2012 йил 20 декабрь, ЎРҚ-341-сон.

Президент фармонлари ва қарорлари.

7.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

8.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида.. № ПФ-5308. 22.01.2018.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони.

10.“Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарори.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юкори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида (ПҚ-3479-сон 17.01.2018).

#### Вазирлар маҳкамаси

12.Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. № ВМ-230 (20.08.2013)

13.Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. № ВМ-344 (27.12.2013)

14.Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. № ВМ-225 (15.08.2013)

15.Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2010 йил 28 октябр, ВМҚ-239. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2018 й., 09/18/197/0892-сон, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

16.Товар ва молия бозорларида монополияга қарши ислоҳ этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2013 йил 20 август, ВМҚ-230. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

17.Монополияга қарши курашни ислоҳ этиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. 2013 йил 27 декабрь, ВМҚ-344. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2017 й., 09/17/810/0095.

18.Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги

хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. 2017 йил 19 июн, ВМҚ-391. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 543-м.

19.Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон қарорига илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1008-м. АВ-2125, 26.07.2010.

20.Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 30 март, ВМҚ-249. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

21.Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузгандлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом.

#### **4.5. Давлат томонидан монополияга қарши бошқарув муносабатларини ривожлантириш йўллари**

Давлат томонидан монополияга қарши бошқарув муносабатларини ривожлантириш йўллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорида белгиланган. Яъни, 2019 — 2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш, унда, жумладан қўйидагилар назарда тутилган:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда монополияга қарши тартибга солишининг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усусларини жорий этиш;

рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини оловчи воситаларни, шу жумладан монополияга қарши комплаенс механизми — биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ичida рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

рағбатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуслари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини, шу жумладан рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шаклларининг олдини олиш мақсадида яратиш;

ракобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳукуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳукуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳукуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) жорий этиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли равища ошириш, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуки соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича маҳсус йўналишларни жорий этиш;

муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдини олиш.

#### **4.6. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида монополияга қарши бошқарувни юзага келиши**

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида монополияга қарши бошқарувни юзага келиши Ўзбекистон Республикасининг “[Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида](#)” Қонуни (№ 623-ХII 02.07.1992) қабул қилиниши билан бошланган. Учта боб 13та моддадан иборат ушбу Қонун тадбиркорликни ривожлантириш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашуви-баҳслашувига йўл бермайдиган, чеклаб қўядиган ёки уни йўқ қилинадиган қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини англатувчи монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва пайини қирқишининг ҳуқукий асосларини белгилаган. Қонуннинг умумий қоидалар деб номланган I бобида қонунни қўлланиш соҳаси (1-модда); келтирилган.

Монополистик фаолиятни ва фирром рақобатни чеклаш ва тақиқлаш деб номланган II бобда: бозордаги устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик(2-модда); хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қонунга хилоф битимлар тузилишини (келишиб қилинадиган ҳаракатларни); тақиқлаш(3-

модда); рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузилишларни тақиқлаш(4-модда); давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чекловчи хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик(5-модда); фирром рақобатни тақиқлаш (6-модда)таборлари келтирилган.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва фирмом рақобатни тақиқлаш таборлари деб номланган III бобда: монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора(7-модда); зарарни қоплаш (8-модда); монополияга қарши қонунларни бузганлик учун жарималар(9-модда); ушбу қонунни бузганлик тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш учун асослар(10-модда); монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби(11-модда); хўжалик юритувчи субъектнинг асоссиз равишда орттирган фойдасини тортиб олиш(12-модда); монополияга қарши қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назорати(13-модда)таборлари келтирилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур Қонунни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш, ўзаро боғлиқ молиявий, монополияга қарши ва нархнаво сиёсатини олиб бориш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига Монополияга Қарши сиёсат олиб бориш бўйича вазифаларни юклаш тўғрисида”ги 1993 йил 6 февралдаги 63-сон қарори эълон қилинган. Шу муносабат билан Молия вазирлигининг Нарх белгилаш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг монополияга қарши ва нарх сиёсатини олиб бориш бош бошқармасига айлантирилган, унинг ходимларининг чекланган сони 20 нафарга кўпайтирилган. Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона монополияга қарши ва нарх сиёсатини шакллантириш ва олиб бориш ишларини мувофиқлаштириш, истеъмолчиларни монополизм ва фирмом рақобатдан нархлар ва тарифларнинг асосланмаган ўсишидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг барқарор негизини яратиш;

монополияга қарши ва нарх қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

параллел ишлаб чиқаришларнинг монополистик тармоқларда ва муомала соҳасидаги фаолиятини рағбатлантириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, эркин рақобатни кўллаб-қувватлаш ва бозор инфраструктураларини ривожлантириш, монополист корхоналарнинг нархларини тартибга солиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

рақобатни чеклашга олиб келувчи, бозорнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг манфаатларини камситувчи, сунъий равишда тақчиллик яратувчи ҳамда ортиқча монопол фойда даромад олишни таъминловчи айrim хўжалик субъектлари фаолиятига йўл кўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

харид, улгуржи, чакана нархлар ва тарифларни маъмурий тартибга солиш соҳасини босқичма-босқич қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан биргаликда шартномавий эркин нархлар соҳасини кенгайтириш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, республика корпорациялари, концернлари уюшмалари, корхоналари ва ташкилотларининг нархлари ва тарифлари асосли шаклланиши устидан назоратни амалга ошириш;

республика халқ хўжалигида эркин нарх белгилаш соҳасини, ҳамдўстлик мамлакатларида ва жаҳон бозорида нархларни таҳлил қилиш ва оператив баҳо бериш белгиланган.

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 май 188-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз қучини йўқотган. Чунки, 1996 йил 15 майда ПФ-1464-сон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинган. 1996 йил 23 майда эса 188-сон билан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинади. Ундаги келтирилган Кўмитаг Низомида «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар хуқуқларини муҳофаза қилиш», «Реклама тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг Кўмита фаолиятига тегишли бўлган бошқа қонун хужжатларига мувофиқ асосий вазифалар, функциялар ва ваколатлар белгилаб берилган. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 авгуstdаги 300-сонли «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотди.

“Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги қарори билан 08.01.1997 санадан бошлаб кучини йўқотган.

#### **4-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**4.1** Монополияга қарши бошқарув институтлари таркибини изоҳланг.

**4.2** Монополияга қарши бошқарувда кадрлар сиёсатини шарҳланг.

**4.3** Давлат томонидан монополияга қарши бошқарувнинг функционал асосларидаги хусусиятлар нимадан иборат.

**4.4** Монополияга қарши бошқарувнинг институционал жиҳатларини ёритиб беринг.

**4.5** Давлат томонидан монополияга қарши бошқарув муносабатларини ривожлантириш йўлларини ифодаланг

**4.6** Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида монополияга қарши бошқарувни юзага келиши. сабаблари нималардан иборат

## **5-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 5.1** Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг мақсад ва вазифалари.
- 5.2** Монополияга қарши бошқарувни амалга оширишда давлатнинг асосий устувор йўналишлари.
- 5.3** Монополияга қарши бошқарув тамойиллари.
- 5.4** Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш босқичлари.
- 5.5** Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали монополияни тартибга солиш воситалари.

### **5.1. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг мақсад ва вазифалари**

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини белгилашдаги асосий ҳужжатлардан бири 2019-2023 йиллар давомида товар ва молия бозорларида рақобатнинг ривожланиш стратегияси ҳисобланади.

Стратегиянинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни, инновацияларни рағбатлантириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги иш жойларини яратиш, шунингдек, истеъмолчилар фаровонлигини рақобат муҳитини мустаҳкамлаш орқали оширишдан иборат.

Асосий мақсадга эришиш учун Стратегиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

барча бозор иштирокчилари иқтисодий фаолиятининг teng шароитлари ва эркинлигини таъминлаш, уларнинг рақобатбардошлигини уларга товар (иш, хизмат), давлат ёрдами ва давлат харидлари билан teng равишда фойдаланиш имконини бериш, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш ва давлат хизматларини кўрсатиш; ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)

сифатини яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш, асосиз нарх ошишини чеклаш ва ички талабни қондиришнинг юқори даражасини таъминлаш; товар ва молия бозорларида фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (жамғармаларида) давлат иштирокини қисқартириш.

## **5.2 Монополияга қарши бошқарувни амалга оширишда давлатнинг асосий устувор йўналишлари**

Монополияга қарши бошқарувни амалга оширишда давлатнинг асосий устувор йўналишларини белгилашдаги асосий ужжатлардан бири 2019-2023 йиллар давомида товар ва молия бозорларида рақобатнинг ривожланиш стратегияси ҳисобланади.

Стратегияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардир: монополияга қарши «ақлли» тартибга солиш тизимини (smart antitrust) яратиш ва рақобатни ҳимоя қилишнинг профилактик тизимига ўтиш;

бизнесга қўлланиладиган тартибга солиш тизими юкламасини камайтириш;

иктисодиётда давлат иштирокининг даражасини пасайтириш ва давлат ёрдамини тақдим этишни такомиллаштириш;

табиий монополия давлатидан рақобатбардош бозорга ўтиш бўйича тўсиқларни бартараф этиш;

нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш;

"картел" шартномалари билан курашиш усулларини қучайтириш;

интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш ва адолатли бизнесни рағбатлантириш;

давлат харидлари иштирокчиларининг барчаси учун биржа савдолари орқали хом-ашё ва материаллардан фойдаланишнинг шаффоғлиги ва тенг шароитларини таъминлаш;

монополияга қарши курашиш органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобат маданиятини шакллантириш ва рақобатга

қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишиларига нисбатан норозиликни таъминлаш.

Юқоридаги йўналишлардан биринчи ва иккинчиси таркибида қўйидагиларни баён этиш мумкин:

1. Монополияга қарши курашни тартибга солишининг «Ақлли» тизимини яратиш (smart antitrust) ва рақобатни ҳимоя қилишининг профилактик тизимиға ўтиш: монопол корхоналарнинг давлат реестрини бекор қилиш ва табиий монополиялар давлат реестри; бозор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини баҳолашда бозор ҳокимиятини белгилашда доминант позицияни ва ўтишни белгилаш мезонларини қайта кўриб чиқиш; "Товар бозори самарадорлиги" кўрсаткичи бўйича глобал рақобатбардошлиқ индекси методологияси асосида товар ва молия бозорларидаги рақобат ҳолатини диагностика қилиш; ИҲРТ методологияси асосида товар бозорларини тартибга солиш индексини (ПМР) йиллик ҳисоблаш; товар ва молия бозорларидаги қатнашчиларнинг хатти-ҳаракатлари(behavioral economics)ни такомиллаштиришни рағбатлантирувчи, "юмшоқ туртки(nudging)", шу жумладан, хатти-ҳаракатларнинг иқтисодий ёндашувларини жорий этиш учун рақобат сиёсати учун институционал инновациялар лабораториясини яратиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиши ва сотиб олиш масалалари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондида (жамғармасида) акциялар (улушлар) сотиб олиш учун, шу жумладан жараённи электрон кўринишда олиб бориш учун шахс ва шахслар гуруҳи учун тузилган битимларни кўриб чиқиш учун маъмурий тартибларни киритиш; монополияга қарши давлат назоратини амалга оширишда рискка асосланган ёндашувни жорий этиш; товар, молия ва рақамли бозорларни монополияга қарши курашни тартибга солиш бўйича самарали воситаларни яратиш, шу жумладан, "воситачи ҳоқимият", "бозорда нисбий устунлик", "бозордаги устиворлик" каби ходисалар ва ҳаракатлар, самарали ҳолатларга монополияга қарши аралашиш учун пастки чегарани киритиш рақобат ҳуқуқи бузилишини тўхтатиш; давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга ички мувофиқлик тизимининг монополияга қарши қонун

хужжатлари талабларига киритилиши - монополияга қарши қонун хужжатларига риоя этилиши(комплаенс) ва унинг мониторингини ўтказиш; рақобат ҳуқуқини қўллашда судяларнинг малакасини ошириш; рақобат сиёсати ва ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг барқарор тизимини яратиш.

2. Товар, молия ва рақамли бозорларга тартибга соладиган юкни камайтириш ва улардан фойдаланишни соддалаштириш: қонунчиликнинг рақобатга таъсирини баҳолаш методологиясини жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аввалги ва кейинги лавозим принципига таъсирини баҳолаш; норматив базани комплекс монополияга қарши "қайта кўриб чиқиш" ни амалга ошириш - камида 3 минг норматив ва 20 минг техник регламентни "гильотин" усулидан фойдаланиб, рақобатга қарши нормалардан тозалаш; мавжуд лицензиялар ва рухсатномалар турларини қайта кўриб чиқиш ва уларни 30 фоизга қисқартириш; "рақамли бозорларнинг" концепциясини рақобат қонунларига киритиш ва унинг маҳсулот чегараларини ва тартибга солиш усусларини белгилаш; товар, молия ва рақамли бозорларда устунлик мавқеини аниқлашнинг замонавий усусларини жорий қилиш; электрон тижорат орқали антитrust савдосини киритиш; **RegTech** концепциясига (рақамли бозор иштирокчилари томонидан рақобат қонунчилиги талабларини янада тез ва самарали ишлатиш имконини берувчи тартибга солувчи технологиялар) асосланган рақамли платформани яратиш; юқори технологияли ишлаб чиқариш ва молиявий технологиялар (fintech)учун янги бозорларда "тартибга солувчи «кумсоат»лар" ни яратиш; пенсия фонdlари ва банк сектори хизматларининг молиявий бозорларида рақобатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш; стандартлаштириш ва метрология ва телекоммуникациялар бозорларида рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш.

### **5.3. Монополияга қарши бошқарув тамойиллари**

Монополияга қарши бошқарувнинг умумэътироф этилган тамойил(принцип)лари монополияга қарши бошқарувга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, тизимлаштирилган базани шакллантириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Монополияга қарши бошқарувнинг тамойиллари қуидагилар:

тенг имкониятларни таъминлаш (маъмурий тўсиқларсиз бизнес юритиш, ривожлантириш зарурлиги) принципи;

ихтиёрийлик(бозорга кириш ва чиқиш, битимлар танлови ва уларни имзолашдаги талаблар) принципи;

норматив ҳужжатлар базасининг тўғридан-тўғри амал қилиши ва ижросини таъминлаш(хужжатларнинг кўрсатма ва тушунтиришидаги талабларни ихтиёрий қабул қилиш ва монеликсиз бажариш) принципи;

норма ижодкорлигига мавжуд базани тизимлаштириш, бозор муносабатлари тартибга солиниши барқарорлигини таъминлаш(хужжатларни такомиллаштириш, зиддиятларни бартараф этишга оид кўрсатма ва тушунтиришлардаги янгиланишлар сонини асосларнинг етарлилигини инобатга олган ҳолда минималлаштириш зарурлиги) принципи

ижро мониторинги принципи монополияга қарши орган томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, шунингдек улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тасдиқланган мажбурий талабларга мувофиқлигини расмий текшириш йўли билан назорат чораларини амалга оширишдан иборат;

тизимли ёндашув принципи одил рақобат муҳитини яратиш, тадбиркорликнинг барқарор ривожланишига қўмаклашишга қаратилган "замонавий монополияга қарши сиёsatни шакллантириш" да қўлланилади.

Монополияга қарши бошқарувнинг умумэътироф этилган тамойил(принцип)ларининг холисона ижросига эришиш: амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама рўёбга чиқаришга, шунингдек, бозор иштирокчиларининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини

тўлақонли ҳисобга олишга, хўжалик юритувчи субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-куватланиши таъминланишига қаратилган.

Халқаро умумэътироф этилган принциплар ва халқаро шартномалар нормаларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида миллий қонунчиликнинг турли нормаларида қатор принциплар белгиланган.

Масалан, [Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида](#)(№ ЎРҚ-419 03.01.2017)ги қонундаги қўйидаги принциплар: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги кабилар монополияга қарши бошқарувни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Хусусан, “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат Дастири”<sup>15</sup> ҳам мазкур принциплар асосида ишлаб чиқилган. Айниқса, қўйида келтирилган 14 ва 21- бандлар монопол фоалиятни тартибга солишга хизмат қиласди.

4.	<p>Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>барча давлат харидлари субъектларини босқичма-босқич қамраб олиш бўйича чоралар кўриш;</p> <p>харид (ISO 20400) ва коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш;</p> <p>давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;</p> <p>аффилланган шахсларнинг харидларда қатнашишларига чекловлар белгилаш;</p>
----	--

<sup>15</sup> [Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)(№ ПФ-5729, 27.05.2019)

	<p>барча давлат тендерларини қамраб олиш учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳамма фойдалана оладиган ягона реестрини юритиш; давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошкоралиги ва эркинлигини ошириш;</p> <p>харид жараёнида бюрократик ва субъектив омилларни минималлаштириш;</p> <p>натижаларни статистик таҳлил қилиш, шунингдек, харид тартибининг барча зарур параметрлари бўйича ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш (2019 йил 1 ноябргача)</p>
21.	<p>Устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини қучайтириш, жумладан:</p> <p>коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш(2020 йил 1 апрелгача).</p>

Хўжалик юритувчи субъектлар Фаолиятини давлат томонидан Назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон республикасининг Қонуни(24.12.1998 й. N 717-I.)нинг 5-моддасидаги Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик;

тадбиркорлик субъекти ҳукуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади.

## 5.4      Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш босқичлари

Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш босқичларини асослашда иккита ёндушувдан фойдаланилади.

- 1.Қабул қилинган Қонун ҳужжатларига нисбатан гурухлаш.
- 2.Ваколатли органларнинг ўзгариш фаолиятига нисбатан гурухлаш.

<b>1.Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида 1992 йил 2 июль, 623-ХII-сон</b>
<b>2.Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида 1996 йил 27 декабрь, 355-I-сон</b>
<b>3.Табиий монополиялар тўғрисида(янги таҳрир). 1999 йил 19 август, 815-I-сон</b>
<b>4.Рақобат тўғрисида(янги таҳрир). 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон</b>
<b>5.Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 07.02.2017, Пф-4947-сон</b>

2.Ваколатли органларнинг ўзгариш фаолиятига нисбатан гурухлаш.

<b>1.Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг монополияга қарши ва нарх сиёсатини олиб бориш бош бошқармаси</b>	Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига монополияга қарши сиёsat олиб бориш бўйича вазифаларни юклаш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори. 1993 йил 6 февраль, 63-сон
<b>2.Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. 1996 йил 15 май, ПФ-1464-сон

<b>3.Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг <a href="#">фармони</a> 2000 йил 2 август, ПФ-2676-сон
<b>4.Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. 30.04.2005, ПФ-3602-сон
<b>5.Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси</b>	Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг <a href="#">фармони</a> . 2010 йил 26 февраль, ПФ-4191-сон
<b>6.Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. 13.11.2012, ПФ-4483-сон.
<b>7.Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга ва рақобатни</b>	Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни	Ўзбекистон Республикаси президентининг <a href="#">фармони</a> 2017 йил

кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида	18 апрель, ПФ- 5016-сон
<b>8.Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси</b>	Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг <a href="#">фармони</a> 2019 йил 14 январь, ПФ- 5630-сон
<b>9.Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси президентининг қарори. 24.01.2019, ПҚ-4126-сон
<b>10.Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси</b>	Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори. 402-сон 15.05.2019

## **5.5. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали монополияни тартибга солиш воситалари**

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мазмуни: – кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш; кўчмас мулкни таснифлаш, баҳолаш ва риэлторликни таъминлаш; хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорларни кафолатлаш; давлат мулкидан самарали фойдаланиш; давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш; хусусий мулк улуши ва аҳамиятини ошириш; тадбиркорлик субъектларини

ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш; ўзаро манфаатли корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш каби муносабатлар тизимидан иборат.

Конституциямизнинг III бўлим.(Жамият ва шахс), XII боб(Жамиятнинг Иқтисодий негизи) 53-моддасида: Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳақиқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Иккита муҳим қонун мавжуд. Булар:

- 1.[Ўзбекистон республикасида мулкчилик тўғрисида](#). (№ 152-XII 31.10.1990);
- 2.[Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида](#). (№ 425-XII 19.11.1991).

Қонунда қуйидаги таърифлар ҳам келтирилган.

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришdir.

Хусусийлаштириш — жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки обьектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида(№ ПФ-3202, 24.01.2003).

ПФ-3202-сон Фармонни бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини янада жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси(2003 йил 19 апрель, 189-сон)

“Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қиласди. Қарорда:

Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги Низом;

Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисидаги Низом тасдиқланган. 2019 йилгача ўзгаришлар асосида мазкур тасдиқ бўйича тўхтамга келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сон карорига мувофиқ, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини тақомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиботлари самарадорлигини ошириш, шунингдек давлат мулки объектлари билан битишувларни амалга оширишда оммавийлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон карорига қўра давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги қўйидаги низомлар тасдиқланган:

- 1.** Давлат корхоналари ва муассасаларини хўжалик жамиятларига ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низом;
- 2.** Давлат акцияларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- 3.** Масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- 4.** Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- 5.** Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан «нул» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- 6.** Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорлари бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низом;

**7.** Давлат мулки объектларини танлов савдоларида ва тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам микдорини ва турларини белгилаш, шунингдек давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Энди мудкий муносабатларнинг негизига тўхталиш керак бўлади.

Неъматларнинг нафлиилиги билан бир қаторда ноёблиги, уларнинг муайян шароитдаги қадриятини белгилайди.

Яъни, нафлиик ва ноёблик иқтисодий неъмат шаклланишига асос бўлади. Ўз навбатида иқтисодий неъмат иқтисодий фаолият предмети ҳисобланади.

Мулк ҳам иқтисодий неъмат сифатида ўрганилади.

Мулк — бу турли-туман иқтисодий неъмат(объект)ларнинг субъектга мансублигини билдиради

Мулк муносабатларининг мавжуд бўлишига сабаб ана шу неъматларнинг, умуман олганда, ресурсларнинг ноёблиги - чекланганлигидир.

Янада тўлароқ таърифлайдиган бўлсак, неъматнинг нафлиилиги, ноёблиги ва муайян субъектга мансублигидан иборат учта жиҳатни ҳисобга оладиган яхлитлик мулк тушунчасини ифодалайди.

Демак неъматлар мулкка айланиши учун муайян субъект томонидан ўзлаштирилиши талаб этилади.

Мулкий муносабатлар - субъектнинг объективга, мулкчилик муносабатлари субъектлар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Мулк тушунчасини ўрганишдан олдин иқтисодий эҳтиёж ва неъматга таъриф бериш керак.

Эҳтиёж-шахс(корхона, давлат)нинг фаолият қўрсатиши, ривожланиши ва камол топишини таъминлаш учун зарур бўлган нарса, ходиса, харакат , фаолият, жараён ва муносабатлар тизимиdir. У бирламчи ва иккиламчи, реал ва нореал эҳтиёжларга туркумланади.

Иқтисодий эҳтиёж - шахс(корхона, давлат)нинг фаолият кўрсатиши, ва ривожланиши учун зарур бўлган ва наф келтирадиган нарса, ходиса, ҳаракат , фаолият, жараён ва иқтисодий муносабатлар тизимиdir. Иқтисодий эҳтиёж-иқтисодий фаолиятга ундейдиган ички куч ҳисобланади.

Эҳтиёжни қондириш воситасига неъмат дейилади. неъматларнинг ноёблиги нуқтаи назаридан чекланган ва чекланмаган ҳисобланади.

Шу ўринда Том Бетелнинг “Мулк ва фаровонлик”( [Tom Bethell The Noblest Triumph: Property and Prosperity Through the Ages. Jun 1998. ISBN-13: 978-0312223373](#)) асари миллий мулкий ислоҳотларни ўрганишда муҳим таянч бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Чунки мазкур китобда Қадимги Рим давридан ҳозиги кунгача инсоният бошидан ўтган мулкий ислоҳотлар эволюцияси тавсифланади. Масалан, мазкур китобдан қўйидаги фикрни келтириш мумкин: Хусусийлаштирилган мулк ва унинг устуворлик тамойили ҳукмрон бўлса, қачон ҳар бир киши, шу жумладан, ҳокимларнинг ўзлари қонунларга бир хил бўйсунганда иқтисодиёт ва маданият гуллаб-яшнайди. Мол-мулк бўйича барча мумкин бўлган конфигурациялардан фақат хусусий мулккина керакли самара бериши мумкин. Яна бир диққатга сазовор жиҳат Собиқ иттфоқ давридаги мулкий эксперимент ва унинг оқибатлари далиллар билан баён этилади.

## **5-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**5.1** Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг мақсад ва вазифалари таркибини изоҳланг.

**5.2** Монополияга қарши бошқарувни амалга оширишда давлатнинг асосий устувор йўналишларини шарҳланг.

**5.3** Монополияга қарши бошқарув тамойилларидағи хусусиятлар нимадан иборат.

**5.4** Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш босқичларини ёритиб беринг.

**5.5** Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали монополияни тартибга солиш воситаларини ифодаланг

## **2- ҚИСМ**

### **6-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ**

- 6.1 Монополияга қарши бошқарув тизими ва унинг хусусиятлари.**
- 6.2 Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситалар.**
- 6.3 Монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантириша давлатнинг роли.**
- 6.4 Монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат муҳитини давлат томонидан қўллаб қувватланиши.**
- 6.5 Монополияга қарши самарали бошқарувнинг асосий белгилари.**
- 6.6 Давлат томонидан монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш йўллари.**

#### **6.1. Монополияга қарши бошқарув тизими ва унинг хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **2019 йил 15 майдаги 402-сон** қарорга кўра Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимига:

- 1.Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати;
- 2.Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари;

3. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги киради.

Куйидагилар Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Монополияга қарши курашиш қўмитасига юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чоралари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солишни ташкил қилиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда teng шарт-шароитларни таъминлаш;

қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат мухитини ривожлантириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат мухитини ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қиласади, мувофиқлаштиради ва назорат қиласади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлайди;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ваколатига кирувчи тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласади;

рақобатни ривожлантириш ва монопол фаолиятни чеклаш бўйича давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи якка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганади ва жорий этади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши курашиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қиласди;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва эълон қиласди;

хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг харакатларидан (харакатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қиласди;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қиласди;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқенини аниқлайди, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларининг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида хуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларида монополияга қарши комплаенсни жорий этади;

устун мавқенини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) ҳаражатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юридик шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ хуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқенини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

товар ёки молия бозорида устун мавқенини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларининг бирлашуви ва қўшиб олиниши

бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиш борасида давлат қўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

товар-хомашё биржаларини лицензиялайди ҳамда улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиласди;

товар-хомашё биржаларининг лицензиялари реестрини юритади;

махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда товар-хомашё биржалари аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлади, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда мониторинг олиб боради ва ушбу қоидаларга товар-хомашё биржалари томонидан риоя этилишини назорат қиласди;

ўз ваколатлари доирасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

юқори ликвидли монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларида қўйиши тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қиласди;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларида қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизmlарини такомиллаштиради;

табиий монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилиниши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва мажбурий тарзда хизмат қўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гурухи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларининг асосиз ўсишини аниқлайди ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қиласди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-ҳукуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларни уларнинг рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказади;

норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир қўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Марказий аппарати қонунчиликка ва қўмита раҳбариятининг топширикларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Қўйидагилар Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириткириш, инсофсиз рақобатини аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва улар амалга оширилишини назорат қилиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солишни ташкил қилиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишларига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармалари ўзларига юқлатилган асосий вазифаларга мувофиқ функцияларни амалга оширадилар

## **6.2. Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситалар**

Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситаларни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.12.2017 йилдаги 1012-сон қарорига эътибор қаратиш лозим<sup>16</sup>.

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштириш, рақобат ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш марказини ташкил қилиш тўғрисида № 1012, 22.12.2017

Қарор матнида Ўзбекистон республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги хусусийлаштириш, рақобат ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш марказини ташкил қилиш шартлари келтирилган. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қароридаги мақсадлардан бири мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бугунги босқичида монополияга қарши сиёsatни амалга ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги таъкидланган. Чунки мазкур қарорда Марказнинг қатор асосий вазифалари қаторида: монополиядан чиқариш ва иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш жараёнларини чукур таҳлил қилиш асосида монополияга қарши тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорда Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситалардан яна бири сифатида қўмита хузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси(кейинги ўринларда — Жамғарма)нинг ташкил этилишидир. Қарорда Жамғарма ва унинг манбалари қўйидагилар этиб белгиланди: рақобат ва табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромадларнинг суммаси; рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва қўмита тақдимномаларини бажарилмаганлик учун қўмита томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағлари; хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек шахс ва шахслар груҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун йифимлар; Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар; халқаро институтлар

ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари маблағлари ва ҳомийлик хайриялари; қонун ҳужжатларида билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларининг сарфланиши: қўмитанинг жорий харажатларини молиялаштиришга; ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек улар томонидан тураг жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга; қўмита раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга; жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чоратадбирларини амалга оширишга белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда: Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; қонун ҳужжатларига рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, ахборот бермаслик ёки била туриб нотўғри ахборот бериш, қўмита тақдимномаларини бажармаслик, шунингдек унинг ходимлари фаолиятига аралашганлик ҳамда уларга юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун юридик шахсларга жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳакида таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Махкамасига киритиш; истеъмолчилар хуқуqlарини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат органи сифатида қўмита ҳузурида Истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш агентлигини ташкил этиш ҳамда тегишли давлат органлари ва муассасаларининг штат бирликларини ҳамда истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларини унга ўтказиш бўйича таклифлар киритиш белгиланди.

Шунингдек, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Товар ва молия бозорларидағи рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун "Йўл харитаси" (ИД-2726) лойихаси доирасида ўз ифодасини тўлиқроқ топади.

Яъни, элемент ва воситалар "Йўл харитаси"нинг тўққизта қисмига тақсимланган. Ўз навбатида "Йўл харитаси"нинг тўққизта қисми 39та бандда ифодаланган.

"Йўл харитаси"нинг тўққизта қисми қўйидагилардан иборат:

I.«Ақлли» монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини яратиш (smart antitrust) ва рақобатни ҳимоя қилишнинг профилактик тизимига ўтиш
II.Регуляторлик юкини қисқартириш ва товарлар, молия ва рақамли бозорларга киришни соддалаштириш
III. Давлатда давлат иштироки даражасини қисқартириш ва давлат ёрдамини тақдим этишни тартибга солиш
IV.Нархларни оқилона тартибга солиш (тарифлар)
V Табиий монополиялар ўтиш учун тўсиқларни олиб ташлаш рақобат бозорининг табиий монополия ҳолати
VI. "Картел" шартномалари қарши кураш усулларини кучайтириш
VII Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш ва яхши бизнес юритишни рағбатлантириш
VIII. Давлат харидлари иштирокчиларининг шаффоғлиги ва тенг шароитларини таъминлаш, ҳом ашё ва материалларга биржা савдолари орқали кириш имконияти.
IX. Монополияга қарши курашиш органининг очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобатбардош маданиятни шакллантириш ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай намоён бўлишига қарши муросасизлик

### **6.3 Монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли**

Монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли 2019-2023 йилларга мўлжалланган Товар ва молия бозорларидаги рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун "Йўл харитаси" ( ИД-2726) лойихаси доирасида ўз ифодасини тўлиқроқ топади. Яъни, мазкур тизимни ривожлантиришдаги давлатнинг роли "Йўл харитаси"нинг тўққизта қисмидаги

39та бандда ифодаланган. "Йўл харитаси"нинг 39та банди қуидагилардан иборат:

### I QISM

1. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитининг ҳолатини ташхислаш.
2. Товар ва молия бозорларида монополистик ҳолатни аниқлаш учун ёндашувларни ўзгартириш.
3. Рақобатни олдини олишнинг превентив механизмини жорий қилиш
4. Бозор концентрациясига монополияга қарши назоратни такомиллаштириш
5. Бозор иштирокчиларининг рақобатбардош хатти-ҳаракатларини шакллантириш
6. Рақобат ҳуқуқини қўллашда ҳакамларнинг малакасини ошириш
7. Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасида тренинг ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш.

### II QISM

8. Норматив хужжатларнинг рақобатга салбий таъсирини камайтириш.
9. Маҳсулот ва молия бозорларига киришни осонлаштириш
10. Рақамли бозорларга киришни соддалаштириш ва уларнинг монополияга қарши курашни тартибга солиш учун самарали воситаларини яратиш
11. Давлатни тартибга солишнинг янги самарали алтернатив механизмларини жорий этиш.

### III QISM

12. Саноат бошқарувидан «бозор бошқаруви» га ўтиш
13. жорий про-танлов давлат корхоналарини яратиш учун механизми
14. Давлат ташкилотлари назоратидаги давлат унитар корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг сонини қисқартириш.
15. Инвестицияларни жалб қилиш орқали давлат ва йирик корхоналарнинг улушкини қисқартириш.

16. Иқтисодий вазифаларни давлат органлари томонидан амалга оширилаётган айрим соҳаларда рақобат муҳитини ривожлантириш ва хусусий секторни жалб қилиш

Давлат ёрдамининг самарадорлигини ошириш

17. Фойда ва имтиёзларнинг тақдим этилишидан рақобат учун бозордаги бозорлар ва салбий оқибатларни аниқлаш учун таҳлил ўтказиш.

18. Импорт ва экспорт божларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлиги ва бозорларда рақобатга таъсири таҳлили.

#### IV QISM

19. Рақобатбардош маҳсулот ва молия бозорларидағи бозор нархларини баҳолаш механизмларига (тарифларига) тўлиқ ўтиш Тафтиш

20. Табиий монополиялар субъектларининг нарх-наво усуслари ва усусларини қайта кўриб чиқиш.

21. Курилиш саноати учун савдолашиб нархларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш.

#### V QISM

22. Табиий монополияларни белгилаш ва уларнинг ҳудудларини кескин қисқартириш мезонларини қайта кўриб чиқиш

23. Табиий монополия субъектлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш ва уларнинг инфратузилмасига камситилмасдан кириш имкониятини таъминлаш

24. Электр энергетикасида рақобатни ривожлантириш

25. Газ таъминот бозорида рақобатни ривожлантириш

26. Темир йўл транспорти соҳасида рақобатни ривожлантириш

27. Ҳаво транспорти соҳасида рақобатни ривожлантириш

#### VI QISM

28. "Картел" шартномалари билан ишлаш усусларининг самарадорлигини ошириш

29. "Картел" битимларини аниқлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликдаги тадбирларни мувофиқлаштириш кучайтириш

30. "Картел" битимлари ва келишмовчиликларни "аниқлаш" учун аналитик воситаларни такомиллаштириш

31. Жамиятда ўзаро келишмовчиликлар ва "картел шартномалари" га нисбатан чидамсиз муносабатда бўлиш,

## VII QISM

32. Интеллектуал мулк соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш.

33. Ноҳақ рақобатни бартараф этиш ва аниқлаш механизmlарини такомиллаштириш.

## VIII QISM

34. Давлат харидлари соҳасида монополияга қарши курашни тартибга солишини такомиллаштириш.

35. Биржа савдоси механизмини такомиллаштириш ва биржа савдосига доир маҳсулотлар турини кенгайтириш.

36. Улгуржи ва чакана савдо жараёнида рақобатни таъминлаш

## IX QISM

37. Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасида тренинг ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш.

38. Соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун уларни жалб қилиш мақсадида жамоат ташкилотлари, экспертлар ва бизнес жамоалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

39. Жамиятда рақобат маданиятини шакллантириш ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг намоён бўлишига нисбатан муросасизлик.

## **6.4. Монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат муҳитини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши**



Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат муҳитини давлат томонидан қўллаб қувватланишини

баҳолашда турлича ёндошувлардан фойдаланиш мумкин. Айниқса, халқаро ёндошув муҳим ўрин тутади. Халқаро ёндошувлардан бири Глобал рақобатбардошлиқ(Global competitiveness Index) рейтинги Ҳисоботи ҳисобланади.

Ҳисобот Жаҳон иқтисодий форум (WEF)ининг веб-сайтида ҳар йили октябрь ойида эълон қилинади. 2018 йилда 140 миллат рақобатбардошлигини ўлчаган рейтингда Ўзбекистон яна тақдим этилмаган эди.

Ўрта Осиё минтақасидан рейтингга Ўзбекистондан ташқари Туркманистон ҳам кирилмаган. Қозоғистон глобал рақобатбардошлиқ рейтингида (Global competitiveness Index) 59-ўрин билан 2017 йилги позициясини сақлаб қолган. Қирғизистон 97, Тожикистон 102-ўринни эгаллаган. Яъни, Марказий Осиё мамлакатларидан: Қирғизистон 2017 йилга нисбатан уч позицияга кўтарилиб, 97-ўринни эгаллади. Тожикистон 102-поғонадан жой олди (2017 йилга нисбатан 5 позиция).

Рейтингда биринчи ўринни 2008 йилдан бери илк бор АҚШ эгаллади. Ундан кейинги ўринларга Сингапур ва Германия сазовор бўлди. Кучли ўнликка, шунингдек, Швейцария, Нидерландия, Япония, Гонконг, Дания, Швеция ва Буюк Британия кирди. Индексга кирган 140 давлат ичida охирги ўринни Чад эгаллади. Африканинг Малави, Бурунди, Сьерра-Леоне, Мавритания, Чад сингари давлатлари ва Яман энг охирги ўринларда жойлашган.

Глобал рақобатбардошлиқ рейтинги 12 кўрсаткич асосида ҳисобланади. Булар макроиктисодий барқарорлик, истеъмол ва меҳнат бозори, молия тизими, ички бозор ҳажми, институтлар сифати ва инфраструктура аҳволи, ИТ ва замонавий коммуникациянинг кирганлик даражаси, халқ соғлиғи ва таълими даражаси, бизнес динамикаси ва инновацияга мойиллик қабилардир.

Республикамизда монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат муҳитини давлат томонидан қўллаб қувватланиши борасида амалга оширилаётган ишларни юқоридаги рейтинг талабларига мослаштириш давр талаби ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам “[2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида](#)”ги № ПФ-5635 (17.01.2019) хужжатда ҳам мазкур масала бўйича алоҳида топшириклар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати тасдиқланган. Умуман олганда № ПФ-5635да 16та халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш масъулияти идоаралар бўйича тақсимланган.

Рўйхатдаги Глобал рақобатбардошлиқ индексига умумий жавобгарлик молия вазири зиммасига юклатилган.

T/p	Тоифалар номланиши	Таркибий индикаторлар номланиши	Масъул вазирлик ва идоралар
2.	<b>Глобал рақобатбардошлиқ индекси</b>		<b>Молия вазирлиги</b>
2.1	Институтлар сифати	<p>Давлат институтлари</p> <p>Хусусий институтлар</p>	<p>Адлия вазирлиги</p> <p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,</p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси</p>
2.2	Инфратузилма	<p>Транспорт инфратузилмаси</p> <p>Электр ва телефон</p>	<p>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ,</p> <p>«Ўзбекистон ҳаво йўллари»</p> <p>МА, «Ўзавтотранс» агентлиги,</p> <p>Автомобиль йўллари давлат қўмитаси</p> <p>«Ўзбекэнерго» АЖ,</p>

		инфратузилмаси	Ахборот технологиялари вазирлиги
2.3	Макроиктисодий муҳит	Давлат бюджети баланси	Молия вазирлиги , Марказий банк,
		Ялпи миллий омонатлар	Иқтисодиёт ва саноат
		Инфляция	вазирлиги,
		Давлат қарзи	Инвестициялар
		Мамлакат кредит рейтинги	бўйича давлат қўмитаси
2.4	Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим	Соғлиқни сақлаш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		Бошланғич таълим	Халқ таълими вазирлиги , Мактабгача таълим вазирлиги
2.5	Олий таълим ва ўқитиши	Таълим даражаси	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ,
		Таълим сифати	Халқ таълими вазирлиги
		Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш	
2.6	Товар бозори самарадорлиги	Ички рақобат	Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги , ДСҚ ,
		Ташқи рақобат	Ташқи савдо вазирлиги , Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ,

			ДБҚ
		Талаб шартлари сифати	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
2.7	Мехнат бозорининг самарадорлиги	Мослашувчанлик	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ДСҚ
		Истебдоддан самарали фойдаланиш	
2.8	Молия бозорини ривожлантириш	Самарадорлик	Молия вазирлиги , Марказий банк
		Тўғрилик ва ишонччилик	
2.9	Технологик тайёргарлик	Технологик мослашиш	Ахборот технологиялари вазирлиги , Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги , Инновацион ривожланиш вазирлиги , Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
		АКТдан фойдаланиш	
2.10	Бозор ҳажми	Ички бозор кўлами	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
		Ташқи бозор кўлами	Ташқи савдо вазирлиги
2.11	Бизнеснинг ривожланганлик даражаси	Махаллий етказиб берувчилар сони	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги , Молия вазирлиги , ССП
		Махаллий етказиб берувчилар сифати	
		Кластер ривожланиш ҳолати	

		Рақобатбардош устунлик хусусияти	
		Қийматлар занжири көнглиги	
		Халқаро тақсимотлар назорати	
		Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш	
		Маркетинг ҳажми	
		Ваколатларни ўтказишига тайёргарлик	
		Профессионал бошқарувга таяниш	
2.12	Инновациялар	Инновациялар имкониятлар учун	Инновацион ривож. вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Интел. мулк агентлиги, Молия вазирлиги, ЛБМА

## 6.5. Монополияга қарши самарали бошқарувнинг асосий белгилари

Монополияга қарши самарали бошқарувни асосий белгилари учун: мулк, товар(хизмат), бозор, муомала шароитлари туркумланишини ташкил этиш, назоратини йўлга қўйиш кабилар муҳим аҳамиятлидир. Бунда қўйидаги камида 25 та туркумни ҳисобга олиш керак бўлади:

1. Рақобатлашган ва рақобатлашмаган(монопол ва монопсон, монопсон ва монопол рақобат, олигопол ва олигопсон) савдо;
2. Ресурс(хом ашё, материаллар ва ишлаб чиқариш воситалари) ва тайёр(озик-овқат ва ноозик-овқат моллар) маҳсулотлар савдоси;

- 3.Товар ва молиявий муносабатлар савдоси;
- 4.Рақамли(электрон) ва рақамли бўлмаган савдо;
- 5.Кўчар ва қўчмас мулк савдоси;
- 6.Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар савдоси;
- 7.Давлат, нодавлат ва хусусий мулк савдоси;
- 8.Жисмоний ва юридик шахс савдоси;
- 9.Имтиёз(божхона, солиқ ва бошқа)ли ва имтиёзсиз субъектлар савдоси;
- 10.Жисмоний ва ақлий(интеллектуал) меҳнат савдоси;
- 11.Нақд ва пул ўтказиш савдоси;
- 12.Ижтимоий аҳамиятли, стратегик ва табиий монополия товарлар савдоси;
- 13.Ички ва ташқи савдо;
- 14.Икки ва кўп томонлама савдо;
- 15.Миллий ва ҳорижий товарлар савдоси;
- 16.Улгуржи(умуммиллий ва маҳаллий) ва чакана(умуммиллий ва маҳаллий) товарлар савдоси;
- 17.Улгуржи(тармоқ ва худудий) ва чакана(тармоқ ва худудий) савдо ;
- 18.Тармоқ(улгуржи ва чакана) ва худудий(улгуржи ва чакана) товарлар савдоси;
- 19.Сотувчи((тармоқ ва худудий)) ва ҳаридор(тармоқ ва худудий) савдо;
- 20.Сотувчи(улгуржи ва чакана) ва ҳаридор(улгуржи ва чакана) савдо;
- 21.Воситали ва воситасиз савдо;
- 22.Олдиндан тўловли, нақд ва насия савдо;
- 23.Имтиёз(божхона, солиқ ва бошқа)ли ва имтиёзсиз товарлар савдоси;
- 24.Нархи қатъий ва қатъий бўлмаган товарлар;
- 25.Бирламчи ва иккиламчи товарлар савдоси;
- 26.Эркин ва протекционистик савдо ;
- 27.Юқори ликвидли ва монополистик товарлар савдоси.

## **6.6. Давлат томонидан монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш йўллари**

Давлат томонидан монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш йўллари 2019-2023 йилларга мўлжалланган Товар ва молия бозорларидағи рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун "Йўл харитаси" ( ИД-2726) лойихасига киритилган кутилаётган самара доирасида ўз ифодасини тўлиқроқ топади.

Самарали сиёсатни амалга ошириш йўлларини "Йўл харитаси"даги 9та қисмга мос равишда киритилган кутилаётган самара билан боғлаб изоҳлаш мумкин. Улар қўйидагилардан иборат:

I.«Ақлли» монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини яратиш (оқилона антитrust) ва рақобатни ҳимоя қилишнинг профилактик тизимиға ўтиш

Рақобатни ривожлантиришга ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш.
Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ортиқча давлат аралашувини бартараф этиш ва уларга маъмурий юкни камайтириш.
Рақобат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, шунингдек уларнинг сонини камайтириш. 2020-2023 йиллар
Бозор иштирокчиларидан аризаларни қўриб чиқиши тезлигини ошириш, қўшилиш ва сотиб олишда рақобатга таъсирни таҳлил қилиш сифатини ошириш.
Бозор қатнашчиларининг рақобатга қарши ҳаракатларини камайтириш.
Суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг сифатини ошириш, рақобатнинг принципларига, бозор иштирокчилари ва давлат манфаатларига риоя қилиш
Монополияга қарши курашиш органиларнинг мутахассисларини малакасини ошириш ва малакали кадрлар билан таъминлаш.

## II. Регуляторлик юкини қисқартириш ва товарлар, молия ва рақамли бозорларга киришни соддалаштириш

Рақобатга салбий таъсир этувчи норматив ҳужжатлар сонини камайтириш.

Мижозлар эҳтиёжини қондириш.

Рақамли бозорларда рақобатни қучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизматларнинг сифатини яхшилаш, рақамли бозорларда иштирокчилар сонини кўпайтириш ва электрон тижоратни қўллаш орқали мижозлар эҳтиёжини қондириш.

Иқтисодиётда давлат иштирокини кескин камайтириш.

## III. Давлатда давлат иштироки даражасини қисқартириш ва давлат ёрдамини тақдим этишни тартибга солиш

Хусусий сектор вакиллари вакиллари сонининг ўсиши, охирги фойдаланувчиларга нархлар пастлиги, хизматлар сифатини яхшилаш.

Бозорларда рақобатнинг ҳолатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш, истеъмолчилар учун товарлар ва хизматларнинг сифатини ошириш.

Давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш, бозордаги рақобат ҳолатини яхшилаш.

Давлат корхоналари фаолияти тўғрисида хабардорликни ошириш. Инвестицион жозибадорликни ошириш.

Хусусий сектор вакилларининг сонини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш

Давлат бюджети, корхоналар ва истеъмолчиларнинг аниқ йўқотишларини миқдорий баҳолаш.

Махсулот ва молиявий бозорлардаги рақобатни таъминлаш, тўсиқларни олиб ташлаш

## IV. Нархларни оқилона тартибга солиш (тарифлар)

Иқтисодий феъл-автор, истеъмолчиларнинг манфаатлари, харажатларни пасайтиришни рағбатлантирадиган ва бизнес субъектларига қайтариладиган маблағларнинг самарали даражасига асосланган адолатли бозор нархларини яратиш.

Бозорнинг нотўғри баҳосини яратиш билан боғлиқ бозордаги бузилишларни бартараф этиш.

Сунъий равишда оширилаётган қурилиш харажатларидан қочиш

V Табиий монополиялар ўтиш учун тўсиқларни олиб ташлаш рақобат бозорининг табиий монополия ҳолати

Хусусий секторнинг табиий монополияларга, шу жумладан, тегишли бозорларга киришини таъминлаш.

Табиий монополиялар хизматлари сифатини ошириш, табиий монополия субъектлари билан муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш

Табиий монополиялар хизматларининг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш Биржা савдолари асосида электр энергияси учун улгуржи нархларни шакллантириш.

Хизматларнинг сифатини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш

Хизматларнинг сифатини ошириш, нархларни пасайтириш, инфратузилмани модернизация қилиш

Хизматларнинг сифатини ошириш, нархларни пасайтириш, инфратузилмани модернизация қилиш

VI. "Картел" шартномаларига қарши кураш усулларини кучайтириш

Бозор ташкилотларининг жавобгарлигини ошириш ва рақобат қонунчилигининг бузилишини камайтириш.

Бозор субъектларининг масъулиятини ошириш, истеъмолчилар ва жамиятнинг шов-шув ва зарарини камайтириш

"Картеллар" ни тезкор идентификациялаш самарадорлигини ошириш

Жамоатчиликнинг хавотирланиш ва картел битимлари тўғрисида хабардорлигини ошириш

VII. Интеллектуал мулк хуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш ва яхши бизнес юритишни рағбатлантириш

овар белгилари ва саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

Ноҳақ рақобатга оид далилларни кўриб чиқиш сифатини ошириш,adolatsiz рақобатга оид далилларни камайтириш.

VIII. Давлат харидлари иштирокчиларининг шаффоғлиги ва тенг шароитларини таъминлаш биржা савдолари орқали хом ашё ва материалларга кириш имкониятини беради

Қатнашчилар кичик бизнес субъектлари бўлган ва давлат рақобатбардош давлат харидлари тартибини таъминлайдиган давлат харидлари улушини ошириш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини қондириш даражасини ошириш.

Кичик бизнес учун чакана тармоқлардан камситилмасдан фойдаланиш

IX. Монополияга қарши курашиш органининг очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобатбардош маданиятни шакллантириш ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай намоён бўлишига қарши чидамлилик.

Монополияга қарши қўмитанинг ходимларининг саводхонлигини ошириш.

Таклифларни ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик муҳокамасининг сифати.

Raқobatni rivожлантириш, monopoliyaiga қарши kурашни tarтиbga solishni takomillashтириш борасида жамиятда birлаштирилган pozitsiyani shakllanтириш.

## **6-бобни ТАКРОРЛАШ БҮЙИЧА САВОЛЛАР**

- 6.1** Монополияга қарши бошқарув тизими ва унинг хусусиятлари таркибини изоҳланг.
- 6.2** Монополига қарши бошқарув тизимини ташкил этувчи элемент ва воситаларни шарҳланг.
- 6.3** Монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли. хусусиятлари нимадан иборат.
- 6.4** Монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат мухитини давлат томонидан қўллаб қувватланишини ёритиб беринг.
- 6.5** Монополияга қарши самарали бошқарувнинг асосий белгиларини ифодаланг
- 6.6** Давлат томонидан монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш йўллари. нималардан иборат

## **7-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИ**

- 7.1 Монополияга қарши бошқарув функциялари борасидаги ваколатлар.**
- 7.2 Монополияга қарши бошқарув стратегияси ва уни ишлаб чиқиши зарурияти.**
- 7.3 Монополияга қарши бошқарувни стратегик режалаштириш.**
- 7.4 Бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши жараёни.**
- 7.5 Монополияга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши босқичлари.**
- 7.6 Монополияга қарши бошқарув тактикаси.**

### **7.1. Монополияга қарши бошқарув функциялари борасидаги ваколатлар**

Монополияга қарши бошқарув функциялари борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон [қарорида](#) Монополияга қарши курашиб қўмитаси(Қўмита)нинг раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига [қўйидаги](#) ваколатлар [баён этилган](#).

Қўмитанинг раисига: зарур ҳолларда, марказий аппаратнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш; ҳудудий бошқармалар тузилмасини тасдиқлаш; бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ҳудудий бошқармалар бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш; бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш; малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш; ходимлар учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича мансаб маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш; халқаро амалиётдан ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, юкланганди вазифаларни амалга ошириш

учун контракт асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек: қўмитанинг монополияга қарши курашишни тартиба солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши; ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равища амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида масалалар бўйича — бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва ҳисобдор бўлиши белгилаб қўйилди. Фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Кўмита билан келишилиши шарт ҳисобланади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда Кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши ҳисобланади.

Кўмитанинг раиси, унинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равища вазир, вазирнинг биринчи ўринbosари ва вазир ўринbosарига тенглаштирилади. Кўмита ходимларига нисбатан назарда тутилган тиббий хизмат кўрсатиш тартиби сақланиб қолади.

Кўмита ва унинг худудий органлари томонидан илгари берилган ҳужжатлар ва улар қабул қилган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади.

Қўмитанинг хуқуқлари жумласига: рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш масалалари юзасидан амалга ошириладиган тадбирларга иқтисодий, молия, солик органлари ва бошқа органлар ходимларини жалб қилиш; монополияга қарши сиёsat ва рақобатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларига киритиш берилди. 2019 йил 1 июлдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек шахс ва шахслар гурӯҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари микдорида йиғим ундириш тартиб ўрнатилди.

Қўмита ва унинг худудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинди.

## **7.2. Монополияга қарши бошқарув стратегияси ва уни ишлаб чиқиш зарурияти**

Монополияга қарши бошқарув стратегияси ва уни ишлаб чиқиш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 24 январидаги ПҚ-4126-сонли “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида таъкидланган. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Яъни, бозорларда рақобат даражасини белгилаш, соғлом рақобатни ривожлантиришга халақит бераётган муаммоларни аниқлаш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга. Бунда: республикамиз иқтисодиёти учун мазкур

стратегиясини ишлаб чиқища монополияга қарши комплаенсни жорий этилиши, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш асосида рақобатни ривожлантириш ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган қўмакнинг самарадорлигига эътибор бўйича вазифаларни белгилаш талаб этилади.

Шу ўринда республикамиз амалиёти учун янги бўлган тушунча Монополияга қарши комплаенс нима эканига тўхталиш лозим<sup>17</sup>. Монополияга қарши комплаенс – давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг монополияга қарши қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминловчи ва уни ташкил қилиш тизимиға қаратилган ягона ёндашувдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши қонунчилик бузилиши билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни тахлил қилиш ва корхона фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилган.

Бундай механизмдан кутилган мақсад монополияга қарши қонунчилик бузилиши билан боғлиқ хатарларни аниқлаш, уни бошқариш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг монополияга қарши қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назоратни ўрнатиш ва фаолият самарадорлигини баҳолашдан иборатdir.

Шундан келиб чиқиб, монополияга қарши қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс фаолиятини ташкил этиш бўйича ваколатли тузилма тузилади.

Ушбу тузилма ёрдамида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари бу соҳадаги ҳужжатларни амалиётга жорий этади, унга ўзgartiriшлар киритади

---

<sup>17</sup> <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/63837-monopoliyaga-qarshi-komplans-nima>. Собир Сайдов, 26.03.2019

ва фаолиятни тартибга солувчи ички ҳужжатларни қабул қиласи. Ходимлар томонидан монополияга қарши комплаенс түғрисидаги ҳужжатларга риоя қилмаганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш, ҳисботлар, материаллар ва монополияга қарши комплаенс фаолияти самарадорлигини даврий баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чораларни қўради ҳамда бу йўналишдаги назоратни олиб боради.

Монополияга қарши комплаенс ишларига жавобгар ваколатли тузилма томонидан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда комплаенсни тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатлар тайёрланади. Шунингдек, монополияга қарши қонунчиликни бузиш билан боғлиқ хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари ва таркибий тузилмалар фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, тузилма зиммасига монополияга қарши қонунчилик ва комплаенсга риоя қилиниши билан боғлиқ масалаларда маслаҳат бериш ҳамда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, комплаенс фаолияти билан боғлиқ ички текширувлар тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва раҳбарни монополияга қарши қонунчилик бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида хабардор қилиш, амалга оширилган ишлар юзасидан монополияга қарши органга маълумот тайёрлаш функциялари юклатилади.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни жорий этишнинг афзалликлари шундан иборатки, уларда монополияга қарши қонунчилик бузилиши билан боғлиқ хавф-хатарлар мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади. Шу орқали давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, “картель” битимлари ва тил бириктириши, рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилиши каби ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйилмайди. Умуман олганда, комплаенс субъект фаолияти самарадорлигини оширади

ҳамда ходимларнинг қонунчилик талабларга риоя қилиш маданиятини юксалтиради. (Собир Сайдов, монополияга қарши курашиш қўмитасининг монополияга қарши комплаенсни жорий этиш бошқармаси мутахассиси).

Бу эса, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фаол инвестиция сиёсатини олиб борищ, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Натижада товар ва молия бозорларида соғлом рақобат муҳити таъминланишига имкон яратилади. Бу билан мамлакатда иқтисодий ўсиш, рақобатбардошликни ошириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш, инвестицияларни, авваламбор иқтисодиётнинг базавий ва таркибий асосини ташкил этувчи соҳаларга жалб қилишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилади.

Чунки, бир давлат органи доирасида давлат активларини бошқариш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини монополияга қарши тартибга солиш функцияларининг жамланиши тизимили муаммоларнинг тўпланишига олиб келди, шу жумладан:

биринчидан, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарнинг кундалик хўжалик фаолиятига давлат органлари аралашуvinинг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, давлат иштирокидаги корхоналарнинг солик ва божхона, шу жумладан якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги;

иккинчидан, стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, кўплаб ихтисосликка кирмайдиган активлар мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши сабабли давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлиги пастлиги;

учинчидан, давлат активларини ҳисобга олишнинг тартибли тизими йўқлиги, хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш самарадорлигининг

пастлиги, фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш ётган обьектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун институционал салоҳиятнинг сустлиги;

тўртинчидан, монополияга қарши қонун хужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида ва самарали текширувлар ўтказиш учун ваколатли органда ҳуқуқлар ва институционал потенциалнинг етарли эмаслиги;

бешинчидан, монополияга қарши курашишни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг халқаро стандартлар ва бугунги қун талабларига жавоб бермаслиги, қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тизимининг йўқлиги ҳамда товар ва молия бозорларини таҳлил қилиш усууларининг эскирганлиги;

олтинчидан, хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши қонун хужжатлари бузилишининг олдини олишга доир корпоратив стандартларни (монополияга қарши комплаенс) жорий этиш бўйича тизимли ишларнинг, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат ҳуқуқи ва сиёсати, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кадрларни тайёрлашнинг барқарор тизими йўқлиги;

еттинчидан, мамлакат капитал бозорининг ҳозирги ҳолати иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли ва тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имконият ва салоҳиятдан фойдаланишга имконизлиги, кўзланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва республикани жадаллик билан инновацион ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда.

### **7.3 Монополияга қарши бошқарувни стратегик режалаштириш**

Республикамида монополияга қарши бошқарувни стратегик режалаштиришнинг асосини: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида(№ ПФ-5185, 08.09.2017)ги, 2019 йил 14

январдаги ПФ-5630-сон [Фармонлари](#) ҳамда 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарори ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг [Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида](#)(№ ПФ-5185, 08.09.2017)ги [Фармонидаги](#) Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг бешинчи йўналиш стратегик режалаштиришга бағишиланган бўлиб, “V. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш” деб номланади. Йўналиш аввалида: Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш зарурлигига эътибор қаратилган. Яъни, бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чоратадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида:

давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишига инвестицияларни фаол жалб этиш;

замонавий илмий тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этишни таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони [ҳамда](#) 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарорида, товар ва молия бозорларда рақобатни ривожлантириш стратегиясини режалаштириш борасида қуйидагилар назарда тутилган:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда монополияга қарши тартибга солишининг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усусларини жорий этиш;

рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини олувчи воситаларни, шу жумладан монополияга қарши комплаенс механизми — биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ичida рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

рағбатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуслари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини, шу жумладан рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шаклларининг олдини олиш мақсадида яратиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳукуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳукуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳукуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Кўмита фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) жорий этиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Кўмита фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

Кўмитанинг кадрлар салоҳиятини тизимли равишда ошириш, олий ўкув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуки соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Кўмита фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдини олишдан иборат.

«Стратегик режалаштириш – мамлакат ва ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили»(25.10.2019) мавзусида Халқаро иқтисодчилар форуми(Вазирлар Маҳкамаси(25.02.2019, № 133)нинг фармойиши) ўтказиш белгиланган . Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва мақроиқтисодий тадқиқотлар институти ([WWW.IFMR.UZ](http://WWW.IFMR.UZ)) маъсуллигилаги анжумандада: мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштириш; ҳудудларнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш; аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш стратегияси; тадбиркорлик ва ривожланиш стратегияси каби секцияларнинг йиғилишлари назарда тутилган.

#### **7.4. Бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши жараёни**

Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда бир қатор омиллар билан бирга соғлом рақобат муҳитини яратиш муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг 2019 йил 24 январдаги қарори билан Монополияга қарши курашиш қўмитаси ташкил этилиб, унинг зиммасига товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида янги вазифалар юклатилди. Улардан бирига кўра,

қўмита томонидан 2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши қўзда тутилган.

Стратегия лойихаси <https://regulation.gov.uz/uz/document/2726>

Е-манзилда 07/03/2019-22/03/2019 санада муҳокамага қўйилди. Мазкур Е-манзилда яна иккита ҳужжат жойлаштирилди. Булар:

- 1) 2019-2023 йилларга мўлжалланган товар ва молиявий бозорлардаги рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси»)
- 2) 2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясининг асосий кўрсаткичлари.

Мазкур ҳужжат рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимининг мутлақо янги илғор моделини яратишга қаратилган бир қатор масалаларни ўз ичига олади. Айниқса, унда рақобатни ҳимоя қилиш, шу жумладан, монополияга қарши комплаенс механизмини, яъни биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш тамойиллари акс эттирилиши мўлжалланган.

Стратегиянинг асосий мақсади - соғлом рақобат муҳитини таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни, инновацияни рағбатлантириш, инвестициялар ва янги иш ўринлари оқимини кўпайтириш, шунингдек истеъмолчиларнинг фаровонлигини оширишдан иборат. Асосий мақсадга Эришиш учун Стратегиянинг асосий вазифалари(йўналишлари):

- 1. Монополияга қарши «ақлли» тартибга солиш тизимини яратиш (ақлли антитрест) ва рақобатни ҳимоя қилишнинг олдини олиш тизимиға ўтиш;**
- 2. Бизнесни тартибга солувчи юкни камайтириш;**
- 3. Давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиш даражасини пасайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамни соддалаштириш;**
- 4. Табиий монополия соҳаларининг табиий монополия ҳолатидан рақобатбардош бозор ҳолатига ўтишидаги тўсиқларни бартараф этиш;**
- 5. Нархларни (тарифларни) оқилона давлат томонидан тартибга солиш;**

- 6.** Картель шартномаларига қарши кураш усулларини кучайтириш;
- 7.** Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ва бизнеснинг адолатли олиб борилишини рағбатлантириш;
- 8.** Давлат харидларининг барча иштирокчилари учун ошкоралик ва тенг шароитлар ҳамда биржা савдолари орқали хом ашёлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- 9.** Монополияга қарши органнинг очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобат ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик маданиятини шакллантириш.

Стратегия таркибида қуйидаги қисмлар мавжуд:

I. Стратегияни қабул қилиш асослари ва зарурияти

II. Стратегиянинг муддаоси, мақсади ва вазифалари

III. Стратегиянинг асосий йўналишлари

IV. Стратегиянинг асосий кўрсаткичлари

I. Стратегияни қабул қилиш асослари ва зарурияти

1. Тадбиркорларнинг қонун устуворлигига ишончининг йўқлиги

2. Ресурслар чеклангани ва уларнинг самарасиз сарфланиши

3. Иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан ташқари иштироки

4. Бозор механизмларининг доимий заифлиги

5. Имтиёзлар ва преференцияларнинг самарасиз тизими

6. Хўжалик юритувчи субъектларни тартибга солиш бўйича юкламанинг юқорилиги ва тармоқ регуляторининг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги

7. Табиий монополия ҳолатини сустеъмол қилиш

8. Рақобатга қарши ҳаракатлар бўйича ҳуқуқий механизmlар такомиллашмагани

II. Стратегиянинг муддаоси(видение), мақсади ва вазифалари

Стратегик муддао.

Рақобатни ривожлантириш ҳар бир давлат органининг вазифасидир ва рақобат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари амал қилиши керак

бўлган қоида: «истеъмолчи жавонда» паст нархни, бизнес - бозордаги ўйин қоидаларининг олдиндан башорат қилиш шароитини кутади

Стратегияни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари

1. «Ақли» монополияга қарши тартибга солиш тизимини яратиш (**smart antitrust**) ва рақобатни ҳимоя қилишнинг олдини олиш тизимиға ўтиш:
2. Назорат юкини камайтириш ва товар, молиявий ва рақамли бозорларга киришни соддалаштириш:
3. Иқтисодиётда давлатнинг иштирок этиш даражасини пасайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамни соддалаштириш:
4. Нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш:
5. Табиий монополиялар соҳасининг табиий монополия ҳолатидан рақобатбардош бозор ҳолатига ўтишидаги тўсиқларни бартараф этиш:
6. «Картель» шартномаларига қарши кураш усувларини кучайтириш:
7. Интеллектуал мулк хукуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва адолатли бизнесни рағбатлантириш:
8. Давлат харидларининг барча иштирокчилари учун шаффоффлик ва тенг шароитларни таъминлаш ва биржа савдолари орқали хом ашёлардан фойдаланиш:
9. Монополияга қарши органнинг очиқлигини таъминлаш ва жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни шакллантириш:

#### IV. Стратегиянинг асосий кўрсаткичлари

1. 2023 йилга келиб кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини 3 фоизга ошириш.
2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан 4% гача ўсиши;
3. Ўзбекистоннинг Инвестицион фаолият эркинлиги индикаторидаги иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичини 100 тадан 70га эришиш.
4. 2023 йилга келиб ЯИМдаги монопол маҳсулотлар ва хизматлар улуши 7% гача камаяди.

5. 2023 йилга келиб монополистик корхоналар сонининг 25 фоизга қискариши.

6. Ўзбекистон Республикасининг глобал рақобатбардошлик индексида қатнашиш ва кўрсаткичларни доимий равишда такомиллаштириш.

7. 2023 йилгача товар, молия ва рақамли бозорда қатнашувчилар сонининг камидаги 25 фоизга ўсиши.

8. 2023 йилга қадар давлат органлари ва бозор иштирокчилари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишларининг сонини камидаги 50% га камайтириш.

9. 2023 йилга қадар давлат харидлари иштирокчилари сонининг 30 фоизга кўпайиши.

10. 2023 йилга келиб биржа савдоларида монопол маҳсулотлар улушкинни умумий товар айланмасининг 80 фоизига етказиши.

11. 2023 йилгача барча монополистик компанияларнинг камидаги 80 фоизида монопоияга қарши комплаенс тизимини жорий этиши.

12. Ҳар йили камидаги 100 та норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг рақобат қонунчилик хужжатларига таъсирини баҳолаш.

13. Банк секторидаги давлат улушининг 50% гача пасайиши.

”2019-2023 йиллар учун товар ва молиявий бозорлардаги рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг Йўл харитасида: чоралар номи; амалга ошириш механизми; кутилаётган самара; амалга ошириш муддати; масъул шахс келтирилган.

Стратегиянинг дастлабки ҳолати ва мақсад кўрсаткичи			
Индикатор номи	2017 ва 2018 йй)	2023 й.	
1.Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушки	54,9 %	57,9%	
2.ЯИМга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аниқ оқими(Жаҳон банки маълумотларига кўра)	0,5 -1%	4%	
3.Иқтисодий эркинлик индексининг инвестицион	100дан 10	100дан 70	

фаолият эркинлиги кўрсаткичи индекси		
4.Монопол корхоналар сони (шу жумладан табиий)	236	25%га паст
5.Давлат унитар корхоналари сони	1 414	700
6.Товар, молия, рақамли бозорларда қатнашувчилар	323 минг	20% га ошиқ
7.Рақобат тўғрисидаги қонун бузилишларининг сони	815	50% га паст
8.Давлат харидлари тартиб-қоидаларида қатнашувчилар сони	9,0 минг	30%га ошириш
9.Биржа савдоларига қўйилган монопол маҳсулотларнинг улуши	65%	80%
10.Банк секторидаги давлат улуши	83%	50 %
11.Монополияга қарши тизимни жорий этиш даражаси	0	80%
12.Қонунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаган норматив ҳужжатлар лойиҳалари сони	0	100та дан кам эмас
13.Рақобатбардошликтининг глобал индексида иштирок этиш	-	иштирок этиш

## **7.5. Монополияга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши босқичлари**

Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни тасдиқлаш босқичлари: тайёргарлик; лойиха ишлаб чиқиши; тасдиқлаш; амалга ошириш; назорат қилиш; баҳолашдан иборат. 2019 йил ўрталарига келиб, амалга ошириш босқичи давом этмоқда.

Барчасига асос бўлиб 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси(№ПФ-4947-сон, 07.02.2017) асос ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясида ҳар бир йил учун Давлат дастурлари ишлаб чиқиши белгиланди. Жумладан:

1.2017 йил Ўзбекистон Республикасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди ва **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон**

**Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари  
йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди**

«Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб  
номланган учинчи йўналишда:

**3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори  
иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:**

**3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий  
иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация  
қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:**

**3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал  
ривожлантириш:**

**3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк  
хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш,  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга  
қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:**

**3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-  
иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва  
оптимал фойдаланиш борасида чора-тадбирлар белгиланди.**

Кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва  
нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишининг  
замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий  
бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни  
кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб  
чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика  
инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий  
инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ  
маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишининг замонавий  
принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер

хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустрясини жадал ривожлантириш назарда тутилди.

2. 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинди ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури (№ ПФ-5308 22.01.2018) тасдиқланди. Давлат дастурини амалга оширишнинг учинчи йўналиши бўлган иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида: — фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай хуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралashiшларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш назарда тутилди.

«Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналиши бўйича:

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

3.2. Солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш

3.3. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш

3.4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш

3.5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш

3.6. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш **борасида чора-тадбирлар белгиланди.**

3.2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»деб эълон қилинди ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури(№ ПФ-5635 17.01.2019) тасдиқланди.

Давлат дастурини амалга оширишнинг учинчи йўналиши бўлган **иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида** — макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушкини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш назарда тутилди.

III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари бўйича:

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

3.2. Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизmlарини жорий этиш

3.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш

3.4. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизmlарини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтириш

3.5. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш

3.6. Қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий қилиш орқали соҳани жадал ривожлантириш

3.7. Вилоятлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш

3.8. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва инвесторлар ишончини оқлаш

3.9. Жаҳон бозорларига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-куватлаш **борасида чора-тадбирлар белгиланди.**

Давлат дастурларининг тадбирларидағи вазифалар Монополияга қарши бошқарув стратегиясида ўз аксини топади.

Кейинги босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор(№ПҚ-4126 24.01.2019)ида таъкидланган 2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш Стратегиясининг лойихаси тасдиқланишидан аввал дастлаб <https://regulation.gov.uz/uz/document/2726> Е-манзилда муҳокамага қўйилди.

## 7.6. Монополияга қарши бошқарув тактикаси

Монополияга қарши бошқарув тактикасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар бир йил учун белгиланган Давлат дастури талабларига сувофиқ келиши талаб этилади. Монополияга қарши бошқарув тактикасидаги

Масалан, 2019 йил Давлат дастурига киритилган Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ижро учун бошқа масъуллар билан биргаликда амалга оширадиган тадбирлари ва тайёрланадиган лойихаларига доир маълумотлар қўйида келтирилган.

T/p	Тадбир номи (Бажариш муддати)	Тақдим этиладиган хужжат шакли ва кутилаётган натижа
-----	----------------------------------	--

23.	<p>Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва савдо қилиш соҳасида давлат назоратини тақомиллаштириш. (1 февраль)</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларида:</p> <p>алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва савдо қилиш соҳасини давлат томонидан самарали мониторинг қилиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи органни ташкил этиш; алкогольли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш орқали «иккиласми маҳсулот» ишлаб чиқаришнинг олдини олиш; алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга қўйилаётган лицензия талабларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.</p>
34.	<p>Жамият ва давлат ҳаётида реклама фаолиятининг ролини янада ошириш. (1 сентябрь)</p>	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасида:</p> <p>мамлакатимизда реклама фаолиятини янада тақомиллаштириш; реклама берувчи, тайёрловчи ва тарқатувчиларнинг ушбу соҳадаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш; оммавий ахборот воситаларига реклама беришда рақобат муҳитини ривожлантириш чораларини кўриш; рекламадан фойдаланувчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизmlарини ишлаб чиқиш назарда тутилади.</p>
61.	<p>истеъмол маҳсулотлари нархининг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз</p>	<p>Чора-тадбирлар дастурида Солиқ ислоҳотларини амалга ошириш даврида истеъмол маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш, хусусан қўшилган қиймат солиғи кенг жорий қилиниши билан истеъмол товарларининг нархи ўсишининг олдини олиш чоралари назарда тутилади.</p>

	кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш. (Йил давомида)	
80.	Иқтисодиётда давлат иштирокининг мақсадини белгилаш ва давлат аралашувини янада камайтириш. (1 сентябрь)	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида: давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхонасини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш мақсадларини белгилаш; белгиланган мақсадларга мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни тақиқлаш; монополияга қарши курашиб органининг ижобий хулосасисиз давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш амалиётига чек қўйиш; давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг белгиланган мақсадларга мувофиқлигини ўрганиш бўйича ишчи гурӯҳи тузиш; хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида пахта тозалаш, ун, ёғ-мой, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати ва бошқа шу каби рақобат мавжуд бўлган соҳалар корхоналаридаги давлат улушини сотиш назарда тутилади.
87.	маҳсулот ҳажми ва нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиб, бозор тамойилларини жорий этиш. (1 апрель)	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан нарх шакллантиришни эркинлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини Давлат томонидан белгилашдан воз кечиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.
88.	Рақобатни тартибга	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида

	солишини такомиллаштириш. (1 октябрь)	«Табиий монополиялар тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги қонун нормаларини бирлаштириш ва янада такомиллаштириш назарда тутилади.
118.	Глобал рақобатбардошлиқ индексида қатнашишини таъминлаш. (1 февраль)	Чора-тадбирлар дастурида Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлиқ индексида қатнашишини таъминлаш бўйича амалий чоралар назарда тутилади.
128.	Экспорт товарлари тарифларини арzonл.риш ва экспорт логистикаси самарадорлигини ошириш. (1 март)	Чора-тадбирлар дастурида: экспортга йўналтирилган товарларни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ темир йўлларида ташиш хизматларини бюджетдан қисман қоплаш механизмини яратиш; Жаҳон банкининг «логистика самарадорлиги индекси»даги ўрнимизни камида 20 позицияга яхшилаш; хорижий давлатларнинг (Қозоғистон, Россия, Туркманистон, Эрон, Озарбайжон ва бошқалар) темир йўлларида юкларни ташиш учун преференциялар олиш чораларини кўриш назарда тутилади.

## 7-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР

- 7.1** Монополияга қарши бошқарув функциялари таркибини изоҳланг.
- 7.2** Монополияга қарши бошқарув стратегияси ва уни ишлаб чиқиш заруритини шарҳланг.
- 7.3** Монополияга қарши бошқарувни стратегик режалаштиришдаги хусусиятлар нимадан иборат.
- 7.4** Бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини ёритиб беринг.

**7.5** Монополияга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш босқичларини ифодаланг.

**7.6** Монополияга қарши бошқарув тактикаси. тузилишидаги жиҳатлар нималардан иборат

## **2-МОДУЛЬ. МОНОПОЛ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **8-боб: МОНОПОЛ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

- 8.1 Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.**
- 8.2 Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолияти.**
- 8.3 Истеъмолчилар, давлат ва монопол субъектлар манфаатлари.**
- 8.4 Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар.**
- 8.5 Монопол субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари.**

#### **8.1. Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш**

Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш мақсадидаги Вазирлар Маҳкамасининг ВМ -230 (20.08.2013) қарорида қўйидаги бешта НИЗОМ тасдиқланган:

1. Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

2.Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;

3.Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;

4.Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом;

5.Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисидаги низом.

Шунингдек, юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг ВМ - 344 (27.12.2013) қарори билан қуийдаги НИЗОМлар тасдиқланди

1.Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисидаги низом;

2.Табиий монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларнинг содир этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом(Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-196(17.07.2014) ўз кучини йўқотган).

## **8.2. Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолияти учун Устун мавқе мақоми асос бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунидаги талабларда белгиланган.

Устун мавқе товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гурӯхининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатидир.

Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гурӯхи товарининг улуши: 1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса; 2) ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлиб, бунда қуийдаги шартлар: хўжалик

юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши; товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (ракобатчиларга) тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши;

ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг (ракобатчиларнинг) киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади. Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>18</sup>.

Товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолиятида ракобатга қарши харакатлар алоҳида ўрин тутади. Қонунда мазкур харакатлар таркибида: устун мавқени суиистеъмол қилиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган харакатлари ва келишувлари; давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган хужжатлари ҳамда харакатлари; инсофсиз рақобат; танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар; биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар; устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга олдиндан розилик олиш кабилардан иборат.

### **8.3. Истеъмолчилар, давлат ва монопол субъектлар манфаатлари**

Истеъмолчилар, давлат ва монопол субъектлар манфаатларини ҳисобга олишда уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш устувор ҳисобланади.

Товар ва изматлар борасидаги шарт-шароитлар 2-бобда баён этилган.

Қуйида молия хизматлари бозоридаги муносабатлар тизига тўхталишга тўғри келади. Хусусан, Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳукуқларини

---

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори.

ҳимоя қилиш борасида Марказий банк томонидан олиб борилаётган сиёsat қўйидагилардан иборат.

Молиявий хизматлар бозорининг самарали, барқарор ва ҳаққоний фаолият юритиши учун молиявий институтлар профессионал меъёр ва этикага эга бўлиши, молиявий бозорни регулятор томонидан самарали назорат қилиниши ва тартибга солиниши, молиявий хизматлардан фойдалана олиниши ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши ҳамда ахолининг молиявий саводхонлигини ошириш имконияти каби ўзаро боғлиқ бўлган компонентларнинг мавжудлигини тоқазо этади.

Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқий ва тартибга соловчи муҳитни самарали шакллантириш фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш департаменти негизида Марказий банкнинг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди.

Хизматнинг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат:

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш;

молиявий хизматлар қулайлигини ошириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Бунда банк хизматлари деганда тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан қўрсатилаётган хизматлар тушунилади. Банк хизматлари истеъмолчилари деганда эса кредит ташкилотларидан банк хизматларини олмоқчи бўлган, олаётган ёки олиб бўлган жисмоний шахслар (рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам) ва юридик шахслар киради.

Хизмат ўз фаолияти давомида тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ҳуқук бузилишлари ҳолатлари билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиб, мазкур ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича ишлар олиб боради.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш мақсадида Жамоат қабулхоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур Жамоат қабулхоналарига истеъмолчилар банк хизматлари соҳасидаги амалдаги қонунчилик нормалари юзасидан маслаҳат ва тушунтиришлар олиш мақсадида мурожаат этишлари мумкин.

Шунингдек, молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш мақсадида, банк хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя этиш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш юзасидан молия- кредит тизимида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, банк хизматларини кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг талабларини қондириш имконини берувчи инновацион банк хизматларини кўрсатиш кўзда тутилган.

Марказий банк банк хизматларининг сифатини яхшилаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик нормаларини такомиллаштириш юзасидан режали тарзда ишларни амалга ошириб боради.

Давлат манфаатларини ифодаловчи манбалардан бири давлат харидлари ҳисобланади. Шунинг учун қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан: 12 боб 79 моддадан иборат “[Давлат харидлари тўғрисида](#)”ги [Ўзбекистон Республикасининг](#) (2018 йил 9 апрель, ЎРҚ-472-сон) Қонунида Давлат харидларининг қўйидаги асосий принциплари: давлат буюртмачисининг касбий маҳорати; асосланганлик; молиявий маблағлардан фойдаланишининг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги; очиқлик ва шаффоффлик; тортишув ва холислик; мутаносиблик; давлат харидлари тизимининг ягоналиги

ва яхлитлиги; коррупцияга йўл қўймасликдан иборат. Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши керак.

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда(№ АВ-3016-2,04.07.2019) **давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган деб** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қўйидагилардан иборат: электрон дўкон; бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион; танлов; тендер; ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари. Давлат харидлари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин. Низом таркиби: Умумий қоидалар(1-боб); Электрон давлат харидлари(2-боб); Танлов ўтказиш тартиб-таомиллари(3-боб); Тендер ўтказиш тартиб-таомиллари(4-боб); Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари(5-боб); Буюртмачилар билан тузилган шартномалар реестри(6-боб); Якуний қоидалар(7-боб) бобидан иборат.

#### **8.4. Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар**

Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар товар ва молия бозорларидағи рақобат соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари товар ва молия бозорларидағи рақобат соҳасидаги ваколатли органдир.

Монополияга қарши орган товар ва молия бозорларидағи рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини амалга оширади.

Бир давлат органи доирасида давлат активларини бошқариш, монополияга қарши ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш функцияларининг жамланиши тизимли муаммоларнинг тўпланишига олиб келгани сабабли: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди<sup>19</sup>:

а) давлат активларини бошқариш, давлат иштирокидаги иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш соҳасида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушкини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги учун уларнинг бошқарув органлари масъулиятини ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлашнинг, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ва уларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи самарали механизмларини жорий этиш бўйича хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ишлашни ташкил этиш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини босқичма-босқич қисқартириш, самарали ва шаффоф хусусийлаштиришни таъминлаш;

давлат иштирокидаги иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

б) рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашишни тартибга солиш соҳасида:

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони.

бозорнинг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тенг имкониятларни тақдим қилиш, рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш ҳисобига уларга тенг шартшароитлар ва хўжалик фаолияти эркинлиги берилишини таъминлаш;

ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сифатини ошириш, нархларнинг асоссиз ошиб кетишини чеклаш ва шу ҳисобидан ички талабни юқори даражада қондиришни таъминлаш учун шароит яратиш;

товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги (фондидаги) давлат иштирокини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

в) капитал бозорини ривожлантириш соҳасида:

капитал бозорини ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

капитал бозорининг самарали инфратузилмаси шаклланишида кўмаклашиш;

иккиламчи қимматли қофозлар бозорини жадал ривожлантириш ва унинг кўламини кенгайтириш, корпоратив бошқарув тизимини таомиллаштириш;

корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш.

1.Давлат активларини бошқариш агентлигининг асосий вазифалари этиб:

давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш;

ўзига берилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) хуқуқларини амалга ошириш;

илғор хорижий тажриба асосида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув шакл ва усулларини жорий қилиш, уларни бошқаришда кузатув кенгаши ва акциядорларнинг ролини тубдан ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарни, шу жумладан халқаро молия институтлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган, самарали корхоналарга айлантиришга кўмаклашиш;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, юқори даромадлилик ва капитализацияни ошириш, соҳасига кирмайдиган ва фойдаланилмаётган активларини чиқариб ташлашга қаратилган ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни мувофиқлаштириш;

давлат манфаатларини таъминлаган ҳолда, шу жумладан давлат акция пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувга бериш орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг облигация ва акцияларини чиқариш ва реализация қилиш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO/SPO бўйича эмиссияларни жойлаштириш ҳисобига, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек портфель инвестицияларни жалб қилиш;

давлат активларини реализация қилиш (хусусийлаштириш) ва ижарага беришнинг очиқ ва шаффоф механизмини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг қилиш, шунингдек давлат хусусий шериклик бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этиш;

таҳлил асосида давлат иштирокидаги фаолият юритмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш, уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарда самарали дивиденд сиёсатини олиб бориш;

баҳолаш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, мол-мulkни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш, шунингдек риэлторларни сертификатлаштириш;

2 Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари этиб:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

қимматли қоғозлар амалиёти билан шуғулланувчи инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

маҳаллий капитал бозорининг ривожланиш ҳолати ва унинг профессионал қатнашчилари тўғрисида инвесторлар ва жамоатчиликни хабардор қилиш;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни жалб этиш имкониятини берувчи янги молиявий воситалар турларини жорий қилишда кўмаклашиш;

фонд биржаларининг, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини лицензиялаш;

капитал бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиш.

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида(ПФ-5729-сон 27.05.2019)” норматив ҳужжат рақобатга қарши харакатларга оид ҳукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шартшароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, рақобатга қарши харакатларга оид

хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

### **8.5. Монопол субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари**

Монопол субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари икки гурухга ажратилади. Биринчи гурухда нарх орқали тартибга солинади. Бунда аниқ муайян нархлар ёки чегаравий нархлар ўрнатилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида(№ 239, 28.10.2010)ги Қарор асоси ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатдаги Низомда қуидаги тушунчаларга таърифлар келтирилган:

**устама** — хўжалик юритувчи субъект томонидан жорий харажатларни қоплаш ва муайян суммада соф фойда олиш учун товарни сотища уларнинг харид нархи (тарифи) устига қўйилган қўшимча (нисбий ёки мутлақ миқдор);

**нархларни тартибга солувчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг топшириги бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари;

**монополист корхона** — товар бозорларида устун мавқега эга бўлган ва Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект;

**табиий монополия субъекти** — табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (сотиши) билан банд бўлган, Табиий монополиялар субъектлари давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс);

**рентабеллик** — зарурий фойда миқдорини (давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва соф фойда суммаси) ишлаб чиқариладиган товарга тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари суммасига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқиладиган корхона фаолиятининг фойдалилик нисбий кўрсаткичи;

**тартибга солувчи коэффициент (пасайтирувчи ёки оширувчи) —** нарх (тариф) даражасини аниқлаш учун белгиланадиган нисбий микдор;

**тариф сметаси** — даромадлар ва харжатлар, ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми кўрсаткичи ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятини акс эттирадиган ва тартибга солувчи коэффициентни аниқлашда асос қилиб олинадиган бошқа иқтисодий кўрсаткичлар;

**нарх (тариф)** — товар бирлиги қийматининг пул ифодаси.

Ушбу Низом: табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган;

нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши керак бўлган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган;

нархларни тартибга солиш органи томонидан уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган товарларга нархларни (тарифларни) шакллантиришда ва декларация қилишда (белгилаш, тасдиқлашда) қўлланилади.

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш:

нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) белгилаш;

ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган, уларга нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинадиган, монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини, тартибга солувчи коэффициентни, устами ёки чекланган рентабелликни декларация қилиш (кейинги ўринларда товарларга нархларни (тарифларни) декларация қилиш деб аталади);

табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни тартибга солиш органи томонидан нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини тартибга

солувчи коэффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни тасдиқлаш (кейинги ўринларда нархларни (тарифларни) тасдиқлаш деб аталади);

нархларни тартибга солиш органи билан келишиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ алоҳида товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Қонун хужжатларига мувофиқ нархларни (тарифларни) давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

Колган товарларга шартномавий (эркин) нархлар (тарифлар) қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъект (шу жумладан, монополист корхона, табиий монополия субъекти) декларация қилинган (тасдиқланган, белгиланган) нархларни (тарифларни) мустақил пасайтириш хуқуқига эгадир. Бунда:

монопол паст нархлар белгилаш мақсадида нархларни (тарифларни) пасайтиришга йўл қўйилмайди;

нархларни (тарифларни) пасайтириш бир вақтнинг ўзида барча истеъмолчилар учун амалга оширилади, кейинчалик нархларни тартибга солиш органи хабардор қилинади.

Иккинчи групдаги тартибга солиш нархдан бошқа воситалар орқали амалга оширилади. Ушбу груп кўпроқ табиий монополия субъектлари фаолиятида намоён бўлади.

## **8-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**8.1** Монопол субъектлар таркибини изоҳланг.

**8.2** Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни шарҳланг.

**8.3** Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монопол субъектларнинг фаолиятидаги хусусиятлар нимадан иборат.

**8.4** Истеъмолчилар, давлат ва монопол субъектлар манфаатларини ёритиб беринг.

**8.5** Монопол субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органларини ифодаланг.

**8.6** Монопол субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари. нималардан иборат

## **9-боб: МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

- 9.1 Рақобат мұхитини изчил ривожлантириш тизими.**
- 9.2 Хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш.**
- 9.3 Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг хуқуқий асослари.**
- 9.4 Нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик чоратадбирлари.**
- 9.5 Республика бозорларида соғлом рақобат мұхитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.**

### **9.1. Рақобат мұхитини изчил ривожлантириш тизими**

Рақобат мұхитини изчил ривожлантириш тизими давлат иқтисодий сиёсатининг мұхим қисми бўлиб миллий адабиётимизда қатор норматив хуқуқий, назарий ва амалий-услубий адабиётлар мавжуд.

Соғлом рақобатни ҳимоя қилиш тизимининг таркиби услубий ёндошувлардан бирида тўртта асосий ҳаракатларга тақсимланган<sup>20</sup>:

1. Рақобатга қарши битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар, жумладан картел битимлар, шунингдек бир нечта корхона/шахсларни рақобатни чеклашга қаратилган атайлаб ёки атайлаб қилмаган ҳаракатлари/битимлари
2. Битта ёки бир нечта корхоналар томонидан ўз устун мавқеини/бозор хукмронлигини суиистеъмол қилиши
3. Инсофсиз рақобат
4. Бозор концентрацияси, жумладан корхоналарни қўшиб юбориш бўйича битимлар ёки корхоналарни фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича мулкий – одатда пайлар ёки акция пакетларини улушлар орқали – ва бошқа хуқуқлар бериш.

Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунчилик учта соҳага кириб бориши таъкидланган. Яъни: бизнесни амалга ошириш усулига, иқтисодий бозорлар

20 <https://econolawresearch.wordpress.com/category/raqobat-huquqi/>

тузилмасига ва хўжалик юритиш усулларига. Ўрганиб чиқилган қонунчиликлар ўртасида ҳаракатланишни ўзининг бозордаги устун мавқенини суиистеъмол қилувчи, ёхуд савдо-сотиқни чекловчи, рақобатни сусайтирувчи ман қилинган шаклларини олувчи ўзини тутиш қоидалари мазмунан бир-бирига яқинлиги билан ажralиб туради. Маълум бир ҳолатларда рақобатни чекловчи ушбу хатти-ҳаракатлар иқтисодий самарадорликка ўз улшини қўшиши мумкин, рақобат тўғрисидаги қонунлар эса умуман олганда рақобат зарари ва самарадорликни ошириш ўртасида балансга эга бўлишга йўналтирилган.

Соғлом рақобат муҳитини изчил ривожлантириш тизимининг асосий норматив ҳуқуқий хужжатлари туркумида қонунлар уступор аҳамиятга эга. Конунлардан қуидагиларни санаб ўтиш лозим:

Рақобат тўғрисида;

Табиий монополиялар тўғрисида;

Истъемолчилар тўғрисида;

Реклама тўғрисида;

Тадбиркорлик тўғрисида;

Тадбиркорликка рухсат бериш тўғрисида;

Давлат ҳаридлари тўғрисида;

Коррупция тўғрисида ва бошқалар.

Мамлакатимизда монополияга қарши сиёsatни амалга ошириш ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш маҳсус ваколатли органга юклатилган.

## **9.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат**

### **томонидан назорат қилиш**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш миллий қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилади<sup>21</sup>.

Ушбу талаблардан келиб чиқсан ҳолда мазкур бобда мавзуни ёритиш кенгроқ миқёсда амалга оширилади.

---

<sup>21</sup> “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ги қонун. 717-I-сон 24.12.1998

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ги қонун талаблари кейинги 20 йил мобайнида такомиллашиб борди ва қуидаги таркибий тузилишга эга бўлди:

- 1.Қонуннинг мақсади;
- 2.Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун хужжатлари;
- 3.Асосий тушунчалар;
- 4.Давлат томонидан назорат қилиш шакллари;
- 5.Давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари;
- 6.Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар;
- 7.Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- 8.Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари;
- 9.Текширишларни ўтказиш учун асос;
- 10.Текширишлар даврийлиги;

11.Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар даврийлиги;

12.Тадбиркорлик субъектини режали текширув ўтказиш бошланиши хақида хабардор қилиш;

- 13.Текширувлар муддатлари;
- 14.Қисқа муддатли текширишлар;
- 15.Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш;

16.Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш; ;

- 17.Назорат тартибида текшириш;

18.Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуqlари ва мажбуриятлари;

19.Текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хуқуqlари ва мажбуриятлари;

20.Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмасликни кафолатлаш;

21. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш;

22. Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик;

тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун хужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Конун хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Юқоридагилар билан бир қаторда “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” (ID-1596)ги Конун лойихаси ҳам муҳокамага қўйилган. Мазкур лойихада қўйидаги тушунчаларга таъриф берилган:

давлат назорати – назорат қилувчи органларнинг профилактик тадбирлар, текширишлар ва текширишдан кейинги таҳлил ўтказиш орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган фаолияти;

назорат қилувчи органлар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун хужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар;

текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), улар ишлаб чиқараётган ва реализация қилаётган товарларнинг (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматларнинг) қонун ва бошқа қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

молия-хўжалик фаолиятини текшириш – солик, божхона ва валюта тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш;

текшириш дастури – тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича назорат саволномаси.

Шунингдек, Давлат назоратини амалга оширишнинг асосий принципларига қўйидагилар киритилган:

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолиятига аралашмаслик;

тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун хужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва унинг давлат томонидан назорат қилиниши билан боғлик ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик, унинг барвақт олдини олиш ва профилактикаси самарадорлигини оширишни таъминлаш.

### **9.3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишнинг мақсади Тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш орқали, унинг қонунчилик доирасида фаолият кўрсатишига кўмак беришдир. Мазкур назорат қилиш фаолияти Тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда монопол корхоналарга тааллуқлиги ҳам ҳисобга олиниши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтингчалик низом(№ АВ-3067, 07.09.2018) Бош прокуратура буйруғига кўра тасдиқланган.

Вақтингчалик низом билан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Конун ўрнига қабул қилинадиган «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун кучга киргунга қадар амал қилиши белгиланган. Мазкур Низомда қўлланилган асосий тушунчалар қуйидагилар:

тадбиркорлик субъектлари — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

назорат қилувчи органлар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирлик ва идоралар;

текширув — тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуранлари.

Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 04.04.2011 йилдаги ПФ-4296-сон, № ПФ-4296 04.04.2011

Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 05.10.2005 йилдаги ПФ-3665-сон, № ПФ-3665 05.10.2005

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш Методикаси (АВ томонидан 19.04.2019 й. 3155-сон билан рўйхатга олинган Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 19.03.2019 й. 01-11/01-05-сон қарори билан тасдиқланган)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.11.2018 й. 920-сон "Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш хуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори.

Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида. № ПФ-1503, 08.08.1996.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 13.07.2004 й. 328-сон қарорига 4-илова).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.07.2004 й. 328-сон "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2004 й. 323-сон "Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.11.1998 й. 496-сон "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 й. 483-I-сон "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги Низом (АВ томонидан 30.11.2018 й. 3093-сон билан рўйхатга олинган Бош прокурорнинг 31.10.2018 й. 205-сонли буйруғи билан тасдиқланган)

#### **9.4. Нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари**

Республикамизда нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик иқтисодий сиёsatнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Масалан:

Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. № 239, 28.10.2010;

Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. № 249 30.03.2018;

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. № ПФ-5303, 16.01.2018. шулар жумласидандир.

Айниқса, № ПФ-5303 нинг қабул қилиниши айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатидаги асоссиз фойда қўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлиги айрим маҳсулот ва хом ашё турлари тақчилигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайиши кузатилмоқда.

Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсиши;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратиши;

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлиги;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё

ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратиши;

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши кузатилмокда<sup>22</sup>.

Юқоридаги омиллар иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлашни талаб этади.

Бундай талаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тайёрланишига сабаб бўлди ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан Ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол, монопол ва юқори ликвидли товарлар ва хизматларга нархлар (тарифлар) устидан доимий мониторинг ташкил қилиш, шунингдек рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича идоравий ўзаро ҳамкорлик ҳақида Низом тайёрланган<sup>23</sup>. Ушбу Низомнинг мақсади: товарлар ва хизматлар нархларининг асоссиз ўзгартирилиши билан боғлиқ рақобатга қарши хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол, монопол ва юқори ликвидли товарлар ва хизматлар турлари нархлари (тарифлари)ни доимий мониторингини ташкил қилиш; рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг рақобатни чеклайдиган келишувлар ва келишилган ҳаракатлар, нархларни манипуляция қилиш ва бошқа рақобатни чекловчи хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бузилишларига оператив таъсир кўрсатиш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона

<sup>22</sup> Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори № ПҚ-3479, 17.01.2018

<sup>23</sup> <https://regulation.gov.uz/oz/document/6857>.

қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ички ишлар вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш; соғлом рақобат муҳитини сақлаш мақсадида бозорлар иштирокчиларининг ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол, монопол ва юқори ликвидли товарлар ва хизматлар бозорларида камситилмасдан ҳаракат қилишларини таъминлашдан иборат. Низом таркиби қуидаги етти бобдан иборат:

Умумий қоидалар(1-боб.)

Истеъмол товарлар ва хизматлари нархларини мониторинг қилишни ташкил этиш(2-боб.)

Монопол ва юқори ликвидли товарлар турлари нархлари мониторингини ташкил қилиш(3-боб.)

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари томонидан маълумот олиш ва таҳлил қилиш(4-боб.)

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик(5-боб.)

Аниқланган келишишлар ва келишилган ҳаракатларни, шунингдек бошқа рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни кўриб чиқиш(6-боб.)

Якуний қоидалар(7-боб.)

Ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарлар ва хизматлар рўйхати келтирилган бўлиб, товарлар сони саксон бештани, хизматлар сони йигирма биттани ташкил этади.

## **9.5. Республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш**

Республикамиз бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратишга бевосита дахлдор адабиётлардан бири<sup>24</sup> X.Т.Азизов ва

<sup>24</sup> <http://files.tsul.uz/student/24.pdf> (Азизов Х.Т., Муаллифлар жамоаси. Рақобат хуқуки. Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016. 236-бет)

бошқа муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган “Рақобат ҳуқуқи” дарслигининг лойихаси ҳисобланади. Яъни, республикамида “Рақобат ҳуқуқи” асосларини бевосита ўрганиш юридик таълим доирасида амалга ошириш йўлга қўйилган. Мазкур дарсликда Рақобат ҳуқуқини таъминланишига оид миллий норматив хужжатларга кенг ургу берилган. Жумладан қуйидаги мавзуларга эътибор қаратилган.

“Рақобат ҳуқуқи – ҳуқуқий фан сифатида” деб номланган қисмда: рақобат тушунчаси ва унинг қонунчиликда акс этиши; рақобат ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, принциплари, тизими; Рақобат ҳуқуқининг манбалари; рақобат ҳуқуқининг замонавий бозор муносабатларидаги аҳамияти; рақобат ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари баён этилган.

Монополияга қарши органларга бағишлиланган қисмда: ўзбекистонда рақобатни ҳуқуқий тартибга соловчи маҳсус ваколатли давлат органи; монополияга қарши органнинг рақобат сиёсатини амалга оширишдаги роли; монополияга қарши органнинг реклама фаолиятини тартибга солишдаги ваколатлари; монополияга қарши органнинг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари; монополияга қарши органнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги; монополияга қарши органининг фаолиятини ташкил этиш; табиий монополия субъектлари фаолиятини монополияга қарши орган томонидан тартибга солиш баён этилган.

Устун мавқе ва уни суиистеъмол қилишга бағишлиланган қисмда: устун мавқе тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати; товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқеини эътироф этиш; товарнинг монопол юқори нархи; товарнинг монопол паст нархи; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан устун мавқени суиистеъмол қилиши баён этилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига бағишлиланган қисмда: рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва уларнинг умумий тавсифи; рақобатни чеклайдиган битимларнинг умумий тавсифи, турлари ва асосий

жиҳатлари; рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар: хориж қонунчилиги тажрибаси баён этилган.

Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахс бирлашмаларининг хужжатлари ва ҳаракатларига бағишлиланган қисмда: товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органлари хужжатлари ва ҳаракатлари тушунчаси ҳамда уларнинг таснифи; хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiш; давлат органлари ва юридик шахс бирлашмаларининг товар ва молия бозорларида рақобатни эркин ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари; товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органларининг бошқа ҳаракатлари баён этилган.

Рақобатга қарши ҳаракат сифатида инсофсиз рақобат ва унинг кўринишларига бағишлиланган қисмда: инсофсиз рақобат тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи; инсофсиз рақобат шакллари; товар ва молия бозорида инсофсиз рақобатни ҳуқуқий баҳолаш; инсофсиз рақобат сифатида нотўғри реклама тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари; рекламани ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими; реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши ва назорат қилиш механизми; шахсийлаштириш воситалари тушунчаси ва турлари; инсофсиз рақобат кўриниши сифатида товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиқсан жой номидан рухсатсиз фойдаланиш; инсофсиз рақобат сифатида тижорат сиридан рухсатсиз фойдаланиш; инсофсиз рақобатнинг бошқа кўринишлари баён этилган.

Савдоларни ўтказиша монополияга қарши талаблар ва уни олдини олишга бағишлиланган қисмда: танлов (савдо)лар ўтказиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари; танлов ўтказиша монополияга қарши талаблар; танлов (тендер) савдоларини ўтказиша рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар; суд томонидан танловни ўтказилмаган деб топиш асослари; биржа савдоларини ўтказиш тартиби; биржа савдоларига доир

монополияга қарши талаблар; биржасавдоларида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари баён этилган.

Иқтисодий концентрацияни давлат томонидан назорат қилишга бағишенгандын қисмда: иқтисодий концентрация тушунчаси; хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишда монополияга қарши талаблар; хўжалик юритувчи субъектларни қайта ташкил этиш ва тугатишга розилик бериш тартиби; хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги акция (улушлар)ни ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талаблар; хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишда олдиндан розилик олиш тартиби; жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув органларидаги иштироки; хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиби; молиявий хизмат кўрсатиш бозорида маблағни концентрация қилиш бўйича назорат қилиш баён этилган.

Монополияга қарши ва табиий монополияни назорат қилувчи органнинг рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ишларни қўзғashi ва кўриб чиқишига бағишенгандын қисмда: рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш; рақобат қонунчилигини бузганлик аломатлари билан иш қўзғаш ва уни кўриб чиқиш тартиби; монополияга қарши органнинг рақобат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартиби; ишни қўзғаш учун асослар; табиий монополия фаолиятини тартибга солувчи орган ва монополияга қарши органнинг қарор қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёни; монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини ижро этиш баён этилган.

Рақобат қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалаларига бағишенгандын қисмда: рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик тушунчаси; жавобгарликка тортиш асоси сифатида айб етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартиби; рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик; рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий

хуқуқий жавобгарлик; рақобат қонунчилигини бузганлик учун жиной ҳуқуқий жавобгарлик баён этилган.

## **9-бобни ТАКРОРЛАШ БҮЙИЧА САВОЛЛАР**

**9.1** Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш таркибини изоҳланг.

**9.2** Рақобат муҳитини изчил ривожлантириш тизимини шарҳланг.

**9.3** Монопол корхоналар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларидаги хусусиятлар нимадан иборат.

**9.4** Нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик чоратадбирларини ёритиб беринг.

**9.5** Республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шартшароитлар яратишни ифодаланг.

## **10-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ**

- 10.1 Соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ахборотнинг ўрни.**
- 10.2 Монополияга қарши бошқарув тизимида ахборот турлари.**
- 10.3 Ахборотга бўлган эҳтиёж.**
- 10.4 Монополияга қарши бошқарув жараёнида ахборотларни таҳлил этишда коммуникация тизими.**
- 10.5 Монополияга қарши бошқарувда ахборот базаси.**

### **10.1. Соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ахборотнинг ўрни**

Соғлом рақобат муҳити ва холис ахборот ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Муайян ахборотлар тизимига эга бўлиш Рақобатда устуворликнинг учта энг кенг тарқалган туридан бири ҳисобланади. Қолган иккитаси: бозорда устун бўлиш; ресурс ва истеъмолчиларга яқинроқ бўлишга эришишдан иборат. Бозорда устун бўлиш, ўз навбатида, учта омил билан белгиланади: ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдорининг ошиш самараси; тажриба тўпланиши самараси; бизнес кенгайиши ёки ҳажмининг самарасидир.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда рақобатчи корхона фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг бозордаги мавқенини, келажакда қилиши мумкин бўлган барча ҳатти-харакатини олдиндан кўра билиш учун биринчи навбатда фирмалар томонидан мухолифатлар, яъни, корхоналар ўрганилади. Бундай таҳлилда қўйидаги ахборотлар қайта ишланади ва улар асосида қарор қабул қилинади:

- рақобатчиларнинг бозорда эгаллаган ўрни: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сотилиш ҳажми; фирманинг мазкур мамлакат ва жаҳон бозоридаги мавқеи бўйича рўйхатда тутган ўрни; рақобатчи фирмаларнинг мазкур бозор умумий савдо айланмаси ҳажмидаги хиссаси;

- рақобатчилар томонидан чиқарилаётган маҳсулотнинг тавсифи: техник ўлчамлари, нархи, рақобатбардошлиқ омиллари; товар белгиси (марка)дан

фойдаланиш амалиёти; товар ва товар ўрамининг ўзига хос чиройли ва тартибли томонлари; рақобатчилар томонидан тегишли миқдорда истиқбол учун чиқарилаётган, бозор учун янгилик бўлган товарлар;

- рақобатчилар томонидан тақдим этиладиган хизмат турлари, тавсифи ва техник хизмат кўрсатишнинг нархи;
- товар харакати амалиёти: рақобатчилар томонидан фойдаланиладиган товарни жойдан-жойга ташиш турлари, уларда мавжуд бўлган омборлар ва товарларни жойлаштириш, саклаш шартлари, консигнацион савдо учун омборлардан фойдаланиш;
- рақобатчиларнинг маркетинг фаолияти: ҳар бир рақобатчи фирма томонидан ўтказиладиган стратегия, уларнинг ассортимент сиёсати, илмий – техник фаолиятини янги товарлар ишлаб чиқаришга йўналтириш, ишлаб чиқариш, техник ва сотиш сиёсати, сотишни жадаллаштириш усуллари, нарх сиёсати ва уларнинг харакат суръати, ишлаб чиқариш харажатлари даражаси ва уларни пасайтириш йўллари;
- рақобатчилар томонидан маҳсулотни харидорга етказиб бериш фаолиятини ташкил қилиш: маҳсулот сотиш каналлари ва хусусий тармоғи мавжудлиги, савдода воситачилар хизматидан фойдаланиш, маҳсулотни сотиш ва трансакция харажатлари;
- рақобат курашининг рақобатчилар фойдаланадиган нархсиз усуллари: рақобатчи компанияга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган самаралироқ воситалар, рақобатчи фирманинг заифлик даражаси ва ундан «тортиб олиниши» мумкин бўлган бозор ҳиссаси;
- рақобатчиларнинг молиявий аҳволи ва бозорда ўз ўрнини ҳимоя қила олиши, рақобатчи фирманинг тўлов, янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва қувватини кенгайтириш қобилияти;
- текширилаётган давр ёки маълум муддат учун рақобатчи фирма фаолиятининг миқдорий кўрсаткичлари, чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, капитал қўйилмалар, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари

харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва фирманинг йиллик хисоботида мавжуд бошқа кўрсаткичлар;

- рақобатчиларда товар ва хизматлар маркаси, патентлар мавжудлиги ва уларнинг лицензияларни сотиш бўйича тушумлари миқдори.

Барқарор устувор рақобатбардошликни таъминлашда илмий-техник инқилобнинг (ИТИ) янги босқичидаги ривожи ташқи муҳитдаги асосий омиллардан хисобланади. Чунки унинг асосида эски тармоқлар, мамлакат ичидаги ва миллатлараро алоқалар бузилиб, сифат жиҳатидан янги технология жараёнлари вужудга келади. ИТИ талабларига нисбатан мос иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш лозим. Бунга капитални тармоқлараро ва минтақалараро оқиб ўтишидаги тўсқинликларни пасайтириш, истиқболли ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари ривожига молиявий кредитлаш асосида маъмурий-хуқукий кўмаклашиш орқали эришилади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарни бошқаришда, айниқса, бу омилларга эътибор бериш зарур.

## **10.2. Монополияга қарши бошқарув тизимида ахборот турлари**

“Рақобат тўғрисида”(№ ЎРҚ-319. 06.01.2012)ги Қонун<sup>25</sup>да Монополияга қарши бошқарув тизимида ахборот(4-боб, 22-24 моддалар) икки турда: ошкор этиладиган ёки тижорат сири бўлган ахборот сифатида баён этилган.

Монополияга қарши органнинг мансабдор шахслари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва ишларни кўриб чиқиш, шунингдек рақобатнинг ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатларини, ахборотини олиш ва унинг ҳудудига кириш хуқуқига эга.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари монополияга

---

<sup>25</sup> Манба: «Халқ сўзи», 2012 й., 5(5425)-сон; ЎР ҚҲТ, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

қарши органнинг талабига кўра унга зарур хужжатларни ва ахборотни белгиланган тартибда текин тақдим этиши шарт.

Монополияга қарши орган ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Монополияга қарши органнинг ходимлари тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор этилиши натижасида етказилган заарар учун жавобгар бўлади. Хўжалик юритувчи субъектга етказилган заарарнинг ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари алоҳида тартибда капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг буйруғига кўра амалга оширилади<sup>26</sup>. Мазкур Коидаларнинг талаблари давлат қимматли қоғозлари эмитентларига нисбатан татбиқ этилмайди ва қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

ахборотни ошкор қилиш — қимматли қоғозлар бозорида манфаатдор шахсларнинг ахборотни олиш мақсадидан қатъи назар, ахборотдан унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш;

муҳим факт — қимматли қоғозлар баҳосига ёки улар бўйича олинадиган даромад миқдорига таъсир кўрсата оладиган эмитент молиявий-хўжалик фаолиятида ёки корпоратив ҳаракатларида юз берган ўзгаришлар;

жамиятнинг аффилланган шахслари — жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг буйруғи. Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 авгуистда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2383-5.

қимматли қоғозлар эгаси — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

эмитент — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

инвестор — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари.

Ахборотни ошкор қилиш: оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш; ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ахборот тақдим этиш орқали амалга оширилади.

### **10.3. Ахборотга бўлган эҳтиёж**

Мамлакатимизда давлат органлари, жамоат бирлашмалари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларида дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш бўйича каби 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Ахборотга бўлган эҳтиёжни баён этишдаги асосий Қонунлар қуидагилар:

**1.Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида (№ 439-II, 12.12.2002);**

**2.Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида (№ 400-I, 24.04.1997);**

**3.Ахборотлаштириш тўғрисида (№ 560-II, 11.12.2003);**

**4.Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида (№ ЎРҚ-369, 05.05.2014);**

**5.Электрон ҳукумат тўғрисида(№ ЎРҚ-395, 09.12.2015).**

Масалан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонун хар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни саклаш ҳукуқини кафолатлайди. Қонунда қуидаги таърифлар мавжуд:

ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тұғрисидаги маълумотлар;

ахборот мулкдори — ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборотни муҳофаза этиш — ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чоратадбирлари;

ахборот ресурслари — алоҳида хужжатлар, хужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидағи (ахборот-кутубхона муассасаларидағи, архивлардаги, идоравий архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидағи ва бошқа ахборот тизимларидағи) хужжатлар ва хужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соҳаси — субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

ахборот борасидаги хавфсизлик — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати;

ахборот эгаси — қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

махфий ахборот — фойдаланилиши қонун хужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган хужжатлаштирилган ахборот;

оммавий ахборот — чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган хужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

хужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принциплариdir.

“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” ги қонуннинг мақсади: ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий хуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишни назарда тутади. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатdir.



2019 йил августида АҚШ давлат департаменти томонидан [эълон](#) қилинган молиявий шаффоффликка оид йиллик ҳисоботда шаффоффлик учун минимал талабларни бажармаётган 67 та давлат келтириб ўтилган<sup>27</sup>. Уларнинг ичida Ўзбекистон ҳам бор.

Мазкур рўйхатдан, шунингдек, Озарбайжон, Туркманистон, Ирок, Покистон, Саудия Арабистони каби мамлакатлар ҳам ўрин олган. Грузия, Арманистон, Молдова, Туркия, Польша, Словакия, Афғонистон ва Қирғизистон кабилар мазкур талабларга жавоб берадиган давлатлар сифатида тилга олинган.

Қайд этилишича, хукуматнинг АҚШдан кўмак олаётганларга оид фискал шаффоффлик бўйича йиллик ҳисоботи америкалик соликчилар маблағларидан ажратиладиган пулларнинг белгиланган тартибда тўғри ишлатилишини назарда тутади.

Ҳисоботда фуқаролар учун бюджет эълон қилиб борилиши, ундан онлайн орқали боҳабар бўлиш имконияти яратилгани Ўзбекистонда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар сифатида эътироф этилган. Шунга қарамай ҳамон учраётган камчиликлар, хусусан:

- давлат компанияларининг қарз мажбуриятлари тузилмаси ошкор этилмаслиги;

<sup>27</sup> <https://www.state.gov/2019-fiscal-transparency-report/>

- вазирликлар ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг харажатлари ҳақида маълумот йўқлиги;
- табиий ресурслардан олинаётган даромадлар ҳақида батафсил ахборот йўқлиги;
- ҳукумат томонидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича шартномалар қандай мезонлар асосида тузилиши тушунарсизлиги таъкидланган.

АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистоннинг молиявий шаффоғлигини қўйидагиларни таъминлаш асосида яхшилаш мумкин деб ҳисоблайди:

- қарз мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, вазирликлар харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг омма учун очиқлиги;
- ҳукумат томонидан “оқилона муддат” ичida бюджетни бажариш бўйича аудиторлик ҳисботларини тайёрлаш ва чоп қилиш;
- табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича лицензиялар ва шартномаларни тақсимлаш мезонларини очиб бериш ва бошқалар.

Молия вазирлиги матбуот хизмати томонидан молиявий шаффоғликка эътибор янада кучайтирилиши баён этилган. Хусусан, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда давлат бюджетининг даромад ва харажатлар қисми, давлат харидлари тизимида имзоланган шартномаларга оид маълумотлар ҳар куни бериб борилади. Айни чоғда вазирликлар ва идораларга ажратилган маблағлар, давлат дастурлари доирасида турли йўналишларга ажратилган маблағлар ҳақида маълумотлар ҳам ҳар ойда тақдим этилади.

Вазирлик openbudget.uz сайти орқали давлат бюджети бажарилиши, унинг параметрлари, таркиби ва прогноз кўрсаткичлари билан батафсил танишиш мумкинлигини эслатиб ўтган. Шунингдек, портал фуқароларга маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми учун йўналишларни аниқлаш имкониятини беради.

#### **10.4. Монополияга қарши бошқарув жараёнида ахборотларни таҳлил этишда коммуникация тизими**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ти қонуннинг мақсади: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутади ва асосий вазифалари: жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилашдан иборат.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари: улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги; улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффошлиги; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишchanлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этишдан иборат.



Маълумки,

Ўзбекистон

Президентининг 2017 йил 24 июлдаги №ПФ-5120-сонлиФармони билан бевосита давлат раҳбарига бўйсунувчи Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (ЛБМА) ташкил этилган. 2019 йил августдан

бошлаб ЛБМА «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат қилиш ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини синашга киришиди. Унга лойиҳалар ташабbusи билан чиқиш, уларни амалга ошириш,

назорат ва мониторинг қилиш жараёнига жалб этилган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларини улаш бошланди.

Тизим лойиха бошқарувининг Ягона миллий ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.2019 йилдаги [616](#)-сон қарори билан ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида Регламент тасдиқланган. У қуйидаги имкониятларни беради:

- лойиҳаларни ҳисобга олиш, уларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш;
- лойиҳаларнинг муддатлари, бюджети, мақсадлари ва қўрсаткичлари устидан назоратни амалга ошириш;
- инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилган ва ўзлаштирилган ҳажмлари бўйича ишончли маълумотларни шакллантириш;
- лойиҳаларни амалга оширишда қувватларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича хавф-хатарларни аниқлаш;
- инвестициядан кейинги даврда, лойиҳа хужжатларида назарда тутилган мақсадли қўрсаткичларга эришишни кузатиб бориш.

Функционал имкониятлари максимал даражада «эгилувчан» форматда яратилган бўлиб, қўйилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, тизим фойдаланувчилари ва администраторлари учун тизимли занжирларни созлаш имкониятини беради. Киритиладиган ва тизимдан олинадиган лойиҳалар амалга оширилишини қўрсатувчи маълумотлар, шакллар, жадваллар ва инфографикаларни созлаш параметрлари деярли чегараланмаган имкониятларга эга.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги хузуридаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни лойиҳалаштириш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида (ИД-4364) хужжат тайёрланган<sup>28</sup>. Хужжат республикамида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш бўйича қонунчилик асосини янги босқичга кўтаради. У «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича ташкилий ва техник чора-тадбирларни қабул қилиш учун пойдевор вазифасини ўтади.

Умуман олганда, ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар, электрон кўринишда кўрсатиладиган давлат хизматлари доирасини кенгайтириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этадиган давлат органлари шаффофлиги ва очиқлигини ошириш имкониятини берди.

Шу билан бирга, ахборот тизимларининг идоравий мансублиги, электрон платформалар ва қўлланиладиган технологияларнинг хилма-хиллиги, ахборот тизимлари ва ресурсларининг марказийлаштирилмагани, шунингдек, қоғозли хужжат алмасиниши «Электрон ҳукумат» тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимини ва мамлакатнинг рақамли трансформациясини комплекс ривожлантиришнинг устивор йўналишлари деб: «Электрон ҳукумат» тизимининг техник инфратузилмасини ривожлантириш; инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; давлат хизматларининг рақамли трансформацияси; очиқликни таъминлаш ва аҳолининг электрон иштироки даражасини ошириш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ишончли муносабатларни шакллантириш, инновацион экотизимни ривожлантириш ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Концепцияси;

---

<sup>28</sup> <https://regulation.gov.uz/uz/document/4364>

Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»;

Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳукумат» тизими Архитектураси; 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизими архитектурасини амалга ошириш бўйича режа-жадвали келтирилган.

### **10.5. Монополияга қарши бошқарувда ахборот базаси**

Монополияга қарши бошқарувга доир ахборот базасини шакллантириш ва мустаҳкамлашда ваколатли органларнинг веб сайтлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (ҚҲММБ АИТ) га асосан фаолият юритувчи LexUZ ҳукуқий ахборот излаш тизими ёрдамида норматив-ҳукуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш ва улар билан танишиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сонли “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини янги босқичга кўтарди. Қонунда, ҳукуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлашнинг ошкоралиги, очиқлиги, ўз вактидалиги, ҳукуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлигидан иборат асосий принциплар белгиланган. Шунингдек, норматив-ҳукуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига белгиланган тартибда мажбурий тарзда жойлаштирилиши шартлиги ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтларига ҳукуқий ахборот давлат тилида жойлаштирилиши кераклиги таъкидланган. Қонунда: ҳукуқий ахборот — норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонун хужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материаллари; ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш — ҳуқуқий ахборотни эркин олиш ва ундан фойдаланиш имконияти; ҳуқуқий ахборотни тарқатиш — номуайян доирадаги шахсларни ҳуқуқий ахборот билан таништиришга қаратилган ҳаракатлар каби асосий тушунчалар қўлланилган.

Ахборот база мусаҳкамланишининг омилларидан бири бўлган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг мақсади: ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини назарда тутади. Қонунда қуйидаги таърифлар мавжуд:

**ахборотлаштириш** — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий жараёни;

**ахборот ресурси** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

**ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори** — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси** — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот технологияси** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жамии услублар, қурилмалар, усувлар ва жараёнлар;

**ахборот тизими** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

**блогер** — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуннинг мақсади: электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутади. Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар ва техник воситалар тизими;

давлат хизмати — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун хужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

сўров — ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби;

ариза берувчи — давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш — давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари — ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва қўчмас мулк обьектларига, географик ва бошқа

объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар;

электрон давлат хизматининг регламенти — электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳукуқий хужжат;

электрон давлат хизмати — ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари:

давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги;

электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равища фойдаланиши;

«бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Монополияга қарши бошқарувда ахборот базасининг мустаҳкамланиши 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олганда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий қамров даражасини ошириш мақсадида:

1. Тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Давергеодезкадастр қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қуидаги тартибларни ўрнатиш тўғрисидаги таклифларга розилик берилди:

а) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча худудларида факат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади,

б) жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш тўғрисида таклифлар киритиш хукуқи берилди.

Давергеодезкадастр қўмитаси тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун таклиф қилинадиган ер участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталида ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб борилиши таъминланади<sup>29</sup>.

Яна бир ҳужжатда «Тадбиркор» ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш орқали:

электрон ҳужжат айланиши, шу жумладан электрон рақамли имзо ёрдамида маълумот алмашиш;

автоматлаштирилган дастурий таъминотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистон банклари ассоциациясининг ахборот тизимлари билан интеграциялаш;

---

<sup>29</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида. (№ ПФ-5780; 13.08.2019)

тижорат банкларининг кредитлари бўйича электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда кафиллик ва кафолатлар, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш; тижорат банклари ва уларнинг мижозларига реал вақт режимида кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва уларнинг ижроси ҳолатини кузатиш имкониятини бериш белгиланди<sup>30</sup>

2018 йил май ойидан бошлаб, Давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали [xarid.uz](#) интернет манзилида расман ишга тушди. Эндиликда порталда давлат харидлари бўйича барча эълонлар ва уларнинг натижалари жойлаштирилади ҳамда давлат харидлари электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтиришга қаратилган электрон аукцион шаклларида ўтказилади. Бу, ўз навбатида, давлат харидларининг очик-оидинлиги ва ошкоралигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” қонунига мувофиқ давлат харидлари соҳасида ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви агентлиги “Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” АЖни давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталининг оператори сифатида белгилади.

Электрон давлат харидлари бўйича барча битимлар электрон рақамли имзо (ЭРИ) орқали тузилади. Шунингдек, “XARID” электрон тизимида биржанинг Ҳисоб-китоб клиринг палатасига (ҲКП) гаров маблағларини киритиш орқали битимлар ижросини кафолатлаш амалиёти киритилган.

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида(№ ПҚ-4417; 13.08.2019)/

## **10-бобни ТАКРОРЛАШ БҮЙИЧА САВОЛЛАР**

**10.1** Давлат томонидан корхоналар фаолиятини монополиядан ҳимоя қилишда ахборот билан таъминлаш мазмуни ва аҳамияти, таркибини изоҳланг.

**10.2** Соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ахборотнинг ўрнини шарҳланг.

**10.3** Монополияга қарши бошқарув тизимида ахборот турларининг хусусиятлари нимадан иборат.

**10.4** Ахборотга бўлган эҳтиёжини ёритиб беринг.

**10.5** Монополияга қарши бошқарув жараёнида ахборотларни таҳлил этишда коммуникация тизимини ифодаланг

**10.6** Монополияга қарши бошқарувда ахборот базаси, тузилишидаги жиҳатлар нималардан иборат

## **11-боб: МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

- 11.1 Монополияга қарши бошқарув тўғрисида турли қараплар ва назариялар.**
- 11.2 Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 11.3 Монополияга қарши бошқарувни тартибга солувчи ҳалқаро ташкилотлар.**
- 11.4 Глобал Рақобатбардошлиқ индекси**
- 11.5 Ҳалқаро рейтингларда Ўзбекистон позициясини янада мустаҳкамланиши**

### **11.1. Монополияга қарши бошқарув тўғрисида турли қараплар ва назариялар**

Монополияга қарши курашишни бошқарув тўғрисида турли қараплар ва назариялар мавжуд. Монополияга қарши қонунларни қўллаб-куватловчиларнинг фикрига кўра, бу истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиласди ва иқтисодий ривожланишга ёрдам беради. Рақибларнинг фикрига кўра, монополияга қарши қонун мулк ҳуқуқларининг бузилишидир ва кўпинча ёки ҳатто одатда истеъмолчилар ва умуман иқтисодиёт учун салбий оқибатларга олиб келади.

Кейинги пайтларда таълим соҳасида рақобатни бизнес қонунларидан ажратиш рўй берган. Монополияга қарши органларнинг иқтисодий аҳамиятли компаниялар томонидан активларни сотиб олишини назорат қилиш иқтисодий концентрацияни назорат қилишдан иборат.

Бу ёки бошқа шаклда бундай назорат антитрест қонунларига эга бўлган кўпгина мамлакатларда мавжуд. Хусусан, АҚШ Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган монополияга қарши қонунларга эга бўлган 80 та мамлакатдан қарийб 60 тасида назорат бор. Шу билан бирга, бошқарув режимиининг тафсилотлари мамлакат ва битимлар турига қараб фарқ қилиши мумкин.

Бошқариш дастлабки (компаниялар битимлар тўғрисидаги маълумотларни монополияга қарши органларга ушбу битимлар бажарилишидан олдин тақдим этадилар) ёки кейинги (битимлардан кейин) бўлиши мумкин. Бундан ташқари, хабарнома бериш мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин.

Монополияга қарши қонунни танқид қилувчиларнинг баъзилари уни бекор қилиш тарафдори, бошқалари эса муҳим ўзгартиришларни ёқлашадилар. Танқидчиларнинг асосий объектлари:

1. Монополияга қарши тартибга солиш асосидаги ахлоқий ва ҳуқуқий фалсафа у мулк ҳуқуки ва шартнома эркинлигини бузади ва фуқаролар ҳуқуқлари тенгсизлигига олиб келиши. Яъни, монополияга қарши қонунларни танқид қилишнинг эркин танқидчиларига кўра, бу инсон ҳуқуқларини, хусусан мулк ҳуқуки ва шартнома эркинлигини бузади. Монополияга қарши қонунларга бўйсунадиган компаниялар ўз мулкларидан эркин фойдаланиш ва тасарруф қилиш имкониятидан маҳрум. Монополияга қарши органлар ушбу мулкни "бутун жамият" хизматига қўядилар ва шу билан уни самарали равишда қўллайдилар.

2. Монополияга қарши тартибга солишнинг иқтисодий оқибатлари ҳар доим ёки кўпинча ижтимоий фаровонликнинг пасайишига олиб келиши борасида таникли иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва файласуфлардан М. Фридман, Ф. Хайек, А. Греенспан, А. Ранд, Р. Касе, Р. Борк, Р. Познер, М. Ротбард кабилар бор.

Монополияга қарши қонуннинг танқидчиларининг фикрлари қўйидагилар:

1. "Мен ҳукumatнинг муайян монополияларга қарши хатти-харакатларининг фойдали томонига тобора шубҳаланаман ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини чеклаш бўйича ўзбошимчалик сиёсати мени жиддий ташвишга солмоқда." (Фридрих Хайек)

2. "Кўшма Штатлардаги бутун антитрест ҳуқуқ тизими иқтисодий мантиқсизлик ва жоҳилликнинг пайдо бўладиган аралашмасидир. Бу а) тарихни

мутлақо нотұғри талқин қилиш ва б) жуда содда ва шубҳасиз реал бўлмаган иқтисодий назарияларнинг маҳсулидир "(Алан Грэенспан).

3."Монополияга қарши зериқдим, нархларни кўтаргандан сўнг, судялар бу монополия эканлигини таъкидладилар, йиқилгандан кейин уни йиртқич нарх деб номладилар ва доимий нархлар буни яширин фитна деб номладилар" (Роналд Соаце)

4."Иzlанишларимнинг бошида, эркин рақобатни қўллаб-куватловчи сифатида, мен монополияга қарши қонунларни тўлиқ қўллаб-куватладим ... вақт ўтиши билан, мен монополияга қарши қонунлар яхшидан кўра кўпроқ зарар келтиради деган хulosага келдим, агар бундай бўлмасангиз, яхши бўлар эди. улар ундан халос бўлишди "(Милтон Фридман)

5."Ишсиз одам ҳақида ... айтишимиз мумкинки, у" савдони чеклайди ", гарчи у шунчаки унда иштирок этмаса ... Агар монополияларга қарши курашувчилар бўшликни йўқ қилишни хоҳласалар, унда мажбурий меҳнат ва бўш вақтни ўтказишга йўл қўймаслик тўғрисида қонун қабул қилиниши керак" (Мюррей Ротхбард)

6."Агар мендан Америка саноатининг йўқ қилинишига олиб келадиган йўлда ҳалокатли бурилиш кунини ва энг шармандали қонунчилик актини танлашни сўрашса, мен 1890 йил ва Шерман қонунини танлаган бўлар эдим" (Айн Ранд).

7."Шуни унутмангки, монополияга қарши тартибга солишининг кучайиши бошқа ҳар қандай давлат бошқаруви каби рақобатни чеклашга олиб келиши мумкин" (Е. Набиуллина)

8. Рақобат ривожланишига «монополияга қарши тартибга солиш мумкин эмас. Мижозларнинг ҳамёнини ютиб олиш учун сизга молларини яхшироқ ва арzonроқ қилишни истаганлар керак. Бу рақобат. (А. Пирозченко, Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги рақобатни ривожлантириш департаменти директори).

9."Ишлаб чиқариш ёки маҳсулот бозорларини концентрациясини сунъий равища чеклаш энг самарали ишлаб чиқарувчиларни жазолашни англаатади ...

Шерман қонуни" кичик ва самарасиз бизнесни йирик рақобатчилардан ҳимоя қилиш учун очық протекционистик қонун эди ... Рақобат ва бизнесни ривожлантиришга асosий түсиқлар маъмурий соҳада. Улар турли хўжалик юритувчи субъектлар учун рақобатнинг teng бўлмаган шароитларини яратиш, унга киришга давлат томонидан чекловларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, квазив давлат тузилмалари (давлат муассасалари, давлат корхоналари, давлат томонидан назорат қилинадиган тижорат корхоналари) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ... индивидуал тизимни қайта қуриш ва монополиядан чиқариш дастурлари ишлаб чиқилган. Тармоқлар тескари натижага олиб келди, яъни монополияни кучайтирди ва ушбу бозорлар энди кўпроқ концентрация қилинган ..." (М. Есенбаев.)

10. Шундай қилиб, рақобатдош тадбиркорлик институти асосчиси Фред Смитнинг сўзларига кўра, монополияга қарши сиёsat статистика нуқтай назаридан келиб чиқадики, "бизнес ўз мол-мулкини зарур деб ҳисоблаган ҳолда тарқатиш хуқуқига эга эмас, фақат нисбий эркинликка эга бўлса". бу маълум бир коммунал ёрдам функциясини максимал даражада оширишга ёрдам беради. Бу шуни англатадики, бирон бир корхона ушбу мулкни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бошқа соҳага кўчирилса, мулкка эгалик хуқуқига эга эмас.

Профессор Франк Еастерброокнинг таъкидлашича, мувозанатли ёндошишнинг анъанавий қоидаси монополияга қарши кураш чегараларига боғлиқ. "Судялар ҳанузгача мавжуд бўлмаган иқтисодий билимлар манбани олишлари мумкин ва суд қарорларини қабул қилиш харажатларини (шу жумладан нотўғри хатти-ҳаракатларни нотўғри ёки қасдан қоралашдан келиб чиқадиган харажатларни) эътиборсиз қолдириши мумкин".

Бундан ташқари, монополияга қарши қонуллар фуқароларнинг хуқуқий тенглиги принципини бузади. У бошқа мулк эгалари томонидан тан олинган нуфузли хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқларини (нархларни белгилаш эркинлиги, компанияни сотиш эркинлиги, ишлаб чиқариш эркинлиги,

товарларни "юк остида" сотиш эркинлиги ва бошқалар) тан олмайди. Шундай қилиб, монополияга қарши қонунлар камситувчи ҳисобланади.

Умуман олганда [хорижий мамлакатлар ва ўзбекистон республикаси монополияга қарши қонунчилигини таққослама таҳлили](#)<sup>31</sup> да қатор ёндошувлар баён этилган бўлиб улардан таълим жараёнида фойдаланиш мавзу доирасидаги дунёқараш кенгайишига асқотади.

## **11.2. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ривожланган хориж мамлакатларида монополияга қарши бошқарув амалиётининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва миллий амалиётда илғор ёндошувларни татбиқ билиш давлат сиёсатида устувор ҳисобланади.

20-аср охиридан буён бутун дунё миқёсида рақобат тўғрисидаги қонунларни (улар трестларга қарши ёки монополияга қарши қонунлар деб ҳам аталади ) янада ривожлантириш ва амалиётга киритиш даври бўлди. Айниқса, собиқ социалистик лагер парчалангандан мамлакатлар рақобат сиёсатининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий қила бошлаган бир вақтда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмай, амалиётда фойдаланилаётган монополияга қарши қонунчиликка ўзгартиришлар киритмоқдалар. Хозирги кунда дунёning 100 дан ортиқ мамлакатларида монополияга қарши қонунчилик мавжуддир.

Шундай қилиб, мамлакатлар ўртасида рақобат тўғрисидаги қонунчиликларни ўзаро ўхшашлиги тугайди. Турли давлатларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатларини бир-бирига ўхшамаслиги, рақобат сиёсати ва хуқуқка нисбатан турлича ёндашишни келтириб чиқарди.

Масалан, АҚШ ва ЕИ рақобат тўғрисидаги қонунларни матнларини баён қилиниши конституцион нормаларни эслатади, уларни тушунчаларини шарҳлашда судларга ва монополияга қарши органларга кўпроқ мажбуриятлар ва эркинликлар берилади.

---

<sup>31</sup> <https://econolawresearch.wordpress.com/category/raqobat-huquqi/>

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни нисбатан яқинда киритган кўпчилик мамлакатларда рақобат сиёсатининг барча тўртта жиҳати битта қонунда ўз аксини топган. Бундай мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Россия, МДҲ кўпчилик мамлакатлари, шунингдек Шарқий Европа мамлакатлари киради.

Бошқа мамлакатларда рақобат сиёсатининг бозор концентрацияси ва ноҳалол рақобат каби жиҳатлари алоҳида қонунлар юрисдикциясига (ваколатига) киради. Қозогистонда ва бир нечта бошқа мамлакатларда ноҳалол рақобат алоҳида қонунчилик қилиб ажратилган, АҚШда эса концентрациялашиш масалалари ва тегишли таомиллар-Харта-Скотта-Родино (қонунни ишлаб чиқсан конгрессменларнинг номи) номли маҳсус қонун билан тартибга солинади.

Марказлашган-режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда қонунчилик одатда ҳокимият органларини рақобатга қарши ҳаракатлари/қарорлари/ҳаракатсизлигини чеклаш учун маҳсус ишлаб чиқилган алоҳида нормаларга эга. Бунинг сабаби, режалаштирилган иқтисодиёт даврида ҳокимият органларини корхоналарнинг фаолиятига ҳаддан зиёд кўп аралашуви оқибатидир. Бундай қонунчиликка эга бўлган мамлакатлар қаторига деярли барча МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳам киради.

Тамойиллар ЖСТ савдо сиёсати учун замин яратади. Яъни, савдо сиёсати ўйин қоидаларини белгилаш ҳақида Беш тамойил мавжуд. Улар ЖСТ(1994 йилгача ГАТТ)ни тушунишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга:

1.Камситилмаслик. У иккита асосий таркибий қисмдан иборат: энг мақбул давлат қоидалари ва миллий режимнинг сиёсати. Уларнинг иккаласи ҳам ЖСТнинг товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулкка тегишли асосий қоидаларига киритилган, аммо уларнинг аниқ доираси ва характеристи ушбу соҳаларда фарқ қиласди.

Биринчи қоида ЖСТ аъзоси ЖСТнинг бошқа аъзолари билан барча савдоларда бир хил шароитларни қўлланишини талаб қиласди, яъни ЖСТ аъзоси ЖСТнинг бошқа барча аъзоларига маълум бир маҳсулот турини сотиш ҳуқуқини берадиган шароитларни яратиши керак.

Иккинчи қоида-миллий тартиб, импорт қилинадиган товарларга маҳаллий товарларга нисбатан ҳеч бўлмаганда ижобий муносабатда бўлиш керак (ҳеч бўлмаганда чет эл товарлари бозорга чиққандан кейин) ва савдо учун тарифсиз тўсиқларни енгиш учун жорий этилганлигини англатади (масалан, техник стандартлар, хавфсизлик стандартлари ва бошқалар, импорт қилинадиган товарларга нисбатан бошқа камситишлар).

2. Ўзаро келишув. Бу МФН қоидаларига биноан юзага келиши мумкин бўлган бепул саёҳат ҳажмини чеклаш истаги ва ташқи бозорларга яхшироқ кириш истагини акс эттиради. Бунга боғлиқ бўлиб, музокаралар олиб борадиган давлат учун унинг фойдаси бир томонлама либераллаштириш фойдасидан қўп бўлиши керак; Ўзаро имтиёзлар бундай имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлашга интилади.]

3. Мажбурий ва мажбурий мажбуриятлар. Кўп томонлама савдо музокараларида ва аъзо бўлгандан кейин ЖСТ аъзоларининг тариф мажбуриятлари имтиёзлар жадвали (рўйхати) да келтирилган. Ушбу жадвалларда «таянч қозиклари» ўрнатилади: мамлакат ўз қозикларини ўзгартириши мумкин, факат савдо шериклари билан музокаралар олиб борилгандан кейингина, бу савдонинг йўқолиши учун компенсацияни англастиши мумкин. Агар қониқиш олинмаса, шикоят берган мамлакат ЖСТнинг низоларини ҳал қилиш тартибидан фойдаланиши мумкин.

4. Ошкоралик ЖСТ аъзоларидан савдо қоидаларини эълон қилишлари, савдога таъсир этувчи маъмурий қарорларни кўриб чиқишига имкон берадиган институтларни қўллаб-қувватлашлари, бошқа аъзоларнинг маълумот олиш учун сўровларига жавоб беришлари ва савдо сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисида ЖСТни хабардор қилишлари шарт. Ушбу ички ошкоралик талаблари Савдо сиёсатини кўриб чиқиши механизми орқали ҳар бир мамлакат учун даврий ҳисботлар (savdo siёsati sharxлari) билан тўлдирилади ва осонлаштирилади. ЖСТ тизими, шунингдек, импортни чеклаш учун ишлатиладиган квоталар ва бошқа чораларни қўллашни рад этиш орқали башорат қилинадиган ва барқарорликни яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

5.Хавфсизлик қадриятлари. Баъзи ҳолатларда хукуматлар савдони чеклашлари мумкин. ЖСТ келишувлари аъзоларга нафақат атроф-муҳитни, балки аҳоли, ҳайвонлар ва ўсимликлар саломатлигини муҳофаза қилиш чораларини кўришга имкон беради.

### **11.3. Монополияга қарши бошқарувни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар**



Монополияга қарши бошқарув борасида Жаҳон иқтисодий форуми (WEF), Европа Рақобат Комиссияси, Халқаро рақобат тармоғи([International Competition Network](#)) каби халқаро ташкилотлар бор. Монополияга қарши курашиш қўмиталарининг мақоми товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида эркин рақобатни қўллаб-қувватлаш ва бозорда монополиянинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида бозорларни тартибга солувчи расмий давлат ташкилоти ҳисобланади. Монополияга қарши органлар истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш, нархларни тартибга солиш, компанияларни қўшиб юбориш ва сотиб олиш ва бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин. Монополияга қарши қонун ҳужжатлари монополияга қарши идоралар учун хукуқий асосдир. Тегишли органлар бозор иқтисодиётiga эга бўлган деярли барча мамлакатларда мавжуд.

Халқаро рақобат тармоғи([International Competition Network](#))нинг вазифаси бутун дунё бўйлаб рақобат сиёсатида юқори стандартлар ва процедураларни қабул қилишга кўмаклашиш, процессуал ва моҳиятан яқинлашиш бўйича таклифларни шакллантириш ва аъзо институтлар, истеъмолчилар ва бутун дунё манфаати учун самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришdir.

2019 йил 3 апрелда Халқаро Рақобат Тармоғининг Бошқарув гурухи аъзолари Рақобат агентлигининг (САП) халқаро рақобат тузилишини

тасдиқлади. САП барча рақобат агентликлари учун очик бўлган "розилик" тизимиdir. Барча рақобатчилар ўртасида одил судловнинг асосий тамойилларини оммалаштириш воситаси. САП ресурслар, уни амалга ошириш таркиби ўртасида қўшимча ҳамкорлик қилиш имконини беради. Иштирокчилар ва ICNга аъзо бўлмаган рақобат агентликлари учун очик.



**.Рақобат Бош Дирекцияси (The Directorate-General for Competition (DG COMP) )** - Брюсселда жойлашган Европа Комиссиясининг Бош Дирекцияси. DG COMP Европа Иттифоқида рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш учун жавобгардир. DG COMP монополияга қарши қонунчилиқда икки томонлама роль ўйнайди: тергов ва қарор қабул қилиш.

DG COMP, шунингдек, Федерал агентликлар ва Адлия вазирлигининг антитрест бўлинмаси томонидан АҚШ агентликлари билан бир қаторда дунёдаги энг ривожланган монополияга қарши органлардан бири ҳисобланади. Корпорациялар учун жарима 2000 йилдан 2004 йилгача 3,4 миллиард евродан 2005 ва 2009 йилгача 9,4 миллиард еврогача кўтарилиди. 2010 йилдан 2012 йилгача 5,4 миллиард еврони ташкил қилди.

DG COMP сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат.

- 1.Монополияга Қарши Қонун (Тақиқланган Битимлар Ва Ҳаракатлар)
- 2.Бирлашиш,
- 3.Эркинлаштириш,
- 4.Давлат Ёрдами - Давлат Аралашуви Бошқа Компанияларга Нисбатан Танланган Фойда Олиш Йўли Билан Битта Компанияга Ёки Компанияларнинг Кичик Гуруҳига Фойда Келтирган Ҳолда Еидаги Рақобатни Бузмаслиги Учун,
5. Халқаро Ҳамкорлик.



6.DG COMPни 2019 йил яқунигача беш йиллик муддат хизмат қилаётган Комиссар Маргret Вестагхер бошқармоқда.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси**

(ЮНКТАД-The United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD)) БМТ Бош ассамблеясининг органидир. Конференция 1964 йилда ташкил этилган. УНСТАДнинг бош қароргоҳи Женевада жойлашган. Бугунги кунга қадар конференцияда 194 мамлакат мавжуд. [1] УНСТАД қарорлари қарорлар шаклида қабул қилинади ва маслаҳат характерига эга.

**UNCTAD**нинг асосий вазифалари:

халқаро савдони ривожлантириш;  
давлатлар ўртасидаги тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорлик;  
замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг тавсиялари,  
тамойиллари, ташкилий-хуқуқий шартлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;  
иқтисодий алоқаларни иқтисодий ривожлантириш ва халқаро савдони  
ривожлантириш соҳасидаги БМТнинг бошқа агентликларини  
мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

Ижроия органи Савдо ва Тараққиёт Кенгаши бўлиб, у фаолиятни  
келишилган устуворликларга мувофиқлаштиришни таъминлаш учун  
жавобгардир. **UNCTAD** котибияти аъзо давлатлар хукуматлари билан  
ҳамкорлик қиласи,



Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)  
давлатлар ўртасидаги халқаро савдони  
тартибга солувчи хукуматлараро  
ташкилотdir. ЖСТ расмий равишда

1995 йил 1 январда, 123 мамлакат томонидан 1994 йил 15 апрелда имзоланган,  
1948 йилда кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ) билан  
имзоланган Марракеш битимиға биноан расман бошланди. Бу дунёдаги энг  
йирик халқаро иқтисодий ташкилот.

ЖСТ аъзо давлатлар ўртасида товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк  
савдосини тартибга солиш билан шуғулланади, савдо келишувлари ва  
низоларни ҳал қилиш жараёни бўйича томонларнинг аъзо давлатлар вакиллари

имзолаган ЖСТ келишувларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган. ЖСТ савдо шериклари ўртасида камситишни тақиқлайди, аммо атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий хавфсизлик ва бошқа муҳим мақсадларни истисно қиласи. Савдо низолари ЖСТнинг мустақил судьялари томонидан низоларни ҳал қилиш жараёни орқали ҳал қилинади.



Айрим мамлакатлар бўйича Монополияга қарши курашиб идоралари қўйидагилар:

Австралия — рақобат ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси;

Арманистон Республикаси — иқтисодий рақобатни ҳимоя қилиш давлат комиссияси;

Бразилия — иқтисодий ҳимоя қилиш бўйича бошқарув кенгаси;

Қозоғистон Республикаси — Табиий монополияларни тартибга солиш агентлиги;

Хитой Халқ Республикаси — Тижорат вазирлиги;

Россия — Федерал Монополияга қарши Хизмат;

АҚШ — Адлия вазирлиги Федерал савдо комиссияси ва антитрест бўлинмаси;

Украина — Монополияга қарши қўмитаси;

Корея Республикаси — Адолатли савдо комиссияси.

Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) - бу Швецариянинг нодавлат ташкилоти бўлиб, у ҳар йили Давосда йиғилишлар ўтказади. Учрашувларга етакчи бизнес вакиллари, сиёсий раҳбарлар, таниқли мутафаккирлар ва журналистлар таклиф этилади.

Муҳокама мавзуси энг жиддий глобал муаммолар, шу жумладан аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.



1971 йилда яратилган. WEF аъзолари бутун дунё бўйлаб, келган 1000 га яқин йирик компания ва ташкилотлардир. Доимий ижро этувчи орган - директорлар кэнгаши. Штаб-квартираси Женева шаҳри - Колониянинг чеккасида жойлашган. Бюджет йиллик аъзолик бадаллари ва Форум қатнашчилари томонидан ажратиладиган маблағлар хисобидан шакллантирилади. Иштирокчиларнинг таркиби ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

WEF асосчиси ва доимий раҳбари - Швейцария проф. Клаус Шваб. Унинг ташаббуси билан биринчи симпозиум 1971 йилда бўлиб ўтган бўлиб, унда Европанинг етакчи компанияларининг 450 га яқин раҳбарлари глобал иқтисодиётнинг истиқболларини муҳокама қилиш ва умумий стратегияни ишлаб чиқиш учун йиғилишган. Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг (хозирги Европа комиссияси) ҳомийлигига бўлиб ўтган биринчи йиғилишларда асосан Ғарбий Европанинг мусобақадаги мавқеини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Йиллар давомида ушбу мавзу аста-секин кенгайиб борди, бошқа минтақаларга таъсир этувчи сиёсий ва иқтисодий муаммолар, жаҳон савдоси механизмини такомиллаштириш муаммолари ва тўғри шериклик кун тартибига киритилди. 70-йилларнинг ўрталарида Давосга дунёning нуфузли кишилари (хукумат аъзолари ва бизнес раҳбарлари) таклиф этила бошланди ва кейинги ўн йилликда форум йилнинг асосий воқеаларидан бири мақомига эга бўлди.

1987 йилда у хозирги номини олди - Жаҳон иқтисодий форуми (1987 йилгача у Европа менежменти форуми деб номланди), шунингдек таниқли WEF логотипи - Жаҳон иқтисодий форуми ўз номи билан очик дунёning ғоясини ифода этади ва ташкилотнинг дунёни бирлаштириш истагини намойиш этади. (очик доира, худди "о" ҳарфларини боғлайди).

WEFнинг асосий тадбирлари анъанавий равища дунёning машҳур Давос тоғ-chanfi курортида январ ойининг охири - феврал ойининг бошларида ўтказилади (2002 йилдаги Нью-Йоркдаги сессия бундан мустасно, 2001 йил 11 сентябр ҳужумларидан кейин АҚШ билан ҳамжиҳатликда ўтказилган). Анъанага кўра, бу ерда норасмий шароитда хозирги куннинг муҳим

масалалари, иқтисодий ривожланиш истиқболлари, барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш масалалари, "қайноқ нұқталар" даги вазият мұхокама қилинади. Давос учрашувлари доирасыда 300 га яқин ялпи мажлислар, семинарлар ва давра сұхбатлари, шунингдек давлат арбоблари иштирокида "мини-саммитлар" үтказилмоқда. Бу ерда бирон бир резолюция ёки бошқа хужжатлар қабул қилинмайды, аммо Форум норасмий шароитда глобал иқтисодиётнинг күплаб мұхим масалаларида учрашиш ва мұхокама қилиш, янги ишбилармөнлик алоқаларини ўрнатиш, "юзма-юз" ва "алоқасиз" учрашувларни үтказиш имкониятини беради.

Давос учрашувларидан ташқари, WEFнинг минтақавий саммитлари үтказилади. Бундай учрашувлар орасыда Европа иқтисодий форуми (Салzburg, Варшава), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка муаммолари бўйича БФФ (охирги марта 2005 йил майда Иорданияда бўлиб үтган), Африка учун WEF (2005 йил июн ойида Жанубий Африкада) ва бошқалар. миллий (мамлакат) учрашувлар, икки кунлик семинар ва симпозиумлар үтказилади. Ҳар йили 30 тагача бундай учрашувлар үтказилади.

WEF нафакат мұхокамалар учун платформа, балки иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар ташаббускори. Шундай қилиб, 1979 йилдан бери WEF эксперлари ҳар йили глобал рақобатбардошлиқ түғрисидаги ҳисоботни (Global Competitiveness Report (GCR)) тайёрлайдилар, унда дунёning 100 дан ортиқ мамлакатлари икки асосий күрсаткич - потенциал ўсиш индекси ва рақобатбардошлиқ индекси (Global Competitiveness Index) бўйича баҳоланади. WEF алоҳида минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларига қўшимча рейтингларни беришни бошлаган ва 2005 йилда "Араб дунёсининг рақобатбардошлиги" маърузаси нашр қилинди, бу араб минтақаси учун биринчи бор ўрганилди;



2016 йил бошида, Давосда бўлиб үтган йиллик йиғилишда, WEF асосчиси Клаус Шваб трансгуманизмга мувофиқ "Тўртинчи саноат инқилоби" бошланганини эълон қилди.

Глобал Рақобатбардошлиқ түғрисидаги ҳисобот (GCR) Жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳар йили нашр этиладиган ҳисобот. 2004 йилдан бери мамлакатлар Хавиер Сала-и-Мартин ва Елза В. Артади томонидан ишлаб чиқилған Глобал Рақобатбардошлиқ индекси бүйича глобал рақобатбардошлиқ түғрисидаги ҳисоботда ўрин әгаллаб келмоқда. Ундан олдин макроиктисодий даражалар Жеффри Сачс ривожланиш индексига, микроиктисодий даражалар эса Майкл Портернинг бизнес рақобатбардошлиқ индексига асосланган эди. Рақобатбардошликтининг глобал индекси рақобатбардошликтининг макроиктисодий ва микро-бизнес жиҳатларини ягона индексга бирлаштиради.

Ҳисобот "мамлакатларнинг ўз фуқаролари учун юқори даражадаги фаровонликни таъминлаш қобилиятини баҳолайди". Бу, ўз навбатида, мамлакат мавжуд ресурслардан қанчалик самарали фойдаланишига боғлиқ. Шундай қилиб, Глобал рақобатбардошлиқ индекси иқтисодий фаровонликнинг ҳозирги ва ўрта муддатли даражасини белгилайдиган институтлар, сиёsat ва омилларнинг умумийлигини ўлчайди.

#### **11.4. Глобал Рақобатбардошлиқ индекси**

Глобал Рақобатбардошлиқ индекси-рақобатбардошликтининг макроиктисодий ва микро-бизнес жиҳатларини ягона индексга бирлаштиради. Ҳисоботда "мамлакатларнинг ўз фуқароларига юқори даражадаги фаровонликни таъминлаш қобилияти баҳоланади, бу эса, ўз навбатида, мамлакат мавжуд ресурслардан қанчалик самарали фойдаланишига боғлиқ.

Шунинг учун Глобал Рақобатбардошлиқ индекси кўплаб барқарор институтларни, сиёsat ва иқтисодий фаровонликнинг ўрта ва ўрта муддатли даражаларини белгилайдиган омилларни ўлчайди.

2004 йилдан бери ҳисобот глобал рақобатбардошлиқ индексига мувофиқ дунё мамлакатларига тегишли. Ҳисоботда бу сўнгги назарий ва эмпирик тадқиқотларга асосланганлиги айтилган. У 110 дан ортиқ ўзгарувчилардан иборат бўлиб, уларнинг учдан икки қисми Ижроия фикрини ўрганиш тадқиқотидан олинган, учдан бири еса БМТ каби оммавий манбалардан

олинган. Ўзгарувчилар ўн иккита устунга бўлинган , уларнинг ҳар бир устуни рақобатбардошликтининг муҳим омили бўлган майдонни акс эттиради.

Ҳисоботда айтилишича, мамлакат ривожланиб борар экан, иш ҳақи кўпаймоқда ва бу юқори даромадни сақлаб қолиш учун мамлакат рақобатдош бўлиши учун меҳнат унумдорлиги яхшиланиши керак. Бундан ташқари, Швецияда унумдорликни келтириб чиқарадиган нарса Ганада уни рағбатлантирадиган нарсадан фарқ қиласи. Шундай қилиб, GCI мамлакатларни учта аниқ босқичга ажратади: омилларга йўналтирилган, самарали ва инновацион, уларнинг ҳар бири иқтисодиётнинг ишлаши тобора кучайиб бораётган мураккабликни англатади.

Ҳисобот рақобатбардошликтининг ўн иккита устунидан иборат. Булар:

1. Муассасалар
2. Тегишли инфратузилма
3. Барқарор макроиктисодий тизим
4. Саломатлик ва бошлангич таълим
5. Олий маълумот ва ўқитиши
6. Самарали маҳсулот бозорлари
7. Самарали меҳнат бозорлари
8. Ривожланган молиявий бозорлар
9. Мавжуд технологиялардан фойдаланиш имконияти
10. Бозор ҳажми - ички ва халқаро
11. Энг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларидан фойдаланган ҳолда янги ва турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш
12. Инновациялар

Факториал босқичда мамлакатлар ўзларининг омиллари, асосан, малакасиз иш кучи ва табиий ресурслар асосида рақобатлашади. Компаниялар нархлар асосида рақобатлашадилар ва асосий маҳсулотлар ёки товарларни сотадилар ва уларнинг паст маҳсулдорлиги паст иш ҳақи миқдорида акс этади. Ривожланишнинг ушбу босқичида рақобатбардошликтин таъминлаш учун, асосан, фаолият юритаётган давлат ва хусусий институтлар (1-даражада), тегишли

инфратузилма (2-даража), барқарор макроиқтисодий тузилма (3-босқич), саломатлик ва бошланғич таълим (4-устун).

Ривожланаётган ривожланиш билан иш ҳақи ошиб борар экан, мамлакатлар самаралиликка йўналтирилган ривожланиш босқичига ўтмоқдалар, бунда улар самаралироқ ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш ва маҳсулот сифатини оширишни бошлашлари керак. Ушбу босқичда рақобатбардошлик тобора олий таълим ва ўқишга (5-даража), товарларнинг самарали бозорлари (6-устун), самарали меҳнат бозорлари (7-даража), ривожланган молиявий бозорлар (8-даража) ва мавжуд технологиялардан фойдаланиш имкониятларига (8-даражали) боғлиқдир. бозор ва унинг ҳам ички (9 устун), ҳам халқаро (10-устун) миқёси.


Ва ниҳоят, мамлакатлар инновацияларга асосланган босқичга ўтишда, агар корхоналари янги ёки ноёб маҳсулотларни тақдим этиш орқали рақобатлаша олсалар, юқори иш ҳақи ва юқори турмуш даражасини сақлаб туришлари мумкин. Ушбу босқичда компаниялар энг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларидан (11-устун) ва инновациялардан (12-устун) фойдаланган ҳолда янги ва турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган рақобатлашишлари керак.

Шундай қилиб, ҳар бир таркибий қисмнинг рақобатбардошликка таъсири турли мамлакатларда уларнинг иқтисодий ривожланиш босқичларига қараб фарқ қиласиди. Шунинг учун, GCIни ҳисоблашда устунлар жон бошига тўғри келадиган даромадга қараб турли хил оғирликларни олади. Сўнгти йилларда ўсишни энг яхши тушунтирган қийматлар ишлатилган. Масалан, мураккаблик ва инновацион омиллар омил ва самарадорлик билан иқтисодиётнинг якуний натижасига 10% ёрдам беради, аммо инновацион иқтисодиёти бўлган мамлакатларда 30 %. Ўрта қийматлар босқичлар ўртасида ўтиш даври бўлган давлатлар учун қўлланилади.

Глобал Рақобатбардошлик Индексининг йиллик ҳисботлари бизнес юритишнинг қулийлиги ва иқтисодий эркинлик индексларига ўхшайди, бу шунингдек иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни ҳам ҳисобга олади (аммо глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги ҳисбот каби эмас).

## **11.5. Халқаро рейтингларда Ўзбекистон позициясини янада мустаҳкамланиши**

Юқоридагиларни инобатга олиб мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни хуқуқий жиҳатдан таъминлашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада яхшилашга қаратилган бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинди. Бугун юртимизда давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш, барча соҳани либераллаштириш бўйича кэнг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, кейинги беш йил давомида Ўзбекистоннинг дунё мамлакатларида бизнес юритишга яратилган имкониятлар, қулайликлар ҳамда уларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминловчи қонунчилик нормаларини баҳоловчи энг нуфузли халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи (рейтинг)даги ўрни 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 2018 йилда 76-ўринга кўтарилиди.



Бироқ мамлакатимиздаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Бу эса, соҳанинг хукуқий асосларини янада такомиллаштириш вазифаси долзарблигича қолаётганини англаади.

“Бизнес юритиш” ҳисоботи методологиясида қулай тадбиркорлик мухитини яратишга қаратилган талабларни қонун хужжатларига киритиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 июль куни «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада

яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор<sup>32</sup>ига кўра, инвестиция мухитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитлар яратилади. Эълон қилинган «Бизнес юритиш» ҳисботи натижаларини ўрганишни ҳамда у бўйича кейинчалик Жаҳон банки ва «Бизнес юритиш» жамоасига тақдим этиш учун ўрганилаётган ҳар бир йўналиш кесимида асослантирилган далиллар ва статистик маълумотлардан иборат шарҳлар тайёрланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичи рейтинг тузиш методологияси талабларига мувофиқлигини баҳолаган ҳолда «Бизнес юритиш» ҳисботлари танқидий ўрганилиб, ҳар йили «Бизнес юритиш» ҳисботида республиканинг алоҳида кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ишбилармонлик мухити ва қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади.

Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб республикамизда монополияга қарши бошқарувни ривожлантириш ҳамда рақобат мухитини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ишларини халқаро рейтинг талабларига мослаштириш давр талаби ҳисобланади. Бунда “[2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида](#)”ги № ПФ-5635 (17.01.2019) ҳужжатда белгиланган алоҳида топшириқлардан бири Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхатининг тасдиқланишидир.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [карори](#)

Яъни, № ПФ-5635да 16та халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш масъулияти идоралар бўйича тақсимланган.

Куйида шулар келтирилади.

1.	Иқтисодий эркинлик индекси
2.	Глобал рақобатбардошлиқ индекси
3.	«Doing business» индекси
4	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) кредит рейтинги
5	Хуқуқ устуворлиги индекси
6.	Коррупцияни қабул қилиш индекси
7.	Инсон камолоти индекси
8.	Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси
9.	Эркин матбуот индекси
10.	Логистика самарадорлиги индекси
11.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси
12.	Статистик салоҳият индекси
13.	Саноат рақобатбардошлиги индекси
14.	Инвестицияларни тартибга солишнинг чекланганилиги индекси
15.	Инновациялар глобал индекси
16.	Давлат сиёсати ва институционал баҳолаш индекси

Индексларнинг ўнтаси тузилмавий таркибга эга эмас.

4	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) кредит рейтинги
6.	Коррупцияни қабул қилиш индекси
9.	Эркин матбуот индекси
10.	Логистика самарадорлиги индекси
11.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси
12.	Статистик салоҳият индекси
13.	Саноат рақобатбардошлиги индекси

14.	Инвестицияларни тартибга солишининг чекланганлиги индекси
15.	Инновациялар глобал индекси
16.	Давлат сиёсати ва институционал баҳолаш индекси

Индексларнинг қолганлари тузилмавий таркибга эга бўлиб, индекслар ички тоикалардан, тоифалар эса ўз навбатида таркибий индикаторлардан иборат.

Масаалан: Иқтисодий эркинлик индекси тўртта ички тоифалардан, ҳар бир учтадан таркибий индикаторлардан тузилган.

Иқтисодий эркинлик индекси тўртта ички тоифалари ва уларнинг таркибий индикаторлари қўйидагилардан иборат.

1.	Иқтисодий эркинлик индекси	
	Тоифалар номланиши	Таркибий индикаторлар номланиши
1.1	Қонун устуворлиги	Мулкчилик ҳуқуқи Суд фаолияти самарадорлиги Давлатнинг яхлитлиги
1.2	Давлат аралашуви даражаси	Солиқ юки Давлат харажатлари Фискал саломатлик
1.3	Тартибга солиш самарадорлиги	Бизнес эркинлиги Меҳнат бозори эркинлиги Монетар эркинлик
1.4	Бозорларнинг очиқлиги	Савдо эркинлиги Инвестициялар эркинлиги Молиявий эркинлик

Шунингдек, «Doing business» индексига қўйидаги ўн иккита тоифа, Ҳукуқ устуворлиги индекси тўққизта тоифа, Инсон камолоти индекси учта тоифа, Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси бешта тоифа киритилган.

3.	«Doing business» индекси		
3.1	Корхоналарни рўйхатдан	3.7	Солиқлар тўлови

	ўтказиш		
3.2	Курилиш рухсатномалар олиш учун	3.8	Халқаро савдо
3.3	Электр таъминоти тизимига уланиш	3.9	Контрактлар ижросини таъминлаш
3.4	Мулкни рўйхатдан ўтказиш	3.10	Тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш
3.5	Кредит олиш	3.11	Давлат харидлари
3.6	Миноритар инвесторларни химоя қилиш	3.12	Меҳнат бозорини тартибга солиш
<b>5</b>	<b>Хуқуқ устуворлиги индекси</b>		
5.1	Ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш	5.5	Ҳокимият институтларининг шаффоғлиги
5.2	Коррупциянинг йўқлиги	5.6	Қонунларга риоя этиш
5.3	Тартиб ва хавфсизлик	5.7	Фуқаролик одил судлови
5.4	Асосий хуқуқларни химоя қилиш	5.8	Жиноий одил судлов
		5.9	Норасмий одил судлов
<b>7.</b>	<b>Инсон камолоти индекси</b>		
7.1	Кутилаётган умр кўриш индекси	7.2	Таълим индекси
		7.3	Даромад индекси
<b>8.</b>	<b>Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси</b>		
8.1	Сайлов жараёни ва плюрализм	8.3	Сиёсий иштирок
8.2	Хукумат фаолияти	8.4	Сиёсий маданият
		8.5	Фуқаролар эркинлиги

Юқоридаги вазифаларнинг янада мустаҳкамланишида қўйидагилар ўзаро тўлдирувчи асосий хужжатлар ҳисобланади:

1.“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги № ПФ-5635 (17.01.2019)

2.Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. № ПҚ-4160\_05.02.2019;

2. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида. № ПФ-5687 07.03.2019.

## **11-бобни ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР**

**11.1** Монополияга қарши бошқарув тўғрисида турли қараашлар ва назариялари таркибини изоҳланг.

**11.2** Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини шарҳланг.

**11.3** Монополияга қарши бошқарувни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар фаолиятидаги хусусиятлар нимадан иборат.

**11.4** Халқаро рейтингларда Ўзбекистон позициясини янада мустаҳкамланишини ёритиб беринг.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

**Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

**Асосий адабиётлар**

**1.Recent Developments in Antitrust Theory and Evidence /edited by Jay Pil Choi.** Massachusetts Institute of Technology. Press Cambridge, Massachusetts London, England.-2007

**2.The internationalisation of antitrust policy. / Maher M. Dabbah. lecturer in competition law at queen mary, university of London and barrister of the middle temple. Cambridge University Press The Edinburgh Building, 2003-  
[www.cambridge.org/9780521820790](http://www.cambridge.org/9780521820790).**

**3.Natural monopoly regulation : principles and practice / Sanford V. Berg and John Tschirhart. — ISBN 10: 052133893X ISBN 13: 9780521338936 Publisher: Cambridge University Press, 1989-**

**4.Antitrust and Regulation. Dennis W. Carlton, Randal C. Picker. Chapter in NBER book Economic Regulation and Its Reform: What Have We Learned? (2014), Nancy L. Rose, editor (p. 25 - 61). Conference held September 9-10, 2005. Published in June 2014 by University of Chicago Press- <http://www.nber.org/chapters/c12565>.**

**5.Комментарий к Закону Республики Узбекистан «О конкуренции»/Авторский коллектив: А. А. Абдухакимов, У.Т. Турдиев, А. С. Усманов, Ф. К. Карабаев и др. — Ташкент: Baktria press, 2014. — 336 с.**

**6.Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров ва бошқ. /С.С.Ғуломов таҳрири остида. - Тошкент: Konsauditinform- Nashr, 2006. 440 б.**

**7.Пиндайк Р.,Рубинфельд Д. Микроиктисод(инглизчадан қисқартириб таржима қилинган)-Т.: “Шарқ”, 2002-448б.**

**8.Раззоков А.А. ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи.Т. Молия. 2007.320 б.**

**9.Салимов Б.Т. ва б.Микроиктисодиёт: дарслик-Т.: 2001.-320б.**

10.Кейнс Ж.М. Общая теория занятости и процента и денег. / Пер с англ.: – М.: Экономика, 2010.

### **Қўшимча адабиётлар**

22.Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2017 йил. <http://www.press-service.uz/uz/lists/category/5>.

23.Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. <http://www.press-service.uz/uz/lists/category/5>.

24.Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. / Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -592 б. (.pdf 170Mb)/ электрон манба: <http://natlib.uz/usb/Article/Index/51>.

25.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

26.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

27. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

28.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-м., 22-сон, 406-м., 35-сон, 914-м.

29.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Биринчи қисм. 21.12.1995. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087.

30.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Иккинчи қисм. 29.08.1996. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579.

31.Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 26 апрель, 221-I-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512.

32.Реклама тўғрисида. 1998 йил 25 декабрь, 723-I-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/18/476/1087.

33.Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида. (янги таҳрири). ЎРҚ-375-сон 12.09.2014. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559.

34.Рақобат тўғрисида. 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559.

35.Табиий монополиялар тўғрисида (янги таҳрири). 1999 йил 19 август, 815-I-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-м.

36.Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида. 2012 йил 20 декабрь, ЎРҚ-341-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 265-м.

37.Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида. № ПФ-5630, 14.01.2019

38.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. № ПФ-5635, 17.01.2019.

39.Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. № ПҚ-4112, 14.01.2019.

40.Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. № ПҚ-4126, 24.01.2019.

41.Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.№ ПҚ-4127, 24.01.2019.

42.Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини қўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2017 йил 1 февраль, ПҚ-2750. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594.

43.Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки обьектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 17 январь, ПФ-4933-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 608-м.

44.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594.

45.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Даствури тўғрисида. ПФ-5308 22.01.2018. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269.

46.Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-2796. 23.02.2017. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2018 й., 06/18/3541/0788-сон, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594.

47.Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 18 апрель. ПҚ-2897. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 289-м.

48.Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2017 йил 18 апрель ПФ-5016-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 266-м.

49.Мулкдорлар томонидан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан назоратни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2018 йил 19 февраль, ПҚ-3541. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2018 й., 06/18/3541/0788.

50.Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. ВМҚ-402, 15.05.2019.

51.Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. ВМҚ-215, 2006 йил 16 октябрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 09/18/33/0597.

52.Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. . ВМҚ-54, 1999 йил 5 февраль. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266.

53.Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2010 йил 28 октябр, ВМҚ-239. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2018 й., 09/18/197/0892-сон, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

54. Товар ва молия бозорларида монополияга қарши ислоҳ этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2013 йил 20 август, ВМҚ-230. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

55. Монополияга қарши курашни ислоҳ этиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. 2013 йил 27 декабрь, ВМҚ-344. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2017 й., 09/17/810/0095.

56. Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. 2017 йил 19 июн, ВМҚ-391. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 543-м.

57. Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 2017 йил 23 июнь, ВМҚ-419. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 26-сон, 588-м.

58. Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошли савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон қарорига илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1008-м. АВ-2125, 26.07.2010.

59. Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 30 март, ВМҚ-249. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998.

60. Урмонов Н.Т., Мустафакулов Ш.И. Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли лугат. Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: ”Молия” нашриёти, 2016. - 264 б.

61.Friedrich A.Hayek. Individualism and Economic Order. The University of Chicago press. 1948. 272 pages. (ISBN-13: 978-1-61016-144-2).

62.Piketty Thomas. Paris School of Economics. Capital In The 21st Century. / Translated by Arthur Goldhammer. Cambridge, MA. 2014. Harvard University Press. 696 pp. ISBN 9780674430006.

63.Конкурентная политика в Республике Узбекистан. Доклад о развитии, состоянии, тенденциях и проблемах антимонопольной и конкурентной политики в Узбекистане в 2000-2007 гг. Ташкент, 2007 г.

64.Сравнительный анализ антимонопольного законодательства зарубежных стран и Республики Узбекистан/ Центр по совершенствованию антимонопольной политики. -Т, 2006. -67 с

65. Сравнительный анализ полномочий антимонопольных органов зарубежных стран по применению мер правового воздействия/ Центр по совершенствованию антимонопольной политике. -Т, 2006. -64 с.

66.Холжигитов Г. Антимонопольная политика в условиях глобального финансово-экономического кризиса //Бозор, пул ва кредит. - Т., 2010г. N 11

## **Интернет сай tlari**

1.[www.prezident.uz](http://www.prezident.uz) - [Ўзбекистон Республикаси Президентининг](http://www.prezident.uz) расмий веб сайти.

2.[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz). – [Ўзбекистон Республикаси Президентининг](http://www.press-service.uz) [Матбуот хизматининг](http://www.press-service.uz) расмий веб сайти.

3.[www.gov.uz](http://www.gov.uz). - [Ўзбекистон Республикаси Хукумат](http://www.gov.uz) портали.

4.[www.gkk.uz](http://www.gkk.uz). - Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси сайти.

5.[www.lex.uz](http://www.lex.uz). - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

6.[www.minjust.uz](http://www.minjust.uz). - [Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги сайти](http://www.minjust.uz).

7.[www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

8.[www.rcmineconomy.uz](http://www.rcmineconomy.uz) - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш Республика маркази сайти.

9.[www.aza.uz](http://www.aza.uz) - Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги сайти.

10.[www.norma.uz](http://www.norma.uz) - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Ахборот-қидирув тизими сайти.

11.[www.strategy.gov.uz](http://www.strategy.gov.uz) - 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси веб сайти.

12.[www.strategy.regulation.gov.uz](http://www.strategy.regulation.gov.uz) - "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси муҳокамаси веб сайти.

13.[www.uzex.uz](http://www.uzex.uz) - Ўзбекистон Республика товар хомашё биржасининг маҳсус ахборот портали.

14.[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com). - Uzreport-Ахборот агентлиги сайти.

15.[www.deponet.uz](http://www.deponet.uz) - "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" давлат унитар корхонаси сайти.

16.<https://ru.coursera.org/lecture/microeconomics-part2/3-1-2-government-regulation-and-antitrust-law-RDrHH>

## ГЛОССАРИЙ

**Асимметрик ахборот** — бу шундай ҳолатки, бунда бозорда бўладиган савдо-сотиқда бозор қатнашчиларидан бир қисми керакли, муҳим ахборотга эга қолган кисм эга эмас.

**Аукцион** — товарни олди-сотдисини ташкил қилиш усулларидан бири бўлиб унда трансакция харажатлари реал вақт режимида ўтади.

**Берtrand мувозанати (bertrand equilibrium)** — бозор дуополии бўлганда фирмалар товар нархини тушириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали бир бири билан рақобатлашади. Товар нархи чекли харажатга тенг бўлганда мувозанат ҳолат барқарорлашади.

**Биржа савдолари** — биржা томонидан биржা савдолари қоидаларига мувофиқ ташкил этиладиган биржা товари савдолари.

**Давлат буюртмачиси** — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

**Давлат назоратининг объектлари** — давлат назорати субъектлари томонидан ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти текшириладиган масалалар ҳисобланадилар (яъни текшириш пайти нималар текширилади).

**Давлат назоратининг субъектлари** — давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, ҳамда мулкчилик шакли ва бирор идорага қарашлилигидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар (юридик шахслар) ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар (жисмоний шахслар) ҳисобланадилар (яъни кимлар давлат ваколатли идоралари томонидан текширилиши мумкин).

**Давлат харидлари бўйича тўғридан-тўғри шартнома** — маҳсус ахборот порталида рўйхатга қўйилиши шарт бўлган, давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим.

**Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган** — ўзбекистон республикаси молия вазирлиги.

**Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома** — давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзgartириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим.

**Етказиб бериш ҳужжатлари реестри** — юклаш санаси ва юкланган биржа товари миқдори кўрсатилган ҳолда юклаш амалга оширилган битимлар рўйхати.

**Закалат** — клиринг иштирокчилари амалга оширадиган битимлар бажарилишини кафолатлаш учун улар томонидан ҳккпга киритиладиган кафолат таъминоти маблағлари.

**Захира ижрочиси** — тегишли харид комиссиясининг қарори билан танлов ёки тендер ғолибидан сўнг танлов ёки тендер таклифи энг яхши деб топилган танлов ёки тендер иштирокчиси.

**Инсофсиз рақобат** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишchanлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

**Камерал назорат** — солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

**Келишиб олинган ҳаракатлар** — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва

улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

**Клиринг** — биржа аъзолари ва уларнинг мижозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек, ушбу қоидалар ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисобкитоблар.

**Клиринг (ҳисоб) регистрлари** — битимлар тузиш ва битимлар бўйича мажбуриятларни бажаришга мўлжалланган пул маблағлари қолдиқлари тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг битимлар бўйича мажбуриятлари ва талаблари ҳисобини юритишида фойдаланиладиган ҳккпнинг ички электрон ҳисоб регистрлари.

**Клиринг иштирокчилари реестри (кир)** — ушбу қоидаларга мувофиқ ҳккпда рўйхатга олинган клиринг иштирокчилари рўйхати.

**Клиринг иштирокчиси** — акцепт йўллаган ва ушбу қоидаларда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтган биржа аъзоси ва/ёки унинг мижози.

**Клиринг электрон тизими** — ушбу қоидаларга мувофиқ клирингни амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-техник воситалар, маълумотлар базалари, телекоммуникация воситалари ҳамда ҳккп дастурий таъминоти йиғиндиси.

**Комплекс текшириш** — бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

**Контрагент** — битим бўйича мажбурият олган ва битимнинг бошқа томонига қарши қўйиладиган тараф - харидор сотувчи учун ва сотувчи харидор учун.

**Конфидент** — тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс.

**Концентрация** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш.

**Маҳсулот** — товарлар, ишлар, хизматлар.

**Молия бозори** — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қофозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг ўзбекистон республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади.

**Қадам ўлчови** — нархни пасайтириш учун аукционнинг бошланғич нархини ёки олдинги иштирокчи нархининг фоиз билан белгиланадиган камайтириш пул миқдори.

**Қисқа муддатли текшириш** — назорат қилувчи органлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширадиган текшириш.

**Лот** — турли белгилари бўйича гурухлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида буюртмачи томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми.

**Мансабдор шахс** — ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

**Махсус ахборот портали** — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек

электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва маҳсус электрон платформаси.

**Мехнат бозорида монопсония** — бу мукаммаллашган рақобатдаги меҳнат бозорининг алоҳида бир четки кўриниши бўлиб, бунда бирор кичик шахардаги ягона фирма маҳаллий ахолининг кўп қисмини иш билан таъминлайди.

**Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** — солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдан иборат текширув.

**Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** — солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

**Монополия** — бу шундай бозорки, унда фақат битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма фаолият олиб боради маҳсулот ишлаб чиқаришни, сотишни тўлиқ назорат қиласди.

**Монополиянинг ўлик юки ёки жамиятнинг соғ йўқотиши** — монополист бўлмагандаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан монополист ишлаб чиқарган маҳсулот айирмасига teng.

**Мувозанат нарх (equilibrium price)** — талаб билан таклифни тенглаштирувчи нарх. Мувозанат нархга тўғри келадиган товар миқдорига мувозанат маҳсулот миқдори дейилади.

**Мукаммал ракобатлашган бозор** — агар бозор куйидаги хусусиятларга эга бўлса: бозор субъектлар товар нарҳига таъсир қила олмайди фирмаларни бозорга кириш ва чиқиши эркинлиги сотувчилар биргаликда харакат қилмайди бозор тугрисидаги барча ахборотлар билан бозор субъектлари таниш.

**Муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи

субъектнинг турли бўлинмаларидағи хужжатларни таққослашдан иборат текширув.

**Назорат қилувчи органлар** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун хужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

**Назорат қилувчи органлар** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун хужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

**Назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

**Нарх (price)** — бир бирлик товарни сотиб олиш учун тўланадиган пул миқдори.

**Нарх дискреминацияси (price discrimination)** — бунда фирма бир хил товарни хар хил нархда сотиб олиш имконияти хар хил бўлган харидорларга сотади.

**Нафлик** — иқчисодий неъматларни, шахс эҳтиёжини қондириш даражаси.

**Нафлик функцияси** — истеъмол қилинган неъматлар миқдоринииг ўзгариши натижасида олинадиган нафлик ифодаси. Неъмат инсон эҳтиёжини қанча тўлароқ кондирса, унинг нафлиги шунча юқори бўлади.

**Ноаниқлик** — ахборотлар етарли, тўлиқ бўлмаганда қабул қилинган қарорларда ноаниқлик вужудга келади. Ноаниқлик шароитида қабул қилинган қарорлар натижасида таваккалчилик вужудга келади.

**Пул маблағларини блокировкалаш** — битим бўйича харидорлар ва сотувчилар мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи пул маблағлари ҳаракатини битим ёпилгунга қадар тўхтатиб қўйиш.

**Рақобат** — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-

шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

**Рақобатга қарши ҳаракатлар** — рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).

**Режадан ташқари текшириш** — назорат қилувчи органлар томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

**Режа-жадвал** — товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг ҳажмлари ва жойлаштириш муддатларини назарда тутувчи хужжат.

**Реклама** — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун хужжатларида мувофиқ тарқатиладиган маҳсус ахборот.

**Солиқ текшируви** — давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг бажарилишини текширишdir.

**Табиий монополия субъекти** — табиий монополия шароитларида товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва/ёки реализация қилиш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс).

**Таклифни таъминлаш** — буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши.

**Танлов** — шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури.

**Танлов таклифи** — танлов хужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ иштирокчининг танлов предметига нисбатан тақдим этиладиган таклифи.

**Текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Текширишларни қайд этиш дафтари** — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган маҳсус дафтар.

**Текширишларни рўйхатга олиш китоби** — назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий хужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш маҳсус китоби.

**Тендер таклифи** — тендер хужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан иштирокчининг таклифи.

**Тижорат сири** — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иктисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулқдори унинг маҳфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

**Тижорат сири режими** — тижорат сиридан фойдаланишни чеклайдиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирлар тизими. Товар белгиси ва хизмат қўрсатиш белгиси – бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва

хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

**Тижорат сирини ошкор этиш** — тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг учинчи шахсларга бундай ахборот мулқдорининг ёки конфидентнинг розилигисиз ёхуд меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-хукукий шартномага хилоф равища, мумкин бўлган ҳар қандай шаклда (оғзаки, ёзма, бошқа шаклда, шу жумладан техника воситаларидан фойдаланган ҳолда) маълум бўлиб қолишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

**Товар бозори** — товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) ўзбекистон республикаси худудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у ўзбекистон республикасининг маъмурий-худудий бўлиншишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади.

**Товар келиб чиқсан жой номи** — мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган ном.

**Тузилган битимлар реестри** — имзоланган ва рўйхатга олинган битимлар рўйхати.

**Тўловлар амалга оширилган битимлар** — биржа товарини юклаш учун сотувчига асос бўладиган ва тузилган битим бўйича қарздорликни тўлиқ қопладиган миқдорда сотиб олувчининг ҳқкпдаги ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган битимлар рўйхати.

**Фойдаланувчининг индивидуал рақами** — клиринг иштирокчисига бериладиган маҳсус хос рақам.

**Хўжалик юритувчи субъект** — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан

чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор.

**Шахсий кабинет** — электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси.

**Электрон давлат харидлари** — электрон дўкон ва бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуслари.

**Электрон тизим** — барча манфаатдор шахслар фойдалана оладиган, харидларни ўтказишни таъминловчи дастурий-техник комплексидан фойдаланган ҳолда харидлар жараёнлари иштирокчилари ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди учун буюртмаларни жойлаш тизими.

**Ягона етказиб берувчи** — табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонларида, қарорларида ва фармойишларида ёки ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи.

**Ягона етказиб берувчилар реестри** — ваколатли орган билан келишилган ҳолда махсус ахборот портали оператори томонидан юритиладиган ахборот ресурси.

Ўрмонов Низомиддин Тўлаганович

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ  
АСОСЛАРИ

*Ўқув қўлланма*

*“IQTISODIYOT” - 2019*

*Муҳаррир  
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳих  
Матхўжаев О.А.*

Лицензия АІ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 12.10.2019. Босишга рухсат этилди 14.10.2019. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табоги 16,3. Ҳисоб нашр вараги 16,0.  
**Адади 100** нусха. Баҳоси келишилган нархда

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100003. Тошкент шаҳри Ислом Каримов кўчаси, 49-й.

65.9(5O'zb) Монополияга қарши бошқарувнинг  
институционал асослари. Ўқув  
қўлланма. /Ўрмонов Н.Т. -Т.:  
«IQTISODIYOT», 2019. - 261 бет.

1. Ўрмонов Н.Т.

ISBN: 978-9943-05-691-6

УЎК: 339.137.2  
КБК: 65.9(5O'zb)